



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР
ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА
МОНИТОРИНГ РОЛИ**

Илмий-услубий қўлланма

Тошкент - 2014

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА
МОНИТОРИНГ РОЛИ

Илмий-услубий қўлланма

«Tafakkur Bo'stoni»

Тошкент – 2014



УЎК : 371.11

74.202.4

T29

Таълим тизими бошқарувини такомиллаштиришда мониторинг роли : илмий-услубий қўлланма / А.А. Ходжаев, И.Мажидов, Р. Файзиев, Т.Дадаев, Х.Назаров, У.Раҳимова, Д. Қўчқаров. - Тошкент : "Tafakkur Bo'stoni", 2014. - 80 б.

КБК 74.202.4

ISBN - 978-9943-4240-3-6

Муаллифлар жамоаси: т.ф.д., проф. Илмий-услубий қўлланма таълим жараёни асосий субъектлари ва таълим тизими муассасаларидаги бошқарув механизмнинг мониторингини, хусусан ҳудудий ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимидаги ўзаро ҳамкорликнинг илмий-назарий ва методик асосларини таҳлилидек долзарб муаммога бағишланган.

Илмий-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 23 февралдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган 2012-2016 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар дастурлари доирасидаги Ф-1-29 – “Узлуксиз таълим тизими ислохотларини амалга оширилишининг ижтимоий мониторингини илмий асослари” мавзусидаги лойиҳа доирасида яратилган.

Илмий-услубий қўлланмадан таълим муассасалари раҳбарлари, таълимни бошқариш органлари ходимлари, педагог ва тарбиячилар, олим ва мутахассислар, стажёр-тадқиқотчи ва талабалар фойдаланишлари мумкин. Муаллифлар жамоаси илмий-услубий қўлланманинг тузилмаси ва мазмунини такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳаза ва таклифларини мамнуният билан қабул қилади.

Тақризчилар: Ш.Э. Курбанов, педагогика фанлари доктори,
профессор
Х.Ф. Рашидов, педагогика фанлари доктори,
профессор

ISBN - 978-9943-4240-3-6

© «Tafakkur Bo'stoni», 2014

Мундарижа

КИРИШ.....	4
I БОБ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1. Таълим тизимида бошқарувнинг ижтимоий-педагогик ёндашуви.....	8
1.2. Таълим тизимидаги ижтимоий ўзаро муносабатлар ва бошқарув объектлари ҳолатларини моделлаштириш.....	12
1.3. “Инсон омили” ва таълим тизими мониторинги ва бошқарилувини ахборот-аналитик таъминлаш техноло- гиясининг аҳамияти.....	28
II БОБ.ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ МОНИТОРИНГИ.....	43
2.1. Узлуксиз таълим ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида.....	43
2.1.1. Таълим инсон ривожланишининг асоси сифатида.....	43
2.1.2. Жамоатчилик ишлаб чиқаришида таълим тизими- нинг роли.....	54
2.1.3. Таълим тизими бошқарувининг ишлаш кўрсаткичлари ва тизимли ифодаланиши.....	57
2.1.4. Таълим тизимидаги бошқарилаётган объектлар ҳолатининг ижтимоий-психологик кўрсаткичлари.....	66
2.2 . «Ижтимоий-метрик: мониторинг» методи.....	73
Хулоса.....	76
Тавсия қилинаётган адабиётлар.....	78

Бизнинг тасаввуримизга кўра таълим муҳити ҳолатининг кўрсаткичлар тизими учта блокдан ташкил топиши зарур деб биламиз:

I. Ташкилий-педагогик кўрсаткичлар.

1.Таълим олувчиларнинг материални ўзлаштирганлиги бўйича мавзувий, тематик (блокли) назорат қилиш технологияси ва якуний тестлаш бўйича олган билимлари, ўқув ва кўникмалари даражасини баҳолаш (тест) натижалари.

2.Умумтаълим муассасалари тармоғида таълим хизматларининг тақсимланиши (турли хил синфларда таълим жараёнини ташкиллаштириш хусусияти тўғрисидаги маълумотлар бўйича).

3.Таълим муҳитининг ҳолати ва таркиби (ўқув режалари ва дастурларидан иборат маълумотлар бўйича).

II. Ижтимоий-демографик кўрсаткичлар.

1.Ўқувчилар контингентининг ижтимоий-демографик маълумотлари.

2.Педагогик контингентнинг ижтимоий-демографик маълумотлари.

III. Ижтимоий-психологик кўрсаткичлар.

1.Таълим жараёнининг боришидаги турли хил ижтимоий позициялар ўртасидаги ижтимоий ўзаро таъсирлар ҳолатининг кўрсаткичлари.

2. Педагогик жамоадаги психологик иқлим ҳолатининг кўрсаткичлари.

Бизнинг тадқиқотимизда кўрсаткичларнинг учинчи блоки бўйича ахборотлар олишга йўналтирилган методлар қаралмоқда.

Бошқарувнинг психологик-педагогик таъминланиши масалаларининг сифатли даражада ечилмаслиги ўзгариб турувчи таркибли элементлардан иборат бўлган тузилмани ишга тушириб турувчи, кўпгина турли хил одамлар ўтиб турадиган ижтимоий ташкилотнинг маъмурий психологик-педагогик хизмати мутахассисининг ҳатто фаолият объектининг ўзини ҳам англамай (беихтиёр, тушунмаган) ҳолда алмаштириб қўйилишига олиб келади. Амалиётда уни кўпгина ижтимоий ташкилотлар орқали ўтиб келаётган муайян бир кишининг ҳаёт йўли сифатида белгилаш мумкин бўлган ҳудудий психологик-педагогик хизмат объекти билан алмашиниб қолиши юз бериб туради. Бунинг тасдиғини Тошкент вилояти психоло-

гик-педагогик хизмати ишларининг тадқиқ этилишида ҳам кўриш мумкин: масалан, психолог томонидан тақдим этилувчи хизматлар рўйхатидан фақатгина 10% педагог ва таълим муассасаси фаолияти таъминланишига салбий таъсир этади.

Шундай қилиб, тадқиқ этилаётган муаммо бошқарув субъектлари фаолиятларининг ижтимоий-психологик ва педагогик таъминотига бўлган эҳтиёжлари ва психологик-педагогик хизмати мутахассисларининг ушбу эҳтиёжларни қондира олиш имкониятлари ўртасидаги узилиши билан аникланади.

Ахборотларни қайта ишлаш ва тақдим этиш компьютер технологияларининг бирлашган ҳолдаги мониторинги таълим муассасаси раҳбариятини юзага келган ижтимоий-психологик-педагогик вазиятнинг тизимли таҳлил этилиш тезкорлигини таъминлаб беради. Бу эса таълим муассасасидаги бошқарувчилик фаолиятини ўзгача сифат даражасида амалга оширишга имкон беради.

Илмий-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 23 февралдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган 2012-2016 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар дастурлари доирасидаги Ф-1-29 – “Узлуксиз таълим тизими ислохотларини амалга оширилишининг ижтимоий мониторингини илмий асослари” мавзусидаги лойиҳа доирасида яратилган.

Илмий-услубий қўлланмадан таълим муассасалари раҳбарлари, таълимни бошқариш органлари ходимлари, педагог ва тарбиячилар, олим ва мутахассислар, стажёр-тадқиқотчи ва талабалар фойдаланишлари мумкин. Муаллифлар жамоаси илмий-услубий қўлланманинг тузилмаси ва мазмунини такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳаза ва таклифларини мамнуният билан қабул қилади.

I БОБ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Таълим тизимида бошқарувнинг ижтимоий-педагогик ёндашуви

Бугунги кунда бошқарув самарадорлиги муаммоси таълим тизими-ни ташкиллаштиришнинг деярли барча поғоналарида жиддий тусда акс этмокда. Дастурий ва норматив-ҳукукий ҳужжатларда учта асосий масалаларда кучларни бир жойга жамлаш зарурлиги кайд этилмокда: бошқарувнинг децентрализацияси, яъни – марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтиш; таълимни бошқариш органларининг эътиборини таълим тизими ва муассасаларини ривожлантиришга қайта ориентирлаш; мазкур органларнинг барча ходимлари томонидан замонавий бошқарув технологияларини ўзлаштиришлари [НППК, Закон «Об образовании», Ш.Курбанов, Э.Сейтхалилов, Федорова Г.С., Чубасова Э.С., Пономаренко Б.Ф.].

Қуйи турувчи таълим бошқаруви органларининг мустакиллиги секин-аста кенгайиб боради, ташкилий тузилмаларни танлаш ва бошқарувчилик функцияларини турли даражадаги бошқарувлар ўртасида қайта таксимлаш имконияти кўзда тутилади. бунда ҳудуднинг спецификаси ва таълим муассасаси фаолиятининг йўналиши ҳисобга олинмиши такозо этилади. Шунингдек, қайд этиладики, ҳар бир бошқарув бўғинида факатгина ўзидан қуйи турувчи бўғинида ҳал қилина олмай-диган масалаларнигина ҳал қилиш кўзда тутилмоғи зарур ёки бошқача қилиб айтганда уларнинг ечими ҳар бир қуйи турувчи орган учун ўзига хос ва мос бўлиши керак.

Бир вақтнинг ўзида барча даражадаги бошқарув органлари фаолият соҳаларининг бўлиниши билан таълим тизимидаги бошқарувчанликнинг йўқотилишидан қочиш учун уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизми ишлаб чиқилади.

Ўқорида санаб ўтилган вазифаларни ҳал қилиш таълим бошқаруви тизимининг барча даража ва поғоналарида таълимни ривожлантиришга йўналтирилган ташкилий бошқарув механизмларини яратишни талаб этади, буни эса бошқарув органларининг ташкилий тузилмаси ва функцияларини қайта қўриб чиқмасдан, шунингдек таълим бошқаруви муаммолари бўйича истикболий ишланмаларнинг зарурлигини тушунмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

Таълим тизимидаги факатгина таълимнинг ўзи билангина эмас, балки унинг барқарор ишлаши ва ривожланишининг бошқарилишини

таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ўсиб бораётганлиги ва чуқурлашуви бошқарув аппарати ходимларига – бошқарувда иктисодий-математика методларидан фойдаланиш зарурлиги ва мумкинлиги тўғрисидаги кўйилган масаланинг муҳимлигини тушуниб етишларини шарт қилиб қўйди.

Таълим жамоатчилиги ишлаб чиқришининг соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, jisмоний тарбия ва ижтимоий таъминот каби тармоқлар каторидаги ижтимоий-маданий соҳасига тааллуқлидир. Ушбу тармоқларнинг ўзига хос муҳим роли инсон шахсига нисбатан бевосита таъсир қилиш хусусияти билан белгиланади. бинобарин, истеъмолчига тўғридан-тўғри таъсир қилиш аломати бўйича айнан таълим ажралиб чиқади [Hartley Н.О., с.55].

Иктисодий, ижтимоий-психологик ёндашувларнинг бирикмаси ҳар бир ижтимоий муҳитнинг ижтимоий-маданий мажмуа тармоқлари томонидан бажарилувчи функцияларни аниқроқ белгилаб беришга имкон беради. Ушбу тармоқлар номоддий истеъмол предметлар манбаи сифатида майдонга чиқади. Шу бир вақтнинг ўзида номоддий соҳаларнинг ўзига хос хусусиятларини ёрқин характерлаб берувчи функциялар – бу ноиктисодий характердаги жамоатчилиги алоқаларини бевосита “ишлаб чиқарувчи” ва жамоатчилиги ривожланиш мақсадларини ишлаб чиқишдир [Духовное производство:, 90 б.]. Тор маънодаги иктисодий ёндашув доирасида социология, ижтимоий психология, педагогика, маданиятшунослик ва бошқа илмий фанларда эришилган ютуқларни жалб этмасдан, улар тўлиқ тасвирга эга бўла олмайдилар.

Шунга кўра, иктисодий таҳлилнинг эмпирик асосини (фундаментини) кенгайтириш ва чуқурлаштириш тарафдорларини [Леонтьев А.Н., 370 б.], иктисодий тадқиқотлар соҳасини уларга ёндош бўлганларидан ажратиб турувчи анъанавий чегараларга ўтилишига. Анъанавий тарзда мавжуд маълумотлар тўпламидан яна бир параметрга эга бўлишга имкон берувчи, янгича статистик методикани ишлаб чиқиш у ёки бу тармоқнинг спецификасини аниқроқ ва тўлиқроқ акс эттирувчи кўшимча ахборотларни мувоффақиятли тарзда излаб топишдан кўра муҳим аҳамиятли илмий ютуқ ҳисобланади.

Ижтимоий-иктисодий объектларни бошқариш тизимларини тадқиқ этиш ва такомиллаштиришда *уларнинг самарадорлигини баҳолаш* муҳим аҳамият касб этади. Самарадорлик тушунчасининг ўзи эса жудаям кўпқиррали ҳисобланади, уни микдорий (сон) жиҳатдан ифодалаш қийин, негаки, умумий ҳолатда, бошқарилаётган тизимни ташкил этувчилар фаолиятининг самарадорлигини умуман ижтимоий-иктисодий

объект ишининг якуний натижаларини баҳолаш оркалигина белгилаш (аниклаш) мумкин [Перре-Клермон А.-Н., 30 б.]. Бу эса бошқарув тизими самарадорлигини тушуниб олишга ҳам тааллуқлидир. Бир қатор муаллифларнинг фикрларига кўра [Ф.Рудольф, Х.Шилар, Я.Гутенбаум, Ю.Олейник-Овод, Е.Файерман ва б.] бошқарув тизимининг самарадорлиги бошқарилаётган тизим фаолияти натижаларининг самарадорлиги, унинг интеграл тарзда ишлаши билан белгиланади. Оптимал бошқарув – бу бошқарув тизимининг шундай иш режимими – бунда бошқарилаётган тизимнинг ташқи муҳит томонидан берилувчи чегаралар доирасидаги ўз мақсадли дастурларини тўлиқ амалга оширишга имкон берувчи иш режимидир. Шу маънода бошқарув тизимининг самарадорлиги бошқарилаётган тизим фаолиятининг реал натижалари унинг мақсадли дастурий мўлжалларига яқин ўлчам билан белгиланади.

Мазкур масалани ҳал қилишдаги асосий қийинчилик бошқарувда унинг самарадорлигини ошириш учун иктисодий-математик методлардан фойдаланиш бевосита меҳнат фаолияти **натижаларининг баҳоланиши** имконияти билан узлуксиз тарзда боғлиқлигидир.

Тармоқларидаги бошқарув масалаларининг ечими ўта қийинчилик туғдирувчи ижтимоий-маданий соҳанинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда фаолият натижаларининг очик-ойдин эмаслигидир. Таълим соҳасидаги назарий тадқиқотлар ҳам – таълим жараёнининг натижаси айнан нимадан иборат ва боз устига – у қандай баҳоланади каби саволга тўлиқ жавоб беришга имкон бермайди.

Шунинг учун таълим кўпроқ даражада – ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларига қараганда, узок вақт давомида **маъмурий буйруқбозликка** дучор бўлган. Таълим бошқаруви органлари аппарати бевосита таълимни ривожлантириш бўйича муайян мақсадга йўналтирилган сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган функцияларни бажаришдан кўра кўпроқ унинг барқарор ишлашини таъминлаб келди, кўпроқ жорий ташкилий ва ҳўжалик масалаларини ҳал қилиш, шунингдек ўз бошқаруви остидаги (карамоғидаги) муассасаларнинг методик (жиҳатдан) бошқарилуви билан шуғулланиб келди.

Илгари таълим муассасалари таълим бошқарув органларига фозили ўзлаштирганлик бўйича ҳисобот бериб келишган. Таълимдаги “ишлаб чиқариш маҳсулотини” баҳолаш учун таълим олувчиларнинг “баҳо қайдидан” фойдаланишга уриниш, бир томондан – таълим муассасаларининг иш самарадорлигини баҳолашнинг адекват усулига ўта муҳтожлик мавжудлиги туфайли бўлса, бошқа бир томондан эса –

ўзлаштирганликни баҳолашнинг ижтимоий табиатини етарлича тушунмаслик туфайли келиб чиққан. “Ўзлаштирганлик бўйича” ҳисоботлар шундай қўшиб ёзиш ғовини келтириб чикардик, оқибатда тез орада педагогик жамоалар ишларининг сифати тўғрисидаги ҳар қандай ҳисобот бекор қилинди, бу эса ўз-ўзидан таълим бошқаруви тизимида қайтувчи алоқанинг бекор қилинишига олиб келди [Ю.В.Громыко].

Таълим бошқаруви тизимида қайтувчи алоқанинг йўқлиги кўпроқ аниқ, бир хилда тушунилувчи ва ўлчанувчи таълим жараёни натижасининг йўқлиги билан тушунтирилади.

Бошқарувчилик ечимларини қабул қилишда таълим муассасасининг тажрибали директори таълим муассасасидаги таълим жараёни натижаси тўғрисидаги бир неча ўқув йиллари давомида ҳосил бўлган ёки ишлаб чиқилган (кўпинча — интуитив, англаб етилмаган, ноформал тарздаги) шахсий тушунчасига ориентирланади. Бироқ у буни ва бунинг нималигини аниқ-равшан аниқлаб, белгилаб бера олмайди, оғзаки (вербал) маънода ҳам таъриф бера олмайди ва ҳаттоки таълим муассасасидаги таълим жараёни натижаси тўғрисида савол қўйилишининг ўзи ҳам унинг учун ўйлаб чиқарилган нарсадек кўриниши мумкин.

Ҳозирги пайтда бошқарув амалиётида таълим жараёни натижаси кўпинча ўқув жараёни натижаси сифатида тушунилиб келинади ва таълим олувчиларнинг саводхонлиги билан белгиланади — яъни, ўқув дастурларида кўзда тутилган билимларнинг ўзлаштирилганлик даражаси билан белгиланади. Бу натижанинг фиксацияланишига эса, масалан, ОТМ ларига қабул тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни, таълим олувчиларнинг турли хил олимпиада ва танловларда иштирок этиш натижалари тўғрисидаги, кейинги пайтларда эса — таълим олувчилар билимининг тест назорати тўғрисидаги натижаларни тўплаш йўналтирилган.

Давлат таълим стандартларининг киритилиши — стандартларга эришиш жараёнини (бошқарилишини) тартибга солиш воситаси сифатида, шунингдек якуний ўқув натижаларининг таълим стандартларига мослиги нуқтан назаридан баҳолаш воситаси сифатида таълим олувчиларнинг билимларини аниқлашда блокли тестлаш технологияларининг ишлаб чиқилиши ва таълим амалиётига жорий этилишининг жадаллаштирилишини юзага келтирди.

Давлат таълим стандартининг асл мазмун-моҳияти шундан иборатки, бунда унинг ортида минимал тарздаги ғоялар, қадриятлар, сермазмуний тасаввурлар корпуси турибди, уларга асосланиш ва таяниш эса ягона бир давлатда яшовчи одамлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тушиниш ва ҳамжиҳатлик муносабатларини таъминлайди, ва бу уларнинг

ягона давлат фукарolari каби биргаликда ҳаёт кечириш ва биргаликда фаолият юритишни ташкиллаштиришга имкон беради. Модомики давлат мавжуд экан, давлат таълим стандартлари ҳам мавжуд бўлади [У.Иноятов, Ш.Курбанов, Э.Сейтхалилов, Ю.В. Громыко].

Ҳозирги пайтда таълим олувчилар билимининг тузилмаси ва динамикасини аниклаш методикасини жорий этиш бўйича жиддий ишлар олиб борилмоқда. Методика тестологиянинг энг сўнги эришган ютуқларидан фойдаланилган ҳолда ва замонавий таълим муассасаси шароитида таълим олувчилар томонидан билимларни ўзлаштириш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини чуқур тушуниб етилишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Давлат таълим стандартлари асосида яратилган тестлардаги масалалар таълим стандартларида талаб этилган параметрларга ориентирланган масалалар кўринишида ифодаланади. Тест натижалари бўйича таълим олувчиларнинг ўқув предмети мазмунини ўзлаштирганлик сифати ва тегишли фаолият турига эгаллиги тўғрисида ҳукм чиқарилади.

Ҳозирги замонавий педагогикада таълим сифатининг ягона кўрсаткичи мавжуд эмас. Шу ўринда В.Беспалько таълим олувчилар билимлари сифатининг куйидаги параметрларини санаб ўтади: предмет мазмунидаги ўқув элементларининг сони; предметнинг баён этилишидаги абстракция даражаси; ўқув материали ўзлаштирилишининг англаб этилганлиги; фаолиятни ўзлаштириш савияси; фаолиятни (автоматлаштирилишини) ўзлаштириш даражаси [В.Беспалько, 31-36 б.].

Дастлабки учта параметрлар дарслик матнида фиксирлаб қўйилган статистик параметрлар ҳисобланади, ва ўқув жараёнида ўзгармайди, шунинг учун улар педагог меҳнатини баҳолаш учун хизмат қила олмайди. Иккита охириги параметрлар ўқув жараёнида ўзгаради ва унинг сифатига боғлиқ бўлади, ва шунинг учун ҳам педагогнинг меҳнатини характерлаб бериши мумкин. Педагогнинг меҳнатини баҳолашнинг куйидаги критериялари тавсия этилади: энг дастлабкиси педагогнинг педагогик маҳоратининг иккита характеристикаси ҳисобланади: 1) таълим олувчиларнинг билим, ўқув ва қўникмалар сифати ва 2) таълим олувчиларнинг ўқув жараёнидан қониқиши (педагогсиз) [В.Беспалько, 33 б.].

Биринчисида таълим олувчилар билимини тестли назорат қилиш методикаси ёрдамида баҳолаш кўзда тутилади. Ўқув сифатини бундай тестлар ёрдамида назорат қилиш объектив ҳисобланади, негаки натижалар олиш имконини беради ва назоратчининг субъектив фикрига боғлиқ бўлмайди. Таълим олувчиларнинг ўқув жараёнидан қониқишини

аниклаш учун тегишли анкеталаштириш, савол-жавоб ва бошқа социометрик методларни ўтказиш йўли билан амалга ошириш тавсия этилади.

Мазкур иккита критериялар бўйича педагог меҳнатини моддий рағбатлантириш миқдорини белгилаш тавсия этилади. Шунингдек таълим олувчилар меҳнатини – жавлат таълим стандартлари талабларига эришиш даражаси бўйича моддий рағбатлантириш тавсия этилади.

Фикримизга кўра, таълим олувчиларни тестлаш ва анкеталаштиришда олинган маълумотларнинг статистик таҳлили ҳақиқатдан ҳам педагог меҳнатининг самарадорлиги тўғрисида маълум бир объектив ҳулосалар килишга имкон беради. Бироқ бу натижалар маълум даражада бошқа бир қатор омилларга ҳам боғлиқ бўлади: таълим олувчилар контингентининг ижтимоий-демографик характеристикаларига, моддий-техник базага, ўқув дастурларига (танлаш ҳар доим ҳам педагогга боғлиқ бўлмайди), ўқув жараёнининг методик ва дидактик таъминоти-га ва ҳ.к. ларга боғлиқ бўлади. Шунингдек, эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган яна шундай муҳим вазият ҳам борки, фан ўқитувчиси меҳнатининг натижаси маълум даражада бошқа бир қатор предметлар-нинг ўқитилиш самарадорлигига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, кимё ўқитувчиси ўз предметининг сифатли ўқитилиши ва ўргатилиши учун таълим олувчиларда маълум даражада математика ўқитувчиси томонидан ҳам ўз предмети бўйича аввалдан шакллантирилган билимлар, ўқув ва кўникмаларсиз (фоизларни ҳисоблаш, тенгламалар тузиш ва ҳ.к.) амалга ошириб бўлмайди.

Бундан келиб чиқадики, таълим олувчиларнинг ўқув давридаги билимларининг ўсишини баҳолашга асосланган кўрсаткичлар таълим жараёни самарадорлигини ҳаққоний баҳолаш критерияларини яратиш учун тўғридан-тўғри асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Фикримизча, натижа тўғрисидаги яна ҳам чуқурироқ тасаввур “битирувчи модел” тушунчасида акс этади, масалан, таълим жараёнини бошқариш бўйича шахсий фаолиятидаги баъзи бир исталган натижаларни ўзида жамловчи “таълим муассасаси директорининг” субъектив образини ифодалаб беради. Ундаги зарурий билимлар даражаси таълим олувчиларнинг мувоффақиятли ижтимоийлашуви билан, унинг соғлом ҳолати билан, маданият даражаси ва кадриятларга ориентацияланганлиги билан бир қаторда туради. Негаки, ҳолатлар каторидаги ижтимоийлашувнинг мувоффақиятини таъминлаш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши мумкин, режалаштириладиган (ёки қутилган) ўқимишлилик даражаси сифатида эса таълим жараёнида турли хил адаптация қилинувчи

педагогик технологияларнинг қўлланилиши ҳисобига таъминлаб бери-
лувчи (давлат стандартларига мос ҳолда) зарурий даражагина майдонга
чиқади. Таълим тизимида ушбу максадлар учун кенг тарқалган даража-
ли дифференциациялаш (фарқлаш, даражалаш, табакалаштириш) тех-
нологияси мувоффақиятли қўлланилиб келмоқда. [Бошқарув. Ахборот.
Интеллект. 22-33 б.].

1.2. Таълим тизимидаги ижтимоий ўзаро муносабатлар ва бошқарув объектлари ҳолатларини моделлаштириш

Таълим жараёни натижасини яна ҳам аниқроқ ва сермазмунроқ
аниқлаш учун **хизматлар** тушунчасини қараб ўтамиз. у номоддий иш-
лаб чиқаришдаги меҳнат ҳажмини белгилаш нуктаи назаридан талкин
килинади, негаки ижтимоий-маданий соҳадаги, шу жумладан таълим-
даги меҳнат ҳам кўпинча умуман қандайдир моддий бойликни яратмай-
ди. Мана шундай ҳолатларда “хизматлар” тўғрисида гапирилади, бироқ
бу термин кўпдан-кўп шарҳланишларга эга.

Кўпгина мутахассисларнинг фикрларига кўра, хизмат – шу хизмат-
ни кўрсатаётган шахсларнинг муайян меҳнатига айнан ўхшаш нарсадир
[Коутс Р., Влейминк И., 111 б.]. Бундай бўладиган бўлса, уни (хизматни)
меҳнат фаолияти натижаларига эмас, балки сарф-ҳаражатларнинг бир
турига қиритиш керак.

Баъзи бир тадқиқотчилар киши хусусиятларининг ўзгаришини
(билимлари, соғлиғи, маданий савияси ва .х.к.) ижтимоий-маданий
соҳадаги фаолият нағижаси (маҳсули) сифатида қаралишини таклиф
этишмоқда [Агабабьян Э.М, 134 б.]. Ҳақиқатдан ҳам, кишининг хусу-
сиятларини таълим соҳасидаги меҳнат жараёнлари билан қиёслаганда,
билимларнинг ўсишини – таълим жараёнининг сўнгги ижтимоий нати-
жаларидан бири сифатида қараш тўғри бўлади. Бироқ бу, масалан, фер-
мерлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарганига ўхшаб, бу
ўсиш ўқитувчилар томонидан яратилганлигини билдирмайди. Сўнгги
ижтимоий натижа – бу доимо нафақат ишлаб чиқаришнинг, ва шу-
нингдек эҳтиёжнинг (заруратнинг, талабнинг) ҳам якунидир, аниқроқ
айтганда, таклиф этилаётган (ёки берилаётган) бойликларни танлаб
ва фаол ўзлаштиришнинг якунидир (ёки якуний натижасидир) [Grady
Booch, 56 б.].

Бошқа бир мутахассисларнинг таърифига кўра ҳар қандай ижтимо-
ий-маданий хизмат ўзаро мулоқат жараёнини ўзида намоён этади, ўзига
хос тарзда уюштирилган муомала муносабати бўлиб, унда ҳам ишлаб

чиқарувчи ҳам истеъмолчи иштирок этади [Л.И.Якобсон, 57 б.].

Мазкур ёндашув ўргатиш (ўқитиш) таърифи билан мос келади: “.... ўргатишнинг (ўқитишнинг) реал моҳияти — бу одамлар ўртасидаги моддий ёки овозли-ишорали (белгили) *ўзаро алоқа-муносабатдир* ва ўргатиш (ўқитишнинг) бошқа моҳияти йўқ”. Ўргатиш (ўқитиш) — бу билими ва тажрибаси борлар, ва буларга эга бўлаётганлар ўртасидаги ўзига хос тарзда уюшган (ташқиллаштирилган) муомала-муносабатидир” [В.К.Дьяченко, 64 б.]. У ҳолда тестда қайд этилган ва ўқувчи томонидан ўқув жараёнида эга бўлинган билимларнинг ўсиши — бу доимо ўқитувчи (ўргатувчи) ва ўқувчи (ўрганувчи) ларнинг ўзаро муносабатлари натижасидир.

Шундай қилиб, таълим хизмати — *ижтимоий ўзаро алоқа-муносабати жараёни* сифатида, ўзига хос тарзда уюшган (ташқиллаштирилган) муомала-муносабати сифатида таърифланиши (белгиланиши) мумкин бўлиб, унда ўргатувчи, ўқитувчи (хизмат кўрсатувчи, хизмат турини ишлаб чиқарувчи) ва ўқувчи, ўрганувчи (хизмат истеъмолчиси, хизмат турига талабгор) иштирок этади.

Бу типик тизимли ҳодиса бўлиб, эътиборимиз бутунлай унинг бирон-бир томонларидан бирига жамланган пайтда назаримиздан четда қолиб кетади. Агарки бундай томонлардан бири ишлаб чиқарувчи бўлиб қолса — хизмат алмашинуви юз беради, яъни унинг дастлабки шартлари билан, меҳнат сарф-ҳаражатлари билан алмашинув юз беради, агарки бу истеъмолчи бўлиб қолса — хизматлар истеъмолининг бавосита, ва одатда, анчагина илгариги натижалари алмашинуви юз беради. Кўриниб турибдики, униси ҳам буниси ҳам таълим соҳасидаги фаолият самарадорлигини (натижавийлигини) адекват тарзда таҳлил қилишга имкон бермайди. Бундан қилиб чиқадики, самарадорлик мезонларни аниқлашда эътиборни таълим амалиётидаги ўқувчилар (таълим олувчилар) фаолиятига ёки таълим олувчиларнинг шахсийлик хусусиятларига эмас, балки уларнинг *ижтимоий ўзаро алоқа муносабатларидаги* муайян ишларда (интеракцияларда) амалга оширилувчи ўзаро алоқа-муносабатлар жараёнига қаратиш зарур.

Шундай қилиб, таълим тизими муассасаларида амалга оширилувчи таълим жараёни иштирокчиларининг ижтимоий ўзаро алоқа муносабатлари тўғрисидаги маълумотлар бошқарувчининг ахборот базасини кенгайтириш зарурлиги аён бўлмоқда.

Қайд этиш зарурки, таълим олувчилар ва педагогнинг дарс жараёнида юз берувчи ўзаро алоқа муносабатларининг сифати, даврилиги ва хусусиятлари тўғрисидаги ахборот муайян бошқарувчилик ечимлар иш-

лаб чиқишда доимо долзарб бўлиб келган. Унга эга бўлиш турли даража ва поғонадаги (“ранг”даги) раҳбарлар (ўқув ишлари бўйича директор ўринбосаридан то райОНО мудиригача) иштирокида “очик” дарсларда амалга оширилади, бунда улар жараёнинг барча иштирокчиларининг реал ўзаро алоқа муносабатларини кузатади ва баҳолайдилар. Шунингдек таълим муассасалари ва педагогик жамоларнинг — педагогик кенгашларга иштирок этиш натижалари бўйича, ходимлар билан суҳбатлар, жамоадаги “атмосфера” тўғрисидаги умумий таассуротлар ва ҳ.к. лар бўйича ўзаро алоқа муносабатлари ҳам баҳоланади.

Етмаётган ахборотларга эга бўлишнинг ушбу усули анчагина меҳнат талаб қилади ва унинг объективлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаб бера олмайди. Ҳеч кимга сир эмаски (текширувчига ҳам, текширилувчига ҳам), “очик” дарсларда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ҳақиқий (реал) тарза юзага келувчи ўзаро алоқа муносабатлар тизими эмас. Балки унинг баъзи бир “намойиш” версиясигина қўзатилади. Шунинг учун қўзатувчилардан ўзгача зийраклик, сезгирлик ва “норасмий тарздаги ахборот манбааси” га эга бўлиш талаб этилади, бу эса “ёпик” дарслардаги ўзаро алоқа муносабатларининг реал картинаси тўғрисида тасаввурларга эга бўлиш учун зарур бўлади. Вазият таҳлилининг мувоффақияти шунингдек қўзатувчининг индивидуал имкониятларига (қўзатув вақти бўйича, қайта ишланувчи ахборотларнинг ҳажми бўйича, аналитик қобилиятлар ва умумий ривожланиш даражаси ва ҳ.к. лар бўйича) ҳам аҳамиятли даражада боғлиқ бўлади.

Бошқарув масалалари учун таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг ўзаро алоқа муносабатлар хатти-харакатлари тўғрисида (лавозимдаги ёки мансабдор шахснинг шахсан ўзининг иштирок этишини талаб қилмайдиган) яна ҳам самарали ва ишончлироқ. *объектив* (қўзатувчига боғлиқ бўлмаган), тўғри, тезкор ва тузилмалаштирилган ахборотлар олиш усули зарур.

Таълим жараёни субъектларининг муайян вақт лаҳзасида юз берувчи интеракциялар тизими тўғрисидаги объектив ахборотларга эга бўлишнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган усули бутун бир ижтимоий-психологик методлар комплексини қўллашга асосланган бўлиб, бу уларнинг бевосита иштирокчиларини турли ҳилдаги ўзаро алоқа муносабатлар бўйича миқдорий жиҳатдан баҳолаш учун мўлжалланган. Олинган маълумотларга ўрганилаётган объект ҳолатининг предметли моделини қуриб олиш мақсадида математик-статистик жиҳатдан ишлов берилади.

Модел термини билан “баъзи бир реал мавжуд бўлувчи ёки ҳаёлий

тасаввур этилувчи тизим белгиланиб, у билиш жараёнларида бошқа тизимни акс эттиради ва унинг ўрнини алмаштирган (босган) ҳолда – оригинал, у билан ўхшаш (у каби) муносабатда бўлади, бунинг оқибатида (ёки у туйғайли) эса, моделни ўрганишда “оригинал” тўғрисидаги янги ахборотларга эга бўлишга имкон беради” [Карпов А.В., 5 б.].

Таълим соҳасидаги бошқарувчиликни такомиллаштириш муаммосини ечиш учун бошқарув назарияси ва амалиётига *ижтимоий моделлаништиришни* билиш методи сифатида қўлламасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Ушбу метод жамиятнинг унчалик мураккаб бўлмаган моддий ва идеал шакллардаги реал муносабатлари ва жараёнларини алмаштирувчи (ўрнини босувчи) аналогларни, ёки моделларни (мажбурий тарзда) фойдаланишни, ва шу тарика тадқиқот объекти тўғрисида янги ахборотларга эга бўлиш мақсадида улар устида операциялар ўтказишни кўзда тутди [Карпов А.В., 6 б.].

Мавжуд моделлар классификациясини келтириб ўтамиз.

Моделнинг ҳаққонийлигини акс эттириш шакли ва усули бўйича моддий ва идеал (хаёлий) турга бўлинади.

Моддий моделлар ичида одатда учта гуруҳни ажратиб кўрсатишади:

1. Фазовий модел – объектнинг фазовий хусусиятлари ва муносабатларини акс эттиради ва амалга оширади, у мажбурий шартларга ўхшаган (ёки сифатида) геометрик ўхшашликлар билан характерланади;


2. Физик модел – у оригиналнинг “физик” табиати билан ўхшашликни ва ҳаракат конунларининг айнан бир хиллигини кўзда тутди, унда модел ва оригиналнинг муносабатлари фазовий ва вақт масштабларининг ўзгариб боришига асосланади;

3. Математик модел – у материянинг маълум бир ҳаракатланиш шакли билан боғлиқ бўлмайди, шунинг учун ҳам оригиналнинг табиати билан ўхшашликдан маҳрум бўлган, улар билан физик ва геометрик ўхшашликларни сақлаб қолмайди. Бизнинг тадқиқотимизда айнан мана шу турдаги моделлар фойдаланилмоқда. Масалан, бундай турдаги моделларга “Социометрия: мониторинг” методидаги индивидуал ва гуруҳий социометрик локуслар моделлари (2 бобга к.); “Бошқарувчилик фаолияти таҳлили” методидаги индивидуал бошқарувчилик фаолияти профиллари ва кўпгина бошқа шу кабилар қиради.

Индивидуал (хаёлий) моделларни одатда иккита катта гуруҳга ажратилади.

1. Белги (ишорали) моделлар, уларни қўллашдаги фойдалаш (фойдалаш) поғоналари бўйича бўлиб чиқиш

1.1. мантикий моделлар (мазмуний тасвирлаш) турғасидаги оралик



боскич сифатида ифодаланган (формалланган) схемалар);

1.2. мантикий-математик моделлар (ифодаланган (формалланган) схемаларнинг математик ифодалар билан бирикмаси);

1.3. математик моделлар (катъий формалланган математик ифодалар).

2. Модел-образлар.

Ижтимоий-иктисодий объектларни илмий тадқиқ этишда ҳаёлий моделлар орасида асосий ўринни *модел-образлар* эгаллайди. Бу илмий тадқиқ этишнинг ўзига хос воситаси бўлиб, белги моделидан фарқ қилади ва билиш образларига специфик ғносеологик (моделли) хусусиятлар беради. Белги моделларидан фарқли равишда, модел-образ куйидаги асосий хусусиятларга эга бўлади:

1. Билиш объектини вербал (белгидан фарқли равишда) тарзда юзага чиқариш, унинг тушунча ва муҳокама шаклида соддалаштирилган ва идеаллаштирилган акси;

2. сезги-кўргазмалар ёки назарий (мушоҳада, ўй-хаёлга асосланган) образ кўринишида (гомоморф) аксланиш;

3. объектнинг табиий тиллар негизида (базасида) тизимли аксланиши. Ижтимоий-иктисодий ҳодисалар ва жараёнларни моделлаштириш итерацион жараёни ўзида намён этади, унда моддий ва белги моделлар *модел-образлар* асосида қурилади, ва уларни ўзида мужассамлаган ҳолда билиш воситаси сифатида хизмат қилади. Ижтимоий-иктисодий моделларнинг табиий фанларда қўлланилувчи моделлардан ажратиб (фарклантириб) турувчи ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда улар инсон ёки ижтимоий гуруҳлар фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган ҳодисаларни акс эттиради ва уларни алмаштиради (ўрнини босади). Автоматлаштирилган бошқарув тизимларини (АБТ) яратиш ва жорий этишда моделлар ушбу тизимларнинг элементлари бўлиб ҳисобланади [Шураков В.В., Дайитбергов Д.М., Мизрохи С.В., Ясеновский С.В., 24-25 б.].

АБТ ни таълим соҳасига мослаб лойиҳалаштириш ва ривожлантириш жараёнини умумий кўринишда қуйидагича тарзда тасаввур этиш мумкин. Таълим жараёнининг предметли математик (машинали) модели идеал модел-образ асосида қурилади ва уни ўзида мужассамлаштирган ҳисобланади. Ўз навбатида, мазкур идеал модел – таълим тизимини бошқарув субъектлари томонидан формаллашмаган тарзда билиш жараёнининг натижаси сифатида майдонга чиқади, ва бу мутахассислар билимлари ва бутун бир қатор (иктисодиёт, тизимлар назарияси, кибернетика, бошқарув назарияси, педагогика, социология,

психология) фанларнинг назарий базасидан фойдаланилган ҳолда ва шунингдек эмпирик ҳиссий (сезгига оид) тажрибалар асосида амалга оширилади. Модел-образ АБТ ни тушунчалар ва муҳокамалар шаклида лойиҳалаштириш (қайта лойиҳалаштириш) босқичида ахборотлар тизимининг математик ва дастурий таъминотини ишлаб чиқувчиларга тақдим этилади. Долзарблаштирилган (яъни, объект тўғрисида долзарб маълумотлардан иборат) предметли моделни бошқарув ва илмий тадқиқотлар амалиётида кейинчалик ҳам фойдаланиш – ўрганилаётган ҳодисани яна ҳам чуқурироқ тушуниб олиш, ва шу тарзда, яна ҳам тўлароқ ва адекват *модел-образни* шакллантириш курали (инструменти) бўлиб хизмат қилади.

Таълим тизимининг предметли моделига – таълимни бошқариш тизимида қайтувчи алоқани ташкиллаштириш мақсадида таълим жараёни субъектларининг ижтимоий ўзаро алоқа муносабатлари тўғрисидаги маълумотларни киритиш реал ташкилий тузилмадаги ахборотлар оқимини қайта лойиҳалаштирилишини татаб этади.

Қайтувчи алоқа тушунчасини, бошқарув тизимлари типлари, ахборотларни аниқлашга турли хил ёндашувлар, таълим тизимидаги мавжуд ахборотлар оқими тизимини ва унинг ривожланиш тенденцияларини батафсилроқ қараб ўтаемиз.

Тизимлардаги бошқарувчилик ахбороти оқимларининг ҳарактерига, йўналтирилганлиги ва мазмунига кўра турли хилдаги бошқарув турларига ажратиш мумкин. Агарки мураккаб динамик тизимдаги барча ахборотлар бир марказга оқиб келса, ва бу марказ уларни қайта ишлаб, тизимнинг барча элементлари томонидан фойдаланиш учун ўта зарур бўлган бошқарув командаларини ишлаб чиқишса, у ҳолда бундай турдаги бошқарув *марказлаштирилган* деб аталади. *Номарказлашган* бошқарувда эса, яъни бошқарув функциялари фақатгина биргина марказга тегишли бўлмай, балки маълум даражада тизим элементларининг ўзига ҳам хос бўлса, у ҳолда бошқарув тизими мураккаб иерархик қурилмага эга бўлади, ва ундан бир нечта бошқарув даражалари ажралиб чиқади [Алдохин И.П., Кулиш С.А., 22 б]. Номарказлаштирилган бошқарувдан иборат тизимлардаги ахборотлар бир бошқарув даражасидан юқори даражага кўтарилиб борган сари сиқилиб, умумлашиб боради.

Таълим тизимини кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳолатларини амалга ошириш дорасида ислоҳ қилишнинг етакчи йўналишларидан бири – *таълим бошқарувининг номарказлашувини кучайтиришдан* иборат бўлиб, бу таълим бошқарувининг самарадорлигини ошириш

максадини кўзлайди.

Қайтувчи алоқа принципи кибернетикада, умумий қонуниятлар тўғрисидаги фанларда, моддий дунёнинг турли соҳаларидаги бошқарув принциплари ва методларида ҳам тизимларни самарали бошқаришнинг муҳим шартларидан бири сифатида постулатланади [Алдохин И.П., Кулиш С.А., 25 б.]. Бошқарув алоқа муносабатларини (таъсир хатти-ҳаракатларини) ишлаб чиқиш учун – бошқарув объектининг ҳақиқий ишлаш режими тўғрисидаги ёки унинг кириш ва чиқишларидаги кўрсаткичларнинг аниқ (фактли) кийматлари тўғрисидаги ахборотлар фойдаланиладиган тизимлар *берк (ёпиқ)* бошқарув тизимлари деб номланади. Бошқарув қурилмасига бошқарилаётган тизимостининг ҳақиқий (фактли) ишлаш режими тўғрисидаги ёки унинг кириш ва чиқишларининг ҳолатлари тўғрисидаги сигналлар келиб турувчи ахборот контури *қайтувчи алоқа* деб номланади, юқорида келтирилган принцип бўйича амалга оширилувчи бошқарув эса бошқарилувчи объектнинг иш юритишини тартибга солиб туриш йўли билан бошқариш ёки *қайтувчи алоқа бошқаруви* деб номланади.

Ҳозирги пайтда биз, афсуски, таълим тизимида *қайтувчи алоқасиз бошқарув намуналарини* хаддан ташқари тез-тез кузатмоқдамиз: бўйруқлар чиқарилади ва уларнинг бажарилиши назоратга олинмайди, аввалгисининг бажарилганлиги текширилмасдан туриб янги бўйруқлар чиқарилади. Бу кўпінча таълим жараёнларининг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги ахборотнинг йўқлиги туфайли қабул килинган бошқарувчилик қарорларининг асосланмаганлиги билан тушунтирилади.

Қайтувчи алоканинг бўлиши, унинг зарурий ва мажбурийлиги шу билан шартланганки, бунда бошқарув қандайдир баъзан бўлиб турадиган бир марталик алоқа-муносабат хатти-ҳаракатлари билан чегараланмайди, балки вақт бўйлаб оқиб турувчи жараён ҳисобланади. Дастлабки алоқа муносабатлари қутилган натижаларни бермаслиги мумкин, ва шунинг учун уни аниқлаштириб, қучайтириш ёки енгиллаштиришга тўғри келади. Бошқарилувчи объектда шарт-шароитлар ўзгариб қолиши мумкин, ва оқибатда унга мўлжалланган бошқарув импульси энди унга тўғри келмай қолиши келиб чиқади. Бошқарилаётган объектнинг аниқ (фактли) ҳолати тўғрисидаги ахборотларнинг келиб туришига бўлган эҳтиёж ва талаб доимийдир, ўшунинг учун ҳам бошқарув мустақкам, барқарор жараён сифатида амалга оширилади. Шундай экан, мураккаб динамик тизимларда самарадор бошқарув бўлиши учун *алоқа канали* бўлиши зарур ва шарт, чунки у орқали бошқарув органига – берилган па-

раметрлар тизими бўйича бошқарилаётган объектнинг аниқ ҳолатлари тўғрисидаги ахборотлар келиб туради, ўз навбатида бошқарувчи орган шунга мос ҳолда бошқарувчилик алоқа муносабатларини ишлаб чиқади.

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тизимни бошқариш жараёнининг моҳияти — ахборотлар ислоҳоти ва эҳтиёжини, барча турдаги ўзаро алоқа муносабатларини ташкиллаштириш ва хусусан бошқарувчилик қарорларини қабул қилиш ва амалга оширишдан иборатдир [Леонтьев В., 78 б.]. Ахборот бошқарув субстрати (*бирор ҳодиса ёки ҳолат асосини ташкил этувчи нарсас; асос, замин, негиз, муҳит*) ҳисобланади. У бошқарув объектининг иш юритиш ва ривожланиш жараёнида юз беради ва унинг ички ҳолатини, ташқи шарт-шароитларини ва бошқарув мақсадларини характерлайди. Мутахассисларнинг баҳо беришича, бошқарув аппарати ходимлари ўз вақтларининг 95% ни ахборотлар билан ишлашга сарфлашаар экан. Бу табиий ҳол, негаки ўз вақтидаги ва ҳаққоний ахборот самарали бошқарув қарорини қабул қилишнинг энг муҳим дастлабки шарти ҳисобланади.

Шундай қилиб, қараор қабул қилишни тўлиқ ва ишончли ахборот билан керакли вақтда таъминлаб бериш — бошқарувни ташкиллаштиришнинг марказий ва энг мураккаб муаммосидир. Ахборотларнинг миқдори, мазмуни ва ўз вақтида олинishi қабул қилинувчи қарорлар сифатини белгилаб беради. Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ҳаёт-фаолияти ундаги элементлар ва тизимостилар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашинув орқали амалга оширилади. Тадқиқот мақсадига кўра, *ахборот* таърифининг моҳиятини англаб етиш ва танлаб олиш ахборот жараёнларни тадқиқ этиш ва назарий жиҳатдан тасаввур этишдаги энг мураккаб муаммо бўлиб ҳисобланади [Шеннон К., 105 б.]. Шунинг учун унга яна ҳам батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Хозирги пайтда илмий-амалий тадқиқотларнинг турли хил соҳаларида тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларини кўпроқ қониқтирувчи турлича “*ахборот таърифлари*” қабул қилинган.

Ахборотга қатъий илмий таъриф беришдаги энг дастлабки уриниш 50 йилларнинг охирида америкалик муҳандис Р.Хартли томонидан алоқа каналлари бўйича узатилаётган ахборотларга миқдорий ўлчов киритишда амалга оширилди [Mosteller F., Tukey J.W.]. Буни тушунтириб бериш учун у қуйидаги вазиятни қараб ўтди. Осмонга отилган танганинг натижаси тўғрисидаги хабарга эга бўлгунга қадар киши навбатдаги танга ташлаш натижасига нисбатан ноаниқлик ҳолатида бўлади. Шерикнинг хабари ушбу ноаниқликдан халос қилувчи ахборотни беради. Ифодаланган вазиятдаги тенг эҳтимолли бўлиши мумкин бўлган тугал нати-

жалар сони иккига тенг ва ҳар гал узатилаётган ахборот ноаникликдан тўлиқ халос этади. Хартли алоқа канали бўйича узатилган иккита тенг кучли натижалар хусусидаги ва улардан бирини кўрсатиш оркали ноаникликдан халос қилувчи “ахборот миқдорини” бир рақамли ахборот қилиб қабул қилди ва у “бит” деб номланди.

Статистик ахборотлар назариясининг яратувчиси К.Шеннон Хартлининг натижасини умумлаштирди ва бу билан ахборотлар миқдорининг “энтропиявий” ўлчовини киритди. уни бўлиши мумкин бўлган қўпгина альтернатив ечимлар тўпламидан олинган танлов ноаниқлигини ҳал этиш даражаси оркали белгилади [Штофф В.А.]. Қайд этиш лозимки, Шенноннинг статистик ахборотлар назариясида, биринчидан, ахборотлар деганда барча хабарлар тушунилмади, балки, фақатгина танлов ноаниқлигини ҳал этишга тааллуқлиларигина тушунилади, яъни шу тариқа, фойдали ахборотни мақсадга мувофиқ тарзда танлаб олиш декларацияланади: иккинчидан эса, ахборотнинг маъноси, яъни фойдали хабарларнинг семантикаси (маъноси) қаралмайди. Ахборотнинг миқдорий ўлчови мазкур назарияда узатилаётган хабарнинг мазмуний ёки кадр-қиммат, прогматик томонларини баҳолашга имкон бермайди.

Ахборот тушунчасини назарий кенгайтиришнинг навбатдаги босқичи кибернетика – тирик организмлар, жамият ва машиналардаги бошқарув ва алоқалар тўғрисидаги фан билан боғлиқдир. Кибернетика Шеннон ёндашуви позициясида турган ҳолда *ахборот ва бошқарувнинг бирлиги принципини* ифодалаб беради, бу эса ўзини-ўзи бошқарувчи, ўзини-ўзи ташкиллаштирувчи биологик ва ижтимоий тизимларда бўладиган жараёнларнинг моҳиятини таҳлил этиш учун айниқса муҳим. Н.Винер томонидан ривожлантирилган концепция шу нарсани кўзда тутадик. бундай тизимлардаги бошқарув жараёни – бу дастлабки ахборот манбааларидан (сенсорли рецепторлардан) олинган ахборотни қандайдир марказий қурилма билан қайта ишлаш ва бу ахборотни тизимнинг у ёки бу хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, бажариш учун бўйруқ сифатида унинг элементлари томонидан қабул қилинувчи қисмларига узатувчи ижараёндир деб ҳисоблайди. Бу хатти-ҳаракатнинг бажарилиши билан сенсорли рецепторлар янги бошқарув циклини бажариш учун ўзгарган вазият тўғрисидаги ахборотни узатишга тайёр бўлади. Шу тарзда циклик бошқарув алгоритми ва тизимдаги ахборотлар циркуляцияси ташкиллаштирилади. Бунда, рецепторлар ва марказий қурилма томонидан узатилувчи ахборотлар *мазмун*и асосий рол ўйнаши ўта муҳимдир. Н.Винеранинг таърифига кўра, ахборот – бу, “мазмун ва бизнинг ҳис-даримизнинг ташки дунёга мослашиш жараёнида олинган ўша мазмун-

нинг белгиланишидир” [Винер Н., 110 б.].

Ахборотнинг кибернетик концепцияси биринчи марта ахборотни ташки дунёга нисбатан бирор бир кадр-киммат ўлчовига эга бўлган қандайдир қиймат сифатида баҳоланиши зарурлигини бермоқда (семантик аспект), бошқасини эса маълум бир мақсад ва вазифаларга эга қандайдир билимларга эга бўлган қабул қилувчига нисбатан бермоқда (прагматик аспект).

Бу йўналишда бир қатор мантикий-семантик ахборотлар назариялари яратилган [Р.Карнап, И.Бар-Хиллел, Дж.Г.Кемени, Е.К.Войшвилло ва б.]. Уларда ахборот ноаникликни камайтириш ёки бартараф этиш сифатида қаралади. Бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар, муқобиллар (альтернативалар) тўплами қандайдир тил воситасида ундаги яратилган фикр-мулоҳазалар ёрдамида ифодалаб берилади. Қандайдир фикр-мулоҳазаларда мужассам бўлган семантик ахборот баъзи бир муқобилларни (альтернативаларни) рад этади. Фикр-мулоҳазалар қанчалик кўп альтернативларни рад этса, фикр-мулоҳазалар шунчалик кўп семантик ахборотга эга бўлади.

Мантикий-семантик ахборотлар назариялари танланган тил воситасида бўлиши мумкин бўлган альтернативалар тўпламини аниқлаш, альтернативаларни миқдорий баҳолаш, уларнинг нисбий қийёсланиши, семантик ахборотлар ўлчовини киритиш муаммоларини ҳал қилишга имкон беради.

Семантик назарияда ахборотни қабул қилиш (идрок этиш) муаммоси қаралади. Идрок этиш, қабул қилиш жараёнини ифодалаш учун *фойдаланувчи тезаурус* (бирор тилнинг мукамал луғати) тушунчаси киритилади. Тезауруснинг ҳолатига қараб ахборотнинг идрок этилиши имконияти, унинг интерпретацияси ва қайта ўзгартириш механизми келиб чиқади. Тезаурус тушунчалар ва уларнинг алоқаларини ўз ичига олади, улар орқали эса инсон ўз онгида реал дунё ҳодисаларининг акс эттиради ва тушунтириб беради. Тезаурусдаги ҳар бир тушунча бошқаларининг йиғиндисидан орқали тушунтириб берилади. Ахборотнинг ўзлаштирилиши ва янги билимга эга бўлиш жараёнида тезаурус ўзгаради, кенгаяди, ахборотни маъновий идрок этиш имконияти ошади, унинг интерпретацияси такомиллашади. Тезаурус қанчалик бой бўлса, ахборотдан шунчалик кўп билим олиш мумкин бўлади [Ю.А.Шрейдер, 105 б.].

Ахборотларнинг прагматик концепциясида бу жиҳат марказий ҳисобланади, ва бунда асосий эътибор ахборотнинг кадр-киммати, фойдалилигини, самарадорлигини аниқлаш ва ҳисобга олишга, яъни ўзини-ўзи ташкиллаштирувчи, ўзини-ўзи бошқарувчи, мақсадга

йўналтирилган кибернетик (биологик, ижтимоий, инсон-машинали) гизимларнинг феъл-атвorigа аҳамиятли тарзда таъсир кўрсатувчи сифатларга берилади.

Коммуникациянинг ахлокий модели прагматик ахборотлар назарияларидан бири ҳисобланади [Акофф Р., Амери Ф.]. Мазкур моделда асосий нарса қабул қилувчининг муайян муаммони ҳал қилишга бўлган максадли интилишидир. Ахборотнинг прагматик кадр-қиммати – қабул қилувчи ўз максадига эришишда унинг феъл-атвор стратегиясини белгилаб олишига канчалик ёрдам бера олиши билан белгиланади.

ЭХМ ларининг пайдо бўлиши ва ахборот технологияларининг ривожланиши туфайли *машина ахборотлари* тушунчаси юзага келди ва бу тушунча остида ЭХМ нинг хотирасида маълумотлар базаси ва дастурий воситалар кўринишида белгиланган ахборот тушуниладиган бўлди.

Прагматик ахборотлар назарияси ривожланишидаги навбатдаги босқич коммуникациянинг мантикий-прагматик модели бўлди. Унда инсон коммуникациясининг ижтимоий характерини ҳисобга олиш кўзда тутилади: қабул қилинган хабарлар аввало қайта ишланмоғи зарур бўлиб, унинг натижаси “истеъмолга ярокли” бўлган хабарларнинг ажратиб олинган тўпламидан иборат бўлади; бундан сўнг ажратиб олинган тўламга прагматик кадр-қиммат критериялари қўлланилади. Ахборот маънодан бошқа яна кадр-қимматга, фойдалиликка ҳам эга бўлади, бошқарув максадлари учун эса ҳар қандай турли-туманлик эмас, балки факатгина тизим учун фойдалисигина муҳимдир, яъни бошқарув максадларини амалга оширишга олиб боровчиларигина муҳим ўрин тутади. [Натижалар бўйича бошқариш: , 198 б.].

Шундай қилиб, асосий урғу энди қуйидаги схемага асосан ахборотнинг субъектсиз характеристикаларидан унинг инсон томонидан идрок этилиш (қабул қилиниш) жараёнига ўтказилади: «объект хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар» => «объект хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларга эга хабар» => «инсоннинг хабардан олган ахборотлар микдори» (Комаров М.С. 32 б.).

Мантикий занжирнинг асосий элементларини қараб ўтамин: «маълумотлар» => «ахборот» => «бошқарув қарори». Энг аввало, маълумотлар ва ахборотлар таърифини келтирамиз, бу эса уларнинг бошқарувчилик қараорларини қабул қилишнинг ахборот таъминоти технологиясини қуриб олишдаги роли ва фарқларини англаб олишга имкон беради.

Маълумотлар фактлар тўпламини ўзида намоён этади, ва улар орқали инсон ёки автоматик қурилма томонидан вазиятларнинг идрок этилиши белгиланган, бунда улар инсон томонидан қандай тушунили-


ши ва фойдаланилиш имкониятларига боглик бўлмайди. **Ахборот** – бу вазиятларнинг ноаникликлигини камайтириш функцияларининг амалга оширилиши ва мутахассиснинг бошқарувчилик қарорларини қабул қилишида ижтимоий ориентацияланишини таъминлаб берувчи маълумотларнинг бир қисмидир [Натижалар бўйича бошқариш: , 34-35 б.].

Қабул қилинган таърифларга кўра маълумотлар оқими нчидан бошқарувчилик ахборотларини шакллантиришда бу функцияни бажармайдиган маълумотларни чиқариб ташлаш зарур, негаки ортиқча маълумотлар факатгина ноаникликларни оширади, холос. Шу билан бирга ноаникликни максимал даражада камайтириб берувчи бундай маълумотлар оқимидаги тақдимийликни ҳам таъминлаб бериш зарур “Ахборот” тушунчаси таркибига шунингдек ўтган бошқарув тажрибалар бавосита мужассамлашган, вербаллашмайдиган компонентларни ҳам киритиш зарур.

Ахборот бошқарув технологиясининг энг муҳим вазифаларидан бири – маълумотларни бошқарувчилик қарорларига айлантиришнинг турли босқичларида юзага келувчи хаторларни бартараф этишдан иборатдир. Бу борада уч турдаги хатоликларга ажратилади: синтаксик, семантик ва прагматик [Р.Акофф, 120-122 б.]. **Синтаксик хатолар** маълумотларни йиғиш, узатиш ва дастлабки қайта ишлаш босқичида алоқа каналларидаги носозликлар натижасида, маълумотларни киритиш ёки маълумотлар тизимидаги бошқарув объекти ҳолатини ноаниқ акс эттиришга олиб келувчи маълумотларни атайлаб ўзгартириш натижасида юзага келади. **Семантик хатолар** келиб тушган маълумотларни англаш ва интерпретация босқичида юзага келади, мазкур ҳолатда бундай турдаги хатолар манбайи бошқарув мутахассисининг ўзи ҳисобланади. **Прагматик хатолар** муайян бошқарувчилик вазифасини ҳал қилиш учун у ёки бу ахборотнинг фойдалилигини бошқарув мутахассиси томонидан нотўғри баҳоланиши туфайли келиб чиқади.

Ҳар бир босқичда муқаррар юзага келувчи хатолар миқдорини камайтириш учун маълумотларнинг қайта ишланишини ва ахборотларнинг бошқарув қарорини тайёрлаш жараёнида фойдаланилишини назорат қилиш тизими зарур бўлади (расм 1.1).

Барча юқорида айтиб ўтилганлар асосида бошқарув ахборот технологияси ечиши зарур бўлган қуйидаги вазифаларни ифодалаш мумкин бўлади.



1. Маълумотларнинг қайта ишланишини назорат қилиш ва бошқарувчилик равишида ахборотлардан фойдаланиш тизими [Р.Акоффу бўйича, 123 б.]

був мутахассисини ҳаққоний ва тезкор ахборот билан ахборотларнинг сифат даражасида ўзгартириб берилишини қилиши уни инсоннинг идрок этиш, ўзлаштириш ва англаб олишлари даражасига тўғри келувчи кўриниш ва ҳажмгача

ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқарувчи инсоннинг шахсий тажрибаси ва ички ҳиссиётидан (интуициядан) фойдалана олиш имкониятини таъминлаш.

санаб ўтилган масалаларнинг биринчи ва қисман иккинчи ечими ахборотларни тўплаш ва ЭХМ ларида ишлов берилиш хил тизимларини яратишдан иборат бўлади. Одатда ахборотларини яратишда мавжуд бўлган ахборотлар оқими кўп (ҳажмни) деярли ҳеч қандай ўзгартирмаган ҳолда қўйилади. Фараз қиламизки, объектни бошқариш учун барча мавжуд ва унда асосий масала унинг қайта ишланиши ва таъинланиши ҳамда тушуниб етилиши учун энг “қулай” шаклдан етилишини тезлаштиришда қолади.


Қайта ишланишда ЭХМ ларида қайта ишланиш натижасида олинган ахборот бўйича мутахассисларга турли хилдаги жадваллар, диаграммалар кўринишида тақдим этилувчи катта ҳажмдаги маълумотлиқ ахборот улар томонидан сифат даражасида тушуниб

етилиши ва қарор қабул қилишда фойдаланилиши мумкин бўлмай қолади. Шунингдек қайд этиш лозимки, бунда командалари бошқарув услубида юзага келувчи асосий маълумотлар ҳажмини кам ахборотли (яъни кам ахборотга эга бўлган) кўрсаткичлар тизими беради. Хусусан бу иқтисодиётнинг ноишлаб чиқариш соҳа объектларининг ишлаш кўрсаткичлари тизимига ва қисман маҳаллий таълим объектларига тааллуқлидир.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ижтимоий-иқтисодий тизимларни бошқаришнинг ахборот технологияларини яратишда мазкур тизимни бошқаришдаги “инсон омилларини” тадқиқ этиш ва ҳисобга олиш зарур, бу бошқарув бўйича мутахассисларни – маълумотларни сифат даражасида ўзгартириш ва бошқарувчилик қарорларини қабул қилишда ҳақиқий *реал* имконият билан таъминлаш мақсадида қилинади.

Бошқарувчилик қарорлари дейилганда бошқарувчилик вазияти муаммосини ҳал қилишга йўналтирилган – инсоннинг ички фикрлаш фаолияти тушунилади [Лакин Г.Ф., 45 б.]. Бошқарувчилик қарорларини қабул қилиш жараёнини бир нечта асосий босқичларга ажратилади: маълумотлар олиш ва ўзлаштириш; муаммовий вазиятни аниқлаш; масаланинг ифодаланиши (мақсаднинг қўйилиши, мақсадни ойдинлаштириш); масалани ечиш чора-тадбирларини ва муқобилларини ишлаб чиқиш; муқобилларини танлаб олиш учун мезонларни тартибга келтириш; муқобилларни оқибат-натижаларнинг баҳоланиши билан таққослаш (таваккалчиликни баҳолаш); қарор қабул қилиш.

Қарорлар қабул қилиш жараёнини автоматлаштирувчи турли хил компьютерли тизимларни ишлаб чиқишда асосий урғу одатда энг кўпроқ расмийлаштирилувчи ва турли хил иқтисодий-математик моделлар яратилишини инкор этмайдиган тўртинчидан еттинчигача бўлган босқичларга берилади. Бизнинг тадқиқотимизда асосий эътибор бошқарувчилик қарорларини қабул қилиш жараёнининг биринчи учта босқичига жамланганган бўлиб, у алгоритмлаштирилишни эмас, балки “идрок этиш”, “муаммони ойдинлаштириш”, “фаолият мақсадини аниқлаш” каби ҳақиқий фақатгина “инсон” қобилиятларининг таъминланишини ва фақатгина шу маънодаги – уларнинг автоматлаштирилишини кўзда тутади.



Расм 1.1. Маълумотларнинг қайта ишланишини назорат қилиш ва бошқарувчилик қарорини тайёрлашда ахборотлардан фойдаланиш тизими [Р.Акоффу бўйича, 123 б.]

1. Бошқарув мутахассисини ҳаққоний ва тезкор ахборот билан таъминлаш; ахборотларнинг сифат даражасида ўзгартириб берилишини таъминлаш, яъни уни инсоннинг идрок этиш, ўзлаштириш ва англаб этиш имкониятлари даражасига тўғри келувчи кўриниш ва ҳажмгача етказиш;

2. Қарор ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқарувчи мутахассиснинг шахсий тажрибаси ва ички ҳиссиётдан (интуициядан) максимал даражада фойдалана олиш имкониятини таъминлаш.

Юқорида санаб ўтилган масалаларнинг биринчи ва қисман иккинчисининг ечими ахборотларни тўплаш ва ЭХМ ларида ишлов беришнинг турли хил тизимларини яратишдан иборат бўлади. Одатда бундай тизимларини яратишда мавжуд бўлган ахборотлар оқими улардаги мазмунни (ҳажмни) деярли ҳеч қандай ўзгартирмаган ҳолда автоматлаштирилади. Фараз қиламизки, объектни бошқариш учун барча зарур ахборот мавжуд ва унда асосий масала унинг қайта ишланиши ва интерпретацияланиши ҳамда тушуниб етилиши учун энг “қулай” кўринишда тақдим этилишини тезлаштиришда қолади.

Бирок амалиётда ЭХМ ларида қайта ишланиш натижасида олинган ва бошқарув бўйича мутахассисларга турли хилдаги жадваллар, графиклар, диаграммалар кўринишида тақдим этилувчи катта ҳажмдаги матнли ва графикли ахборот улар томонидан сифат даражасида тушуниб

етилиши ва қарор қабул қилишда фойдаланилиши мумкин бўлмай қолади. Шунингдек қайд этиш лозимки, бунда командалари бошқарув услубида юзага келувчи асосий маълумотлар ҳажмини кам ахборотли (яъни кам ахборотга эга бўлган) кўрсаткичлар тизими беради. Хусусан бу иқтисодийнинг ноишлаб чиқариш соҳа объектларининг ишлаш кўрсаткичлари тизимига ва қисман маҳаллий таълим объектларига тааллуқлидир.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ижтимоий-иқтисодий тизимларни бошқаришнинг ахборот технологияларини яратишда мазкур тизимни бошқаришдаги “инсон омилларини” тадқиқ этиш ва ҳисобга олиш зарур. бу бошқарув бўйича мутахассисларни – маълумотларни сифат даражасида ўзгартириш ва бошқарувчилик қарорларини қабул қилишда ҳақиқий *реал* имконият билан таъминлаш мақсадида қилинади.

Бошқарувчилик қарорлари дейилганда бошқарувчилик вазияти муаммосини ҳал қилишга йўналтирилган – инсоннинг ички фикрлаш фаолияти тушунилади [Лакин Г.Ф., 45 б.]. Бошқарувчилик қарорларини қабул қилиш жараёнини бир нечта асосий босқичларга ажратилади: маълумотлар олиш ва ўзлаштириш; муаммовий вазиятни аниқлаш; масаланинг фойдаланиши (мақсаднинг қўйилиши, мақсадни ойдинлаштириш); масалани ечиш чора-тадбирларини ва муқобилларини ишлаб чиқиш: муқобилларини танлаб олиш учун мезонларни тартибга келтириш; муқобилларни оқибат-натижаларнинг баҳоланиши билан таққослаш (таваккалчиликни баҳолаш): қарор қабул қилиш.

Қарорлар қабул қилиш жараёнини автоматлаштирувчи турли хил компьютерли тизимларни ишлаб чиқишда асосий урғу одатда энг кўпроқ расмийлаштирилувчи ва турли хил иқтисодий-математик моделлар яратилишини инкор этмайдиган тўртинчидан еттинчигача бўлган босқичларга берилади. Бизнинг тадқиқотимизда асосий эътибор бошқарувчилик қарорларини қабул қилиш жараёнининг биринчи учта босқичига жамланганган бўлиб, у алгоритмлаштирилиши эмас, балки “идроқ этиш”, “муаммони ойдинлаштириш”, “фаолият мақсадини аниқлаш” каби ҳақиқий фақатгина “инсон” қобилиятларининг таъминланишини ва фақатгина шу маънодаги – уларнинг автоматлаштирилишини кўзда тутлади.

1.3. “Инсон омили” ва таълим тизими мониторинги ва бошқарилувини ахборот-аналитик таъминлаш технологиясининг ахамияти

Ахборотларни қайта ишлаш ва қарор қабул қилиш соҳаларининг бўлинишларига (ажратилишига) барҳам берилишига, фойдаланувчи ва ЭХМ лари ўртасидаги оралик звеноларнинг бартараф этилишига олиб келувчи шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши бошқарувчилик фаолиятининг ахборот-аналитик таъминоти муаммоларини тез ва мувоффақиятли ҳал қилиш мумкинлиги (имкониятлари) тўғрисидаги ҳом ҳаёлни (иллюзияни) келтириб чиқарди.

Охириги йилларда барча давлатларда мамлакатнинг барча ҳўжалик соҳаларидаги бошқарувчилик фаолиятини жадал суръатларда компьютерлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Унинг жўшқинлиги шахсий компьютерларнинг бошқарув бўйича мутахассисларнинг бевосита иш жойларида кенг тарқалиши (қўлланилиши) ва махсус хоналар, кўп сонли иш ўринларини талаб этувчи катта ҳажмли ҳисоблаш машиналарининг четлатилиши билан боғлиқ бўлди.

Бироқ техник воситалар ва янги универсал ахборот технологиялари (редакторлар, электрон җадваллар, маълумотлар базасини бошқариш воситалари, ахборотларни график тарзда тақдим этиш имкониятлари, телекоммуникация воситалари ва б.) ўз-ўзидан бошқарувчилик қарорларини қабул қилиш технологиясини тўздан ёки кескин тарзда ўзгартира олмайди. Бундай воситалар бошқарувнинг янги ахборот технологиясини яратиш учун унинг фақатгина техник асосинигина яратиб беради, бироқ унга инсонни “қиритиш” муаммосини ҳал қилиб бермайди. Мазкур муаммонинг ечими мавжуд бошқарув тизимига ЭХМ ларини оддийгина қилиб қиритиб қўйиш билангина эмас, балки бошқарув тизимини ўзгача сифат даражасида лойиҳалаштиришга нисбатан комплекс тарзда ёндашув билан ҳал қилиниши мумкин.

Бундай тизимларни лойиҳалаштиришда иш жойларида компьютерларни қўллашнинг нафакат ижобий томонларини, ва балки компьютерлаштиришнинг баъзи бир салбий оқибатларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Бу борада тадқиқотлар кераксиз электрон ахборотларнинг тез тарқалиши ва ҳажмининг ортиб бориши, ҳатоликлар ва маълумотларнинг атайлаб сохталаштирилиши билан қурашишнинг қийинчиликлари тўғрисида гувоҳлик бермоқда.

“Бутунлай қоғозсиз технологияга” ўтиш қурси ҳам унчалик мақсадга мувофиқ келмайди, чунки, қоғознинг йўқ бўлиши ўз-ўзидан мавжуд

бошқарув муаммоларини ҳал қилиб бермайди. аксинча қоғозли матн компьютер экранига қараганда инсоннинг кўриш имкониятларига нисбатан катта адаптив (содаллаштириш) хусусиятларга эга. Фараз қилиш мумкинки, дисплейлардан фойдаланиш деганда, келажакда эскини рад этиш, воз кечиш ёки алмаштириш учун эмас, балки ахборотларни янги-чи шаклларда намоён этиш демакдир. ЭХМ ларини қўллаш – бу инсонни унинг фаолиятида қандайдир машина модели билан алмаштириш эмас, балки унга баъзи бир операцияларнинггина беришдан иборатдир. Инсон ва ЭХМ лар ўртасидаги функцияларни ажратишнинг асоси – бу биринчидан берилаётган операцияларни формаллаштириш ва иккинчидан формаллаштирилган ва формаллаштирилмаган операциялар ўртасида мантикий ва ахборот (информацион) алоқаларни ўрнатишдан иборат бўлади.

Хозирги пайтда бошқарувчилик ечимларини ишлаб чиқишда кўпгина ахборотларни қайта ишлаш методлари фақатгина техниканинг имкониятлари ва уларнинг инсон интеллекти билан бирлашуви асосида яратилмоқда ва қўлланилмоқда.

Бу айниқса ижтимоий-иктисодий тизимлар бошқарувига кўпроқ тааллуқли бўлиб келмоқда. Циркуляцияланаётган ахборотлар улардаги ахборот жараёнларининг махсус характерини акс эттирувчи ўзига хос хусусиятларига эга. Улардаги юзага келаётган ҳар қандай ахборот ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида кишилар манфаатларига эга. Мана шуниси билан у кибернетикликдан фарқ илади ва ростгўйлиги, ҳаққонийлиги, тўлиқлиги, аниқлиги, ишончлиги, исботланганлиги, янгилиги, тезкорлиги ва ижтимоий муҳитдаги ахборот жараёнлари учун характерли бўлган бошқа хусусиятлари билан характерланади [Шеннон К., 103-104 б.].

Ижтимоий-иктисодий тизимларни бошқариш биринчи навбатда айнан ижтимоий ахборотларга ишлов бериш билан боғлиқ, ва буни бошқарувчилик фаолиятини ахборот-аналитик таъминлаш воситаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиш зарур. Бу соҳада ахборот “ташувчилардан узоқлашиб қолган ва оммавий фойдаланувчилар учун умумлаштирилган ижтимоий-аҳамиятга молик билимлар сифатида” майдонга чиқади [Шеннон К., 104 б.]. Бошқа сўз билан айтганда, ахборот – бу уларнинг тарқалиши ва ижтимоий ҳаракатланишини (иш юритишини) таъминловчи – билимларнинг айлантирилган шаклидир. Фойдаланувчи ахборотга эга бўлгач уни интеллектуал ўзлаштириш йўли билан ўзининг шахсий билимига айлантириб олади. Бу жараён – ахборот-когнитив жараёнлар деб номланувчи жараёнларга тааллуқли бўлиб, шахсийликка

доир билимларни ахборотлар кўринишида такдим этиш ва ушбу билимларни ахборотлар базасида аслига қайта тиклаш билан боғлиқ бўлади. Ахборот маҳсулоти билимларни ташувчи ролини бажариши зарур, яъни шундай ахборот билан таъминлаши зарурки, фойдаланувчи унинг ёрдамида ўзига керакли билимларга эга бўла олсин.

Шундай қилиб, ахборотлар ва билимлар ўртасида узилиш мавжуд: инсон янги билимларга эга бўлиши учун ахборотни ижодий тарзда қайта ишлаши зарур. Ахборотларни ижодий тарзда қайта ишлаш жараёни мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимлардаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилиш жараёнида асосий ва муҳим ҳисобланади ва у биргина факат мантикий схемалар ёрдамида ифодалаб берилиши мумкин эмас. Мураккаб бошқарилувчи объектда семиотик моделнинг юзага келиши факатгина қарор қабул қилувчи субъект тафаккурининг (фикрининг) интуитив компоненти туфайлигина бўлиши мумкин. Интуиция – вақтнинг чегараланганлигида, юзага келган вазият борасида нотўлиқ ахборотга эга бўлганда “масала шартларини ҳис қилиш ёрдамида бир бутун далиллар занжиридан ташқари” бошқарувчига етарлича даражада оптимал қарарлар қабул қилишга имкон яратиб беради [Пригожий А.Н., 12 б.]. Шундай қилиб, таълим тизимидаги бошқарувчилик фаолиятини ахборот-аналитик таъминлаш – бошқарув субъектининг қарорлар ишлаб чиқиш жараёнидаги ижодий фаолиятининг интуитив механизмларини қўллаб-қувватлашини кўзда тутиши зарур.

Мазкур масалани ҳал қилиш учун таълим муҳитининг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни қайта ишлаш ва такдим этиш методларини яратаётганда ҳозирги кунда сунъий интеллект – “когнитив компьютер графикаси” соҳасидаги тез ривожланиб бораётган тадқиқот йўналишларида эришилган ютуқлардан бирини фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Унда компьютер графикасининг интуицияга бевосита таъсир кўрсатиш, инсонга хос бўлган мураккаб фазовий образлар билан фикрлаш қобилиятини максимал даражада фойдаланишга имкон берувчи “ўнг ярим шар” тафаккур қилиш (фикрлаш) механизмларини фаоллаштириш (активлаштириш) принциплари ишлаб чиқилади [Зенкин А.А., 11 б.].

Ижтимоий информатика соҳасидаги тадқиқотчилар орасида шундай фикрлар ҳам мавжудки, иборали қилиб айтганда, биз “ўнг ярим шар” ҳудуди ҳисобланамиз, дунёда эса ахборотлаштириш вариантыни рационал тарзда идрок этишга (қабул қилишга) мўлжалланган “чап ярим шарли” ҳудуд ҳукмронлик қилади. Мазкур вазиятни тўғри ҳисобга олиш ва бир вақтнинг ўзида ҳам рационал, ҳам интуитив идрок этиш (фикрлаш)

компонентларига мос келувчи ахборотларни қайта ишлаш методлари симбиозини (симбиоз — икки хил организмнинг муайян бир муҳитда бир-бирига фойда ёки зарар келтириб, бирга яшаши) фаол тарзда излаб топиш ҳар бир мамлакат учун ўз танлаган йўли билан информацион маънода илғорлашиб кетган мамлакатларга етиб олишга имкон беради.

Инсоннинг “инсон-компьютер” тизимларидаги роли тўғрисидаги масалани караганимизда, таъкидлашимиз зарурки, компьютер энг аввало инсон фаолиятининг курули, инсон имкониятларини кучайтириш учун бир восита сифатида майдонга чиқади. ЭХМ ларига ақлий фаолият курули сифатида ёндашиш янги шаклдаги фикрлаш, мнемоник (хотирада тутиш, эсга олиш учун осонлик туғдирувчи усуллар мажмуи), ижодий фаолиятларнинг пайдо бўлишига — компьютерлардан фойдаланиш натижасида содир бўлувчи инсон психик жараёнларининг тарихий (ўткинчи) ривожланиши сифатида қарашга имкон беради [Ионин Л.Г.]. Компьютер технологияларидан фойдаланиш натижасида бошқарув фаолиятининг анъанавий шакллари қайта ислоҳ қилиш ва янгисининг пайдо бўлиши содир бўлади.

Бошқарув фаолиятида ахборот таъминотининг автоматлаштирилган тизимларини самарали тарзда лойиҳалаштириш ва фойдаланиш: “инсон ва компьютер” — иккита тизимостиларини мувофиқлаштиришни талаб этади.

Охирги пайтларда “инсон-компьютер” ларнинг самарали тизимларини яратишга нисбатан факатгина соф “технологик” (яъни, техник ва мантикий-математик) ёндашишнинг етишмаётганлиги, бир ёкламалиги, инсон фаолияти хусусиятларига нисбатан дастурий таъминотни кўпроқ даражада мослаштириш, ушбу икки тизимостиларининг кўпроқ мослашувига эришиш зарурлиги борган сари англаб етилмоқда.

Мураккаб автоматлаштирилган бошқарув тизимларини лойиҳалаштиришда тизимли-фаолиятли ёндашув ривожланиб бормоқда, унинг мақсади эса, фаолиятни лойиҳалаштириш ва инсондан унинг ташки воситаларига боровчи талабларни ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Бундай ёндашувда бошқарув субъекти фаолиятининг предметли қисми (мазмун) ва унинг турли хил шаклдаги белгилари, символли, моделли ақслари ўртасидаги тўлиқ адекватлик сақланиб қолади [Питер Э.Лэнд., 13 б.]. Шу тариқа, дисплейларда амалга оширилувчи ахборот (информацион) моделлар бошқарилувчи объект мавжуд бўлган дунёга очилган “дераза” ролини сақлаб қолади. Ахборотлар модели орасидан реал предметли вазият “кўриниб туради” ва бунда унинг предметли қисми йўқолиб кетмайди, унинг инсон томонидан англаб етилиши ва

тушунилиши кийинлашмайди. Бундай ёндашувда инсон фаолият субъекти, бошқарув субъекти бўлиб ҳисобланади, аппаратли-дастурий мажмуалар мазкур фаолият воситалари бўлиб ҳисобланади [В.П.Зинченко].

Бошқарувчилик фаолияти принципларидан бири шундан иборат бўладики, англаб етилган қарор қабул қилишдан олдин, бошқарувчи бошқарув моделини, юзага келган вазият моделини, инсоннинг ўзининг ҳулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатлари моделини, керак бўлганда эса бошқа моделларни ҳам яратиб олади. Яратиладиган моделларнинг адекватлиги нисбатан бошқарув объекти ва юзага келган вазият тўғрисида ишончли ва етрали ахборотларнинг мавжудлигига ҳам боғлиқ бўлади. Бирок айнан ахборот моделининг адекватлик даражасидан қабул қилинаётган қарорнинг мувоффақияти ҳам келиб чиқади.

Бошқарувчи ўзининг бошқарилувчи объект ҳолатини моделлаштириш компьютер технологиялари ишидаги фойдаланувчи фаолиятини қараб чиқамиз. Дисплейга чикувчи ахборотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш қисмида у (фаолият) инсон-машина тизимларидаги оператор фаолиятига ўхшаш бўлади. Бундай турдаги фаолият муҳандислик психологияси соҳасида пухта ўрганилади. Инсон-оператор ахборотни олади, уни таҳлил қилади ва бошқарувчилик қарорларини қабул қилади. Бизнинг ҳолатимизда таълим тизими мутахассиси оладиган ахборотни унинг бошқарув даражасига мос келувчи объектнинг ахборот модели сифатида қараш мумкин. Бошқарув субъекти (муҳандислик психологияси терминларида – оператор) бошқарилаётган объектнинг бевосита ҳолатини эмас, балки ахборот модели деб номланувчи, унинг баъзи бир имитация қилувчи образини қабул қилади [Муҳандислик психологияси асослари (рус тилида), 203 б.].

Муҳандислик психологияси нуктаи назаридан таълим муҳити ҳолатининг мониторингидан олинган ва АСИОУ маълумотлар базасига олиб борилган тезкор (жорий) ахборотни таълим муҳити ҳолатининг *долзарбланиган* ахборот модели сифатида қараш мумкин. Мазкур термин бошқарилаётган объектнинг янги, ўзгарган ҳолатини тегишли долзарбланиган маълумотлар базасига эга бўлган муайян вақтда қайд этилган, унинг тезкор ҳолатини белгилаш учун биз томонимиздан киритилмоқда. Муҳандислик психологияси талабларига кўра ахборот (информацион) модел – бошқарилувчи объектни унинг мавжуд реалликка, ахборотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш бўйича оператор имкониятларига мослиги нуктаи назаридан ҳам, операторнинг эмоционал-ирода соҳасига (психофизиологик эргономика) мослиги нуктаи назаридан ҳам тўлақонли ақс эттириши зарур.

Қабул қилинган ахборот модели асосида мутахассис-операторнинг марказий асаб тизимида бошқарилаётган объектнинг ички (субъектив, идеал) тезкор образи шаклланади. Мухандислик психологиясида уни бошқарилаётган объектнинг концептуал модели сифатида белгилаш қабул қилинган. Концептуал моделга ечилаётган масаланинг умумий тасаввурини, тўғри ва хато хатти-ҳаракат оқибатларининг важабаблари, билиш ва ҳис қилиш, эҳтимолдан узоқ бўлган, унчалик ишониб бўлмайдиган оқибат-натижаларга тайёргарлик ва б. лар қиради. Мазкур модел мутахассис (оператор) хотирасида сақланувчи ва бошқарилаётган объектнинг талаб этилаётган ҳолатини акс эттирувчи эталон билан қиёсланади. Қиёслаш натижасида инсон-оператор бошқарувчилиқ қарорини қабул қилади. Мухандислик инсон-машина тизимларида оператор бошқарилаётган объектга ЭХМ воситасида таъсир кўрсатади, яъни, машинага команда ахборотнинг киритилиши содир этилади. Ахборот ахборот-мантикий ва ҳисоблаш қурилмалари билан қайта ишланади, бошқарув тизими томонидан фойдаланилувчи маълумотларга айлантирилади ва у эса бошқарилаётган объектнинг зарурий қайта ўзгартирилишини ҳам амалга оширади.

Ўз ишларида бошқарилувчи объект ҳолатини моделлаштириш компьютер воситаларидан фойдаланувчи таълим тизими мутахассисининг муҳандислик инсон-машина тизимларидаги оператордан фарқи шундан иборатки, бунда у бошқарилаётган объектга бевосита таъсир кўрсата олади. Шундай қилиб, мазкур ҳолатда оператор (таълим тизимидаги бошқарув субъекти) бошқарилаётган объектнинг долзарблаштирилган ахборот моделига эга бўлгач, ўзининг лавозимида мос келувчи меъёрий воситалардан фойдаланган ҳолда унга шахсан таъсир кўрсатади, бироқ ҳар доимо маънавий-ахлокий муносабатлар майдонида турган ҳолда, яъни, шахс шахсга, фаолият фаолиятга таъсир кўрсатади.

Бизнинг ҳолатимизда муҳандислик психологиясида қабул қилинган концептуал модел тушунчасининг баъзи бир аналогий сифатида таълим тизими мутахассис-бошқарувчининг *субъектив образи* тушунчасини фойдаланамиз. Субъектив образ тушунчасидан фойдаланиш шу нарса билан боғлиқки, таълим тизимида ҳеч бир бошқарув даражасида (юқори турувчи поғонадаги) бошқарилаётган объектнинг қатъий берилган объектив эталонли параметрлари мавжуд эмас. Мутахассис-бошқарувчи тизимдаги жараёнларнинг бевосита яшироқчиси ҳисобланади, шунинг учун тизимнинг долзарблаштирилган ахборот модели билан ишлаганда у доимо ўз мавқеини (ўрнини) қайта белгилаётгандек бўлади, тизимдаги ўзининг индивидуал фаолият дастурини бошқа субъектлар билан


ҳамкорликда кенгайтириб (ривожлантириб) боради. Шундан сўнг долзарблашган ахборот моделида мониторинг методлар ёрдамида аксланувчи, тизимнинг баъзи бир янги ҳолати пайдо бўла бошлайди ва бу ахборот яна қайта янгидан мутахассис томонидан таҳлил этилади.

Тизимда фаол ҳатти-ҳаракатлар олиб борилгандан сўнг, долзарблаштирилган ахборот модели билан ишлаш цикли такрорланади. Шундай қилиб, мутахассис-бошқарувчи. ўз мавкейидаги (даражасидаги) ахборотларни таҳлил этиш асосида қарор қабул қилгач ва бунинг асосида тизимда бошқа одамлар билан (яъни жамоа, коллектив тарзда) қандайдир ҳатти-ҳаракатларни содир этиб, энди у мазкур ҳолатга ўз ҳиссасиниям қўшган ҳолдаги янги долзарблашган ахборот моделига эга бўлади. Шу ўринда энди унда ўз ҳатти-ҳаракатлари рефлексиясини бевосита ҳатти-ҳаракатлар вақтида қабул қилиш учун нафакат аниқ вазиятлар ва маълумотларни ва балки вақтга нисбатан етарлича узоклашган жамоа (коллектив) бошқарувчилик таъсир кўрсатиш оқибат-натижаларини ҳам таҳлил этиш асосида амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Таълим тизими мутахассислари фаолиятида принципиал жиҳатидан янги бўлган нарса – бу бошқарилаётган объектнинг жамоавий (коллектив) сифатларининг максимал даражада пайдо бўлиб боришидан иборат бўлади, уни эса “Мен ва тизимдаги бошқалар бир бутунмиз” каби номлаш мумкин бўлиб, долзарблашган ахборот моделлар билан ишлаш орқали амалга оширилади.

Объектнинг долзарблаштирилган ахборот модели (ДАМ) бошқарувчида бошқарилаётган объектнинг максимал даражада адекват бўлган субъектив образини шакллантириш учун, бошқарилувчи ахборот (информацион) таъсир кўрсатиш тизимини шакллантириш учун ишлаб чиқилади. Таъсир кўрсатиш тизими объектнинг аввалги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда унинг жорий, яъни ҳозирги ҳақиқий ҳолатини таҳлил этиш йўли билан барпо этилади. Бунинг учун, энг аввало, объект ҳолатининг образини барча мавжуд бўлган ишончли, ҳақиқий аҳамиятга эга бўлган ахборотлар асосида (қайта яратиш) шакллантириш зарур. Доимо субъектив образ шакллантирилади (1.2-расм), у мавжуд ахборотларнинг микдори ва сифатига, шунингдек унинг таҳлил қилиниш услубларига, яъни объектнинг долзарблаштирилган ахборот модели (ДАМ) сифатига қараб (у ёки бу оламда) адекват ёки ноадекват бўлиши мумкин.

Бошқарувчи фаолиятининг сифатини ошириш учун ахборот моделининг сифатини, шунингдек уни олиш (эга бўлиш) тезкорлигини ошириш зарур. Бу учта йўналишда бўлиши мумкин:



1.2. расм. Бошқарилаётган объектни унинг долзарблаштирилган ахборот модели асосида субъектив образини шакллантириш

1. Объект ҳолатининг мавжуд параметрлар тизимини оптималлаштириш, яъни: классификациялаш йўли билан уларни тартиблаштириш ва тизимга келтириш; ДАМ ларни олиш (эга бўлиш) ва сўнгра таҳлил қилиш жараёнини мураккаблаштирувчи (кийинлаштирувчи) кам ахборотга эга бўлган кўрсаткичларни рад этиш.

2. Объект фаолиятининг муҳим жиҳатларини, яъни улар тўғрисидаги ахборотлар авваллари ДАМ ларга киритилмаган жиҳатларини акс эттирувчи қўшимча параметрлар тизимларини яратиш.

3. ДАМ ларга эга бўлиш (олиш) ва таҳлил қилишни автоматлаштириш, бу жараёнда ахборотларни компьютер техникаларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш услублари алгоритмларидан иборат бўлган амалий статистик дастурлар пакетидан фойдаланиш.

ДАМ ларни барпо қилишни (яратишни) автоматлаштириш учун компьютер техникасини қўллаш қуйидагиларга имкон беради: янги параметрлар тизимларини киритишда уларнинг миқдори (сони) сезиларли даражада ошиб кетишига қарамасдан объект параметрлари аҳамиятини олиб ташлашга кетадиган меҳнат сарфини камайтириш; ахборотларни қайта ишлаш услубларининг мураккаблашиши билан бир вақтда ахборотларни қайта ишлашни сезиларли даражада тезлаштириш; ахборотларни таҳлил қилишнинг янги услубларидан фойдаланиш.

Объект ҳолати тўғрисида янги кўринишдаги ахборотлардан ва таҳлил қилишнинг янги услубларидан фойдаланиш, бунда бошқарилаётган объектнинг сифат жиҳатдан янгича тус олишига олиб келиш зарурати

ҳисобга олинади, ва оқибат натижада бошқарувчилик фаолиятини янги сифатга айлантиришга (ўгиришга) имкон яратади.

Таълимда бошқарувчилик фаолиятининг ахборот-аналитик таъминланиш мониторинги ва уни ривожлантириш

Амалӣётда бошқарилаётган объектларнинг ахборот моделларини бошқаришни фойдаланишнинг зарурий шарти — бу уларнинг таълим тизими ҳаёт фаолияти ритмига мос келувчи режимда доимий тарзда янгилашиб туришидан иборат бўлади, яъни бошқарилаётган объект ҳолати бўйича — “мазкур объект ҳолати биз истаётган натижага мос келишини аниқлаш мақсадида унинг ҳолатини доимий тарзда кузатиб бориш” дек **мониторинг** зарур [Майоров А.Н., 88 б.]. Кузатув киритилган кўрсаткичлар тизими бўйича объект ҳолатини характерловчи маълумотларни тўплаш йўли билан амалга оширилади.

Илмий-услубий қўлланмада таълим муҳитининг кўпроқ ижтимоий-педагогик ва психологик кўрсаткичлари қараб чиқилмоқда, шунинг учун **мониторинг ижтимоий-педагогик сифатида қаратади**.

Кўп босқичли иерархиялаштирилган бошқарув тизимига эга бўлган ҳудудий-таксимланган таълим тизими каби бундай мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизим ҳолати мониторингини ўтказиш қуйидаги шартларга риоя этилишини талаб қилади:

- мониторинг жараёнини таъминлаб берувчи ташкилий механизмларнинг маҳаллий (жойдаги) таълим тизимида амалга оширилаётган ташкилий механизмлар билан қатъий тарзда мос келиши;

- маҳаллий ахборот ресурсларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган фаолият учун ҳуқуқий майдонни таъминлаб берувчи норматив-ҳуқуқий база;

- ечилаётган масалалар даражасига мос келувчи компьютерлар базаси;

- ахборотларнинг сақланиши, қайта ишланиши, кўргазмалари (очик) намоиш этилиши ва тақдим этилишининг унификацияланган дастурий таъминланиши;

- диагностик мажмуанинг барча ташкил этувчилари бўйича ўлчашлар ўтказишда методик қўллаб-қувватлаш ва метрологик назорат қилишнинг амалдаги ўқитиш тизими;

- олиб борилаётган ишларни техник қўллаб-қувватлаш ва дастурий кузатиб борилишини таъминловчи махсус мониторинг хизматининг мавжудлиги, олинган ахборотларни таҳлил қилиш ва улар асоси-

да бошқарувчилик қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланувчиларни ўқитиш ва консалтинг ёрдам кўрсатиш.

Буларнинг барчаси бошқарув тизимининг ўзига муқаррар равишда ўзгаришлар киритади, яъни ижтимоий-педагогик мониторингни жорий этиш *бошқарувчилик янгилиги* ҳисобланади ва бошқариловчи таракқиёт шакли сифатида майдонга чиқади. “Янгилик шундай мақсадга йўналтирилган ўзгаришки, у жорий қилиш муҳитига янгича нисбатан барқарор элементларни олиб киради. Улар ҳақиқий моддий ёки ижтимоий бўлиши мумкин, бироқ уларнинг ҳар бири ўзича янгиликни намоён этади, яъни янгилик предметини намоён этади, у хоҳ станок ёки расм-русм бўлсин, ҳисоб шакли ёки хомашё бўлсин. Янгиликнинг моҳияти жараёндир, яъни баъзи бир тизимларнинг бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўтишидир” [Проблемы развития управленческого мышления и деятельности. 27-32 б.].

Янгиликнинг қабул қилинган типологиясига кўра, ижтимоий-педагогик мониторингни янгилик сифатида жорий этиш ижтимоий янгилик ҳисобланади ва ҳам иқтисодий (чунки таълим тизими натижасини ўлчаш кўрсаткичларининг янгича тизими киритилмоқда) ҳам ташкилий-бошқарув жиҳатларга (аспектларга, томонларга) дахл қилади (чунки, янгича ташкилий тузилмаларни, лавозимга онд йўллар ва ўринларни яратишни, янгича функционал вазифаларни қайта тақсимлаш ва уларнинг юзага келишини, бошқарувчилик қарорларини ишлаб чиқиш жараёнида бошқарилаётган объектнинг ҳолатини таҳлил қилишда илгари ҳисобга олинмаган ахборотлардан фойдаланган ҳолда турли хил мутахассисларнинг янгича шаклдаги ўзаро таъсир алоқа-муносабатларининг юзага келишини кўзда тутати ва ҳ.к.). Ижтимоий янгиликларнинг асосий ўзига хос хусусиятларини қараб ўтамиз, чунки уларни таълимда ижтимоий-психологик мониторингни (**ИПМ**) жорий қилишда ҳисобга олиш зарур бўлади [Проблемы развития управленческого мышления и деятельности.. 34 б.].

Ижтимоий янгиликлар моддий-техник янгиликка нисбатан киёсланганда қуйидагилар билан характерланади: муайян жамоатчилик муносабатлари билан, ишбилармонлик маданияти билан кўпроқ мустаҳкам алоқага эгалиги; янгиликлардан фойдаланиш фойдаланувчининг гуруҳий ва шахсий томонларига (сифатларига) кўпроқ боғлиқлиги; афзалликларнинг камроқ даражада аёнлиги, янгиликни жорий этиш самарадорлигини ҳисоб-китоб қилишда бартараф этиб бўлмайдиган қийинчиликларнинг мавжудлиги, негаки, ижтимоий янгиликлар киритиш шаронтидаги тажриба-синовларни реал шароитларда

иш юритаётган (амалдаги, жорий) объектда ўтказишга тўғри келади, айнаман мана шундан – умумий натижада мазкур янгиликка улуш ажратиш кийинчилиги келиб чиқади; “тайёрлаш” босқичи “лойихалаштириш” босқичи билан бирлашиши (туташиши); янгиликларни жамоатчилик (коллектив) усулида ишлаб чиқиш ва лойихалаштириш; пулли ёки моддий сарф-харажатларга олиб бормайдиган ўз баҳосининг мавжудлиги.

Охирги хусусиятларга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз, негаки, мазкур баҳонинг ноаён ташкил этувчиларини (таркибини) аниклаш ва батафсилроқ ўрганишнинг муҳим аҳамиятини тушунмаслик ёки инкор этиш таълимдаги янгиликларни жорий этишда кўпинча катта ҳисоб янгилишларига (хатоликларга) олиб келади. Ижтимоий янгиликларнинг ҳақиқий баҳосини аниклашда нафакат пул маблағлари, янгилик қиритишнинг барча босқичларидаги материаллар ва техник воситалар сарф-харажатларини ҳисобга олиш зарур. Модомики ўзгаришларнинг предмети бўлиб ишчи-ходимларнинг ўзлари, уларнинг аҳволи, ҳуқуқий ҳолати (статуси), муносабатлари, одатий иш шакллари бўлар экан, у ҳолда янгиланиш учун тўловни ғайрат билан, келиб чиқувчи ўзгаришлар билан, баъзан эса – бутун барча ишчи-ходимлар гуруҳи манфаатлари билан тўлашга тўғри келади [Проблемы развития управленческого мышления и деятельности., 36 б.].

Буни таълим тизимидаги янгиликларга мувофик равишда кўриб чиқамиз. Бу соҳанинг муҳим роли жамоатчилик ишлаб чиқаришида жамиятнинг ижтимоий тузилмасини қайта ишлаб чиқариш масаласи билан белгиланади (аникланади) [Козак В.Е.; Комаров М.С., 276 б.], зеро бу вазифани амалга ошириш шахсга нисбатан бевосита таъсир этишдагина эришилади [Grady Booch. 145 б.]. Шунингдек таълим хизмати таърифини ўргатувчи ва ўрганувчи, таълим берувчи ва таълим олувчи ёки ўқитувчи ва ўқувчиларнинг *ўзаро таъсир муносабати жараёни* сифатида эътиборга оладиган бўлсак, у ҳолда шу ҳақда хулоса қилишимиз мумкинки, таълим соҳасидаги қиритилган янгилик муқаррар равишда таълим жараёнининг барча субъектларига (рахбарлар, педагоглар ва таълим олувчилар, бавосита тарзда эса – ота-оналар ҳам) дахл қилади, шунингдек шу ўзаро таъсир муносабат жараёнининг ўзини ҳам ўзгартиради.

Шунинг учун у ёки бу янгиликни жорий қилиш кам сарф-харажатли бўлиб кўринса ҳам таълим соҳасидаги қиритилган янгиликларнинг баҳоси (нархи) айниқса юқори саналади. Бу ўзининг бавосита тасдиғини шу нарсада ҳам топадики, таълим тизими доимо аъёнавий тарзда энг консерватив (эскиликни ёқловчи) ҳисобланиб келинади ва шуниси

билан ислоҳотларга кийинчиликлар билан бўйсунди [Ш.Курбанов. Э.Сейтхалилов].

Бошқа бир қандайдир тармоқларга қараганда таълим соҳасидаги киритилган янгиликларнинг баҳосини (наҳсини) пасайтириш учун янгилик киритиш иштирокчиларига турли хил активлаштириш методларини фаол тарзда қўллаш зарур бўлади. уларни янгиликлар яратиш ва ишлаб чиқишга жалб қилиш, иштирокчиларни жамоавий (коллектив) ижодий жараёнга айлантириш зарур бўлади. Бу орқали ишланмаларнинг яна ҳам юқоринок амалий кадр-қимматиға, шунингдек янгиликларнинг етарлича ижтимоий негизини (базасини) тайёрлашға эришилади. Хозирги кунда юзаға келган таълимда бошқарувчилик фаолиятини таъминлашнинг ахборот-аналитик тизими каби янгиликлар билан боглик бўлган вазиятларнинг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини караб ўтамиз.

Марказий ва ҳудудий ҳокимият органларидаги илгариги мавжуд бўлган ва бугунги кунға келиб бузилишға юз тутган қарорлар тайёрлаш ва қабул қилиш тизимидан иборат бўлаган таълим бошқарувини қайта ташкил этишда марказлаштирилган тизимдан марказлаштирилмаган тизимға ўтиш шаклиға каратилган йўналиш маҳаллий раҳбариятни ўз шахсий бошқарув фаолиятини кучайтириб боришларига мажбур қилмоқда. Унинг таъминланишидаги эҳтиёж ва талаб. ўз навбатида, раҳбарият томонидан бошқарувчилик қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда аналитик фаолиятнинг ўта муҳимлигини англаб етишларига ва уни таъминлаб берувчи ахборот технологиялари ва ахборот-аналитик хизматларни яратиш зарур эканлигига олиб келмоқда.

Бошқарув органларидаги аналитик фаолиятнинг ўзига хос жиҳатлари (спецификаси) шундан иборатки, бунда у бошқарув жараёнининг ўзига “ўрнатилган” бўлади, унга материалларни тайёрлаш тезкорлиги, уларнинг ҳаққонийлиги, ишончлилиги ва асосланганлиги бўйича муҳим талаблар қўйилади. Академик илмий тадқиқотларға нисбатан киёсланганда у кўпроқ амалий характерға эға бўлади. Ахборотлаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш реал истеъмолчилар (талабгорлар) буюртмалари бўйича ва уларнинг иштирокида олиб борилади, бунда уларнинг эҳтиёжлари зарурий ахборотлар оқимининг шакллантирилишини белгилаб беради, ахборотларнинг келиб тушиш характерини, частотасини, ҳажмини. шунингдек қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда зарур бўладиган ахборотлар мазмунини аниқлаб беради. Шу туфайли бошқарув органлари таркибига аналитик гуруҳларни (расмий ёки норасмий) киритиш жараёни кетмоқда.

Қайд этиш лозимки, бошқарув қарорларини тайёрлашнинг ахборот

таъминоти соҳасидаги энг катта қийинчилик – аналитик тадқиқотларни автоматлаштириш методларини ишлаб чиқиш ва бошқарувчиларнинг интеллектуал меҳнат самарадорлигини оширишда кўринади, улар эса моделлаштиришга, олдиндан башоратлашга, тенденцияларни аниқлашга, ахборотни очиқ-ойдин тақдим этишга имкон беради. Шу билан бирга, амалиёт кўрсатмоқдаки, маълум бир махсус вазифалар доирасига эга бўлган бир қанча истеъмолчиларни ахборот-аналитик жиҳатдан таъминлашнинг самарадорлиги нафақат техник жиҳатдан жиҳозланиш ва ишлов берилувчи ахборот массивларининг масштабига, балки вазифаларнинг аниқ-равшан қўйилишига, аналитик материаллар истеъмолчилари билан бевосита ўзаро ҳамкорликнинг ўрнатилишига боғлиқ бўлмоқда. Бошқарувни таъминлашнинг ахборот технологиясини яратишда ахборотга нисбатан қўйилувчи талабни тажриба ва фактларга таянмаган (априор) ҳолда шакллантириш деярли мумкин эмас, негаки энг аввало буюртмачиларнинг ўзлари ҳали мазкур талабаларни англаб этишмайди. Шунинг учун, муайян объектни бошқаришда қарор қабул қилувчи шахсларнинг ахборот эҳтиёжларини аниқлаш – қарор қабул қилиш жараёнини автоматлаштириш методларини яратишдаги энг мураккаб масалалардан бири ҳисобланади.

Ахборот бошқарув технологиясининг самарадорлиги мазкур вазифанинг оптимал ечимини топишдан иборат бўлади. Ахборотларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаштириш маълум бир ишнинг боришида содир бўлади: “буюртмачи” билан доимий тарзда диалог олиб борилиши зарур, айниқса *объектни реал бошқариш* жараёнида. Таълим соҳасида бу жараён шуниси билан қийинлашганки, бошқарув органларида бошқарув тизимидаги турли хил иерархик юқори поғона ходимлари ўртасида жадал норасмий коммуникациялар ҳозирча амалиётда қўлланилмаяпти. “Ҳисобот талаб қилиш” амалиёти устунлик қилмоқда (кўшимчасига “бу кеча бўлиши керак эди” деб қўшиб қўйилади), авторитар бошқарув шакллари ҳукм сурмоқда, бошқарувчилик қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида турли хил поғона (даража) мутахассисларининг ҳамкорлиги йўқ.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, ахборот-аналитик бўлинмалар ишидаги юқори самарадорликнинг зарурий шarti шундан иборат бўлмоқдаки, бунда шу бўлинма ходимларининг ўзлари хизмат кўрсатаётган ўша фаолиятда бевосита иштрок этишлари зарур бўлади. Етакчи мутахассис-аналитиклар раҳбарларнинг ишончларидан фойдалана олсалар ва улар ҳам раҳбарлар томонидан қарар қабул қилиш жараёнининг тенг ҳуқуқли иштирокчилари сифатида қаралганидагина энг

юкори натижага эришишлари мумкин. Фақат мана шу йўл билангина бошқарув жараёнидаги аналитик ишларнинг реал тарзда уюштирилишига эришиш мумкин. [Мелюхин И.С., 34 б.].

Материаллар тайёрлашда шунингдек *ёпиқ цикл* ҳам зарур ўрин белгилайди, бу ахборот тўплаш кўрсаткичларини таърифлаш, аниқлаш тартиблари, унинг классификациялари, автоматлаштирилган ишлов беришдан бошлаб, то бўлиши мумкин бўлган башоратлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, таҳлил қилишгача бўлган ишларни ўз ичига олади. Бундай цикл махсуслаштирилган (ихтисослаштирилган) *мониторинг хизмати* дорирасидагина амалга оширилиши мумкин.

Аналитик тадқиқотларни ўтказиш бевосита ахборотлар тўплаш ва дастлабки ишлов бериш жараёнларига таянади. Улар кўпроқ энг машаққатли, кўп меҳнат талаб қилувчи ва метёрий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳозирча ҳали бирмунча ноаниқ бўлган ишларни ўзида намоён этади. Уларнинг амалга ошиш мувоффақиятига қараб бошқа барча кейинги боскичларнинг мувоффақияти ва самараси ҳам келиб чиқади. Унинг салбий (ёмон) ташкиллаштирилиш оқибатида тадқиқот натижалари ҳам паст даражали ишончлилик ва объективлиликни характерлайди. Ахборотларни тўплаш ва дастлабки ишлов бериш ишлари кўпгина техник ишларни ягона бир жараёнга бирлаштиради, келиб тушган ахборотларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказилишини, маълумотларнинг тўлиқ ва ишончлилигининг текширилишини, ахборотларнинг мавзуси (тематикаси) бўйича тизимлаштирилишини таъминлаб беради. Маълумотларни киритиш, қайта ишлаш ва қайта жўнатишда ҳисоблаш ресурсларидан максимал даражада фойдаланиш зарур, имкон қадар мазкур ишларни автоматлаштирилган тарзда қўллаб-қувватлаш воситаларининг технологик потенциалини ошириб бориш зарур. Бироқ айнан маълумотларни дастлабки қайта ишлашни автоматлаштириш ва аналитик масалаларни ечиш соҳасида кўпроқ қийинчиликлар мавжуд.

Ҳозирги кунга келиб таълим соҳасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида у ёки бу ташкилий шакллардаги ахборот-аналитик хизмат туринг амалий кўринишлари пайдо бўлмоқда, уларнинг техник жиҳозланиши ва кадрларга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиши амалга оширилмоқда, унинг бошқарувчилик қарорларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнидаги роли (турлича тарзда) белгилаб олинмоқда. Хизматларнинг келгусидаги ривожланиши эса қуйидагиларнинг мувоффақиятли амалга оширилиши билан шартланади: ахборотлар билан ишлаш воситалари, методлари, технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, ва буларнинг асосида бошқарилаётган объектнинг ҳолатини

моделлаштириш; ижтимоий-иқтисодий йўсиндаги сертармок маълумотлар базасини яратиш ва долзарблаштириш; мазкур янги фаолият соҳасидаги мутахассислар доирасини шакллантириш ва профессионаллаштириш.

Шундай қилиб, олиб борилган таҳлил натижалари бошқарувчилик қарорларини қабул қилиш ахборотлар базасини таълим жараёнининг асосий субъектларини интеракция қилиниш ҳолати тўғрисидаги маълумотлар билан кенгайтириш зарур эканлиги тўғрисида ҳулоса қилишга имкон беради. Бошқарув тизимида таълим тизими муассасаларидаги таълим жараёнларининг ҳақиқий ҳолатлари бўйича бошқарувчилик ҳатти-ҳаракатларининг ишлаб чиқилишини таъминловчи қайтувчи алоқани ташкиллаштириш учун маълум бир ижтимоий-психологик кўрсаткичлар тизими бўйича бошқарилаётган объектлар ҳолатининг мониторингини яратиш тавсия этилади. Ижтимоий-педагогик мониторингни бошқарув ахборот таъминланиш амалиётига қўлланилиши доимо мониторинг хизматининг шакллантириб борилиши билан кузатиб борилиши ва бу маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек бошқарув субъектларига намоиш этиш учун бажарилган таҳлил натижаларини тайёрлаш бўйича тўлиқ циклни амалга ошириш воситаси сифатида қаралмоғи зарур.

II БОБ.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ МОНИТОРИНГИ

2.1. Узлуксиз таълим ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида

2.1.1. Таълим инсон ривожланишининг асоси сифатида

Ҳамма мамлакатлар ривожланишга интилишмоқда, бироқ мамлакатнинг ривожланиш даражасини қандай критерия билан аниклаш мумкин? “ривожланиш” ва “тараққиёт”, “ривожланиш” ва “ижтимоий адолат”, “ривожланиш” ва “тенглик”, “ривожланиш” ва “барқарорлик” тушунчалари ўртасида қандай ўзаро алоқалар мавжуд?

Мазкур саволларнинг жавоби — ривожланишнинг асосий мақсади қандай таърифланишига (белгиланишига, ёки аниқланишига) боғлиқ бўлади. У бойлик тўплашдан иборатми ёки қандайдир яна ҳам кагтарок нарсдан иборатми, яъни — одамларнинг фаровонлигини оширишданми, ҳар бир одамнинг эркинлиги ва ижтимоий ҳимояланганлиги учун шароит яратишданми, унинг ижодий ва инновацион меҳнат фаолияти учун замин яратилишини таъминлашданми, инсон ва табиатнинг тенгликда, тенг кадр-қийматда мавжудлик муаммосини ҳал қилишдан иборатми. Айнан мана шу кейинги тезис БМТ ни ривожлантириш Дастури (БМТРД) томонидан инсониятнинг ривожланиш концепцияси учун асос сифатида фойдаланилган.

Инсоният ривожланиш концепциясининг бошланиш манбасини инсоният тарихининг илк давралидан, кўпгина маданият ва диний қурилишлардан топиш мумкин. Нафакат тарихчилар, ва балки қадим файласуфлари (Демокрит, Платон, Аристотель, Лукреций ва б.) ҳам жамоатчилик ва жамиятнинг ривожланиш табиатини англаб етишга уришиб кўришган. Маърифат даври файласуфлари ва энциклопедистлари орасидан Дидрони ажратиш кўрсатиш мумкин, у инсонни олий кадрият ва ердаги барча эришилган маданият ютуқларининг ягона яратувчиси, одамнинг, коинотнинг онг маркази, ҳамма нарсанинг келиб чиқиши ва ҳамма нарсанинг унга қайтиши зарур бўлган маскан деб ҳисоблаган.

Тенглик ва ижтимоий адолат тараққиёт ғоясининг ажралмас қисмидир. Мазкур постулат инсоният ривожланиш концепциясининг асосий жиҳатларидан бири бўлиб, Шарк олимлари ва файласуфларининг асарларида ёрқин чизиклар билан кузатилади. Бутун дунёга машҳур бўлган Аавиценнанинг (Абу Али Ибн-Сино) таъкидлашича “бир инсон бошқаларнинг эҳтиёжларини қондирганлиги учун ва

бошқалар ҳам шу зайлда иш тутганлиги учун ҳам инсон бўлади. Бири ўсимлик экади, бошқаси нон ёпади, учинчиси тикади, тўртинчиси игна ясайди, ва шу зайлда ҳаммаси бир-бирининг эҳтиёжини кондириш учун йиғилишади”¹. Навоийнинг таъкидлашича “барча яралмишдан мақсад, қуёш ва коинот, тоғлар ва текисликлар, денгиз ва дарёлар, ўсимлик ва жонзотлар, гуллар ва сайроқи булбуллар, ҳаво ва олов, йил фасиллари, яъни, наинки табиатнинг барча ажойиботлари, унинг битмас-туганмас бойликлари, гўзаллигу-жозибаси, буларнинг барчаси инсонга хизмат қилиш учундир”². Беруний таъкидлайдики, мамлакатнинг равнақи илм-фаннинг аҳволи, унинг юксалиши билан белгиланади. Инсоннинг энг олий бахти – тафаккуридаки, шу сабабли унга ақл-идрок инъом этилган. Бахтнинг фақат шундай тушунилишигина жамиятга тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик олиб келади. “Ҳақиқий ҳузур берадиган нарса шуки, нимагадир интилишинг канчалик ошиб борса, инсон ҳам шунча нарсага эга бўлиб боради. Ва инсон ўзи илгари билмаган нарсасини билганида унинг қалби ҳам шундай ҳолатга келади”³, инсоннинг энг олий фазилати, кадр-киммати эса – унинг бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилишидир, айниқса, ночор, камбағал одамлар ҳақидаги ғамхўрлигидир.

Инсоннинг ривожланиш, унинг тараққий этиш концепциясининг бугунги замонавий тушунчасига иқтисодиёт бўйича Нобел мукофоти лауреати Амарти Сеннинг “Ривожланиш – имкониятларнинг кенгайиб бориши сифатида” номли асарида баён этилган назарий ишланмалари катта таъсир кўрсатди. У ўз асарида ривожланиш жараёнини – инсоннинг фақатгина моддий ёки иқтисодий фаровонлигининг ўсиб боришигина эмас, балки инсон имкониятларининг кенгайиб бориш жараёни сифатида қарайди. Амарти Сен мазкур жараёни инсон эркинлигининг кенгайиб бориши билан, бир қанча кўпгина вариантлар ичидан энг маъқул ва афзалини танлай олиш эркинлиги ва имконияти билан боғлайди. Шу аснода Амарти Сеннинг концепцияси асосида – ривожланиш тушунчаси – бу, марказида инсон турувчи жараёндир деб таъриф берилди. Кейинчалик олимнинг мазкур ғоялари БМТРД нинг экспертлар гуруҳи томонидан умумлаштирилди ва биринчи марта 1990 йилларнинг инсон тараққиёти тўғрисидаги Мазрузада (докладда) келтириб ўтилди, ва ўшандан бошлаб инсон тараққиёти (ривожланиши) тўғрисидаги йиллик маърузалар серияси чиқарила бошлади.

Инсон тараққиёти концепциясининг асосий қойидаси шунга олиб

1. В.Ю.Захидов “Мир идей и образов Алишера Навои” китобидан қитата, Ташкент, 1961.
2. Ўша жойда.
3. Беруний. Минералогия. Т.: 1968.

келмокдаки, бунда одамлар нафакат воситадир, ва балки иктисодий тараккиётнинг асосий максади бўлиб ҳам ҳисобланади. “Инсон тараккиёти ... бу атроф-муҳитни яратиш бўлиб, унда одамлар тўлиқ ўз потенциалларини ривожлантира олиши ва ўз эҳтиёжлари ва манфаатларига кўра сермахсул, ижодий турмуш тарзини олиб бориши мумкин ... Танлаш имкониятларини кенгайтиришдаги принципиал жиҳатдан муҳим нарса — имкониятларни инсон учун яратишдан иборатдир — одамлар кила олиши мумкин бўлган барча нарсалар, ёки улар ҳаётда қим бўла олиши мумкин бўлган барча нарсалар. Инсон тараккиётининг энг асосий шартларидан бири — узок ва соғлом ҳаёт кечириш, яхшигина маълумот ва ахборотларга эга бўлишлик, муносиб ўрин ва кадр-қимматга эга бўлиш учун зарур бўлган воситаларга эга бўлиш, жамият ҳаётида муносиб иштирок этишдан иборатдир”⁴.

Инсон тараккиёти концепцияси иктисодий тараккиётнинг аъъанавий назарияларига зид келмайди, аксинча уларнинг ижтимоий муносабатларга нисбатан чегараланганлиги ва маълум даражадаги узулишларни енгиб ўтади. Иктисодий ўсиш мактаблари ва инсон тараккиёти ўртасидаги фарк шундан иборат бўладики, бунда биринчиси ўз эътиборини факатгина биргина танловни — даромаднинг кенгайтирилишига каратади, шу вақтнинг ўзига иккинчиси эса инсоннинг барча турдаги танловини — ҳоҳ у иктисодий, ижтимоий, маданий ёки сиёсий бўлсин, барча танловларининг кенгайтирилишини камраб олади.

Концепция инсон тараккиётига нисбатан икки ёклама ёндашувни қарайди: бир томондан — бу инсон имкониятларини соғлиқни мустаҳкамлаш, билимга эга бўлиш, касбий қўникмаларини такомиллаштириш йўли орқали кенгайтиришидир; бошқа бир томондан эса — одамлар ўзлари эга бўлган қобилиятларини ишлаб чиқариш мақсадлари учун, маданий, сиёсий фаолиятлар ва дам олишлари учун фойдаланиш жараёнидир. Шундай қилиб, мазкур концепция инсон тараккиётини факатгина ишлаб чиқариш фаолиятига ва моддий бойликни оширишга қаратилган ресурсларни шакллантиришгагина олиб бормайди.

Даромад, инсон тараккиёти концепциясига кўра — бу инсон эга бўлишни хоҳлаган танловлардан факатгина биттаси ҳалос, зеро бу ўта муҳим танловлардан бири ҳисобланади. Бирок у инсон ҳаётининг барча мураккабликлари ва турли-туманликларини белгилаб бера олмайди. Бу ўринда саломатлик, таълим, яшаш муҳити, ҳаракат ва сўз эркинлиги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ривожланиш, тараккиёт шунчаки ёки факатгина даромад ва бойлик орттиришдан кўра кўпроқ

4. Доклад о человеческом развитии. 2001 й.

аҳамиятга эга бўлиши зарур. Унинг мақсади одамлар бўлмоғи зарур.

**Инсон тараққиёти концепцияси тўртта асосий
компонентларни ўз ичига олади**

1. **Самарадорлик (унумдорлик).** Одамлар даромадларни шакллантириш жараёнида тўлақонли иштирок этган ҳолда, ўз иш фаолияти (ҳаёт фаолияти) унумдорлигини ошириш имкониятига эга бўлмоғи зарур. Шунинг учун иқтисодий ўсиш инсон потенциалининг ташкил этувчиларидан бири ҳисобланади.

2. **Тенглик.** Иқтисодий ҳаётда барча одамлар бошиданок тенг имкониятларга эга бўлиши зарур, ва шунинг учун бундай имкониятларни тақдим этишга тўсқинлик қилувчи барча тўсиқлар бартараф этилмоғи зарур.

3. **Барқарорлик.** Имкониятларга бўлган йўл нафақат бугунги кун ва балки келажак авлодлар учун ҳам таъминланмоғи зарур. Инсон тараққиёти барқарорлигини таъминлаш мақсадида барча турдаги – жисмоний, инсоний, табиий капиталларнинг ўрни тўлдириладиган қилинмоғи лозим, зеро бунинг ортидан келажак авлод тўлашига олиб келувчи қарздорликни яратиб қўймаслик зарур.

4. **Имкониятларни кенгайтириш.** Тараққиёт фуқаролар манфаатлари йўлида ва уларнинг ўз қучларини ишга солган ҳолда амалга оширилмоғи зарур. Одамлар ўз ҳаёт тарзларини белгилаб берувчи қарорлар қабул қилиш жараёнларида бор имкониятларини ишга солган ҳолда иштирок этишлари зарур. Улар маълум бир потенциалга эга бўлган қобилиятлар билан дунёга келишади. Инсон тараққиётининг вазифаси шундай муҳитни яратишдан иборат бўлиши зарурки, унда ҳар бир одам ўз қобилиятларини ривожлантира олиши мумкин бўлиши, ва бу ривожланиш имкониятлари туфайли ҳамма нарса яна ҳам кенгайиб бормоғи зарур.

Инсон тараққиётининг асосий мақсади асрофда шундай сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик муҳитни яратишдан иборатки, бу одамларга моддий тўқислик, соғлом ва бунёдкорлик ҳаёт тарзидан етарлича узоқроқ завқланиш имкониятини таъминлаб бермоғи зарур бўлсин.

1990 йилдан бошлаб инсон тараққиёти ҳақидаги ҳар йилги докладларда инсон тараққиёти Индекси (ИТИ) нашр қилиб келинмоқда. Мазкур индекс – бу соддалаштирилган шаклда бўлса ҳам турли мамлакатлардаги одамларнинг фаровонлигини ўлчашга

уришиб кўришдир. ИТИ инсон тараккиётининг учта томонларини (аспектларини) таркибий баҳолаш имкониятини беради ва кўпгина мамлакатларда, ҳудудларда ва умуман дунёда инсон ривожланишидаги тараккиёт мониторингини олиб бориш учун фойдаланилади. Инсон тараккиёти индекси қуйидагилардан ташкил топади:

- тахминий умр давомийлиги индекси, уни маълум даражада мамлакатнинг соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизими ҳолатининг акси сифатида қараш мумкин;

- таълим даражаси индекси, катта ёшдаги аҳолининг саводлилик даражасини акс эттиради ва бошланғич, ўрта ва олий маълумотга эга аҳоли катламларини камрайди ва шу тарзда мамлакатнинг таълим тизими ҳолатини характерлаб беради;

- аҳоли жон бошига нисбатан ички ялпи маҳсулот (ИЯМ) индекси (савдо қобилияти паритети бўйича АҚШ доллари ҳисобида), мамлакат фуқароларининг даромадлари даражасини кўрсатади.

Инсон тараккиёти концепцияси ва стратегиясини факатгина ИТИ доирасида чегаралаб қўймаслик ўта муҳим. ИТИ инсон тараккиётидаги таълимни кенгайтириш, соғлиқ ва ҳаётнинг бардавомийлигини яхшилаш, шунингдек даромадни ошириш каби мақсадларни баҳолаб берувчи жамлама индекс сифатида майдонга чиққан мувоффақияти концепциянинг тор доирада интерпретация қилинишини мустаҳкамлашга олиб келди. Инсон тараккиёти концепцияси унинг ўлчов бирлигига (ИТИга) нисбатан анчагина кенг эканлигини тиришқоклик билан тушунтирилишига қарамасдан, қўп ҳолларда инсон тараккиёти концепциясини индекс билан айнан бир хил деб қараш юз бермоқда. Инсон тараккиёти концепцияси – бу жамият (жамоатчилик) тараккиётини тушунишга нисбатан сифат жиҳатдан янгича, истиқболли ёндашув бўлиб, унинг бошида инсоннинг ҳаётий танлов имкониятларини кенаятириш туради. ИТИ нинг асосий мақсади эса “инсонни ривожлантиришнинг ёки унинг тараккиётининг тўлиқ кўринишини беришдан иборат бўлмай, балки факатгина даромад келтириш билангина чегараланиб қолиш дорирасидан ташқарига чиқиб кетувчи параметрларни беришдан иборатдир. ИТИ инсон фаровонлигидаги ўзгаришлар ва турли ҳудудлардаги эришилган тараккиётни қиёслаш (такқослаш) учун барометр ҳисобланади”.⁵

Инсон тараккиёти концепциясининг назарий ва амалий жиҳатлари БМТРД томонидан нашр қилинувчи инсонни тараккий эттириш тўғрисидаги ҳар йилги глобал докладларда ўз аксини топмоқда. Алоҳида мамлакат доирасида инсон тараккиёти муаммолари бўйича

5. Доклад о развитии человека, 2005 й.

кенг жамоатчиликнинг бохабардорлигини кенгайтириш ва муайян аниқ чора-тадбирлар қабул қилиш ташаббускорлигини ошириш мақсадида инсон тараққиёти тўғрисида миллий докладлар ишлаб чиқилмоқда, бу эса БМТ нинг аналитик ва стратегик фаоллигидаги муҳим кулол сифатида майдонга чиқмоқда. Нашр бошлангандан буён 1992 йилда Бангладешдаги биринчи миллий докладда 350 дан ортиқ докладлар нашр этиб улгурилди.

Инсон тараққиёти тўғрисидаги миллий докладлар муस्ताқил ва объектив таҳлиллар, статистик ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган бўлиб, улар инсон тараққиёти истиқболларини ҳар бир алоҳида давлатнинг энг устувор томонлари билан, янгича муаммолар, тасаввур ва кўринишлар билан боғлайди. Мазкур ёки берилган маълумотлар энг аввало, айниқса ва кўпроқ давлат органлари, халқаро ташкилотлар, академик жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг эътибор объектига айланиб бормоқда.

Инсон тараққиёти концепцияси энди Ўзбекистонда ҳам сезиларли тарзда аҳамият касб этиб бормоқда. 1995 йилда Ўзбекистонда инсон тараққиёти тўғрисида биринчи миллий доклад тайёрланди, унда энг аввало ривожлантириш стратегиясининг марказий бўғини (звеноси) сифатида ижтимоий сиёсат белгиланди. Ўшандан буён Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги муҳим соҳаларига ва мамлакатда инсон потенциални ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган саккизта миллий докладлар нашр этилди. Мазкур докладлар муस्ताҳкам (барқарор) инсон тараққиётининг ҳолатларини миллий миқёсда (даражада) кенг муҳокама қилишга имкон яратди. Инсон тараққиёти бўйича миллий докладлар муҳим ахборот манбалари бўлиб ҳисобланади ва турли хил ҳукумат дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Инсон тараққиёти концепциясида *таълим асосий компонентлардан бири бўлиб ҳисобланади*. Ҳатто оддийгина статистик таҳлил ҳам кўрсатадики, Ўзбекистонда инсон тараққиётининг индекси 40% кўпроқ республиканинг таълим даражаси кўрсаткичига боғлиқ. Ўз навбатида унинг 2/3 мамлакатнинг катта ёшдаги аҳолисининг саводлилиқ даражаси билан аниқланади ва 1/3 таълим муассасаларига топширувчиларнинг умумий ялпи коэффициенти билан, яъни 6 дан 24 гача бўлган ёшдаги таълим олувчиларнинг умумий улуши билан аниқланади.

Охириги ўн йилликлар ичида жаҳон ҳамжамиятида таълимнинг ривожланиши борасида ғоятда муҳим ютуқларга эришилди. 1960 йилларда инсониятнинг 36% ҳаттоки базавий таълимга ҳам эга бўлмаган

бўлса, 2000 йилга келиб эса, ҳаттоки бу даврда аҳоли сони икки бараварга ўсган бўлса ҳам, бундай одамларнинг солиштирма ҳажми 25% гача қисқарган. Агарки 1975 йилгача дунёдаги ҳар бир иккинчи ёши катта одам ўқиш ва ёзишни билмаган бўлса, бугунги кунга келиб эса саводсиз одамларнинг хиссаси ярмдан кўпрокка қисқарган.

Таълим даражаси индексининг киймати бўйича пешқадамлик дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларида бўлса, аутсайдерлар сифатида эса — Тропик Африка давлатлари келади.

Индустриал ривожланган мамлакатларда саводсизлар фукараларнинг 1-2% дан кўп бўлмаган қисмини ташкил қилади. Бу давлатлардаги ўртача 32% меҳнатга лаёқатли аҳолилар (25-65 ёшдагилар) олий маълумотга эга. Олий маълумотга эга шахсларнинг кўпроқ хиссаси Канадада — 43%. АҚШ да — 38%, Японияда — 36%.

Ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида саводлилиқнинг ўртача даражаси деярли 80% гача ўсди. 1990 йилларга киёслаганда кичик мактаб ёшидаги мактабга бормаидиган болаларнинг сони 30 млн.дан кўпрокка қамайдди. мактабдаги ўқишнинг ўртача давомийлиги ярим йилдан кўпрокка ошди.

Шу билан бирга, бутун дунёдаги бўлаётган тараккиётга қарамасдан, бу соҳада ҳали кўнгина ечилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда. Сайёрамизда 100 млн. га яқин мактаб ёшидаги болалар мактабга боришмайди, улардан 3/5 қисми — қизлар. Африка қитъасидаги Сахарадан жанубда жойлашган мамлакатларда эндиgina бошланғич мактабларда ўқишни бошлаётган болаларнинг факатgina учдан бириgina мактабни тамомлаб чиқишияпти ҳолос. Саводсизликни бартараф этишдаги эришилаётган мувоффақиятларга қарамасдан, қам даромадли мамлакатларда ҳар бир тўртинчи ўспирин йигит ва ҳар бир учинчи катта ёшдаги киши ўқиш ва ёзишни билмайди. Бундай гуруҳдаги мамлакатларда умумий (ёки оммавий) бошланғич таълим тегишли ёшдаги аҳолининг факатgina с қисмини қамрайди ҳолос.

XXI аср бўсағасида, бошланғич мактаб ёшидаги 680 млн. болалардан ривожланаётган мамлакатларда 115 млн., ёки тахминан 17% мактабга боришмайди. Бошланғич мактабга бормаидиган болаларнинг бирgina Хиндистонга тегишли хиссаси 40 млн.га тўғри келади, бу эса бошланғич мактаб таълими қамраб олмаган, сайёрамиздаги барча болаларнинг 1/3 қисмидан ортиқроғини ташкил қилади.

Бу ўринда бошланғич таълимнинг сифати муаммоси ҳам жиддийлигича қолиб қолмоқда, шу билан бирга жон бошига тўғри қелувчи паст даромадли мамлакатлардаги ўқув синфларининг ўқувчилар билан

керагидан ортик тиқилинчлиги ҳам бунга мисолдир. Мана шундай ва бир қатор бошка сабабларга кўра бошланғич мактабнинг ҳар бир 17-чи ўқувчиси такроран, қайта ўқиш синфида қолиб келмоқда, нима бўса ҳам, амаллаб бошланғич таълимга эга бўлиб олишга мувоффақ бўлиб олаётганларнинг ҳар бир 6-чиси кейинги ўқишини давом эттира олмайди.

Ўрта, сўнгра олий таълимга эга бўлиш имкониятларидаги фарқлар ўртача ўқиш давомийлигида тўғридан-тўғри акс этади. Мисол учун. 70 йилларнинг иккинчи ярмида туғилган Сахарадан жанубдаги Африка аҳолисининг ўртастатистик яшовчиси кўпи билан 6 йиллик мактаб таълимига эга бўлса, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш Ташкилотига қирувчи мамлакатлардаги унинг тенгдоши – деярли 14 йиллик мактаб таълимига эга⁶.

МДХ давлатларида, шу билан бирга Ўзбекистоннинг ҳам таълим даражасининг кўрсаткичлари анчагина юқори, бинобарин, ҳаммада ва Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам у (рус тилидаги ИРЧП) инсон потенциалининг ривожланиш индексининг (ИПРИ) иккита бошка қўшилувчи таркибий қисмларнинг, яъни – тахминий ҳаёт давомийлиги индекси ва ички ялпи маҳсулот (ИЯМ) қийматидан ҳам юқори. Таълим даражаси бўйича Ўзбекистон ривожланаётган эмас, балки дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан бир қаторда туради. Таълим индекси бу ерда 0,99⁸ ни ташкил этади, бу вақтда ўртача дунё кўрсаткичининг қиймати – 0,77 га тенг.

Таълим индекси қиймати бўйича Ўзбекистон Европа Иттифокига кирган Мачта – (0,86), Руминия (0,90), Хорватия (0,90) каби давлатлардан, Марказий Американинг энг индустриал ривожланган мамлакатлари – Коста-Рика (0,87), Хитой Гонконги (0,88) дан ҳам ошиб ўтади. Бу кўрсаткич бўйича нефть ҳисобига жадаллик билан бойиб бораётган Бахрейн ва Бруней (0,88), Қувайт (0,87), Қатар (0,86), Бирлашган Араб Амирликлари - БАА (0,71) ҳам, шунингдек ўзларининг иқтисодий ва техник соҳадаги мувоффақиятлари билан тараккий этиб бораётган Мексика (0,86) ва Малайзия (0,84) ҳам Ўзбекистондан ортда қолади. Қайд этиб ўтамизки, барча санаб ўтилган мамлакатлар инсон таракқиёти даражаси юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига тааллуқлидир.

Ўзбекистонда умумий бошланғич ва ўрта умумий таълим муаммоси тўлиқ ҳал қилинган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига кўра 2009 йилдан сўнг республикада умумий ўрта махсус, касб-хунар таълими муаммоси бутунлай тўлиқ ҳал қилинади. 12 йиллик ўқишдан сўнг те-
6. Жаҳон таракқиёти тўғрисидаги доклад, 2006 й. 6, 7 б.

гишли ёшдаги гуруҳга мансуб ёш ўспиринлар мазкур таълим муассасасини тамомлагач, ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги диплом билан бир қаторда улар у ёки бу касбга эга эканликларини тасдиқловчи аттестат ҳам оладилар.

Ўзбекистон қатта ёшдаги аҳолининг саводлилиқ даражаси (99,3%) бўйича умумий таълимни ташкиллаштиришга нисбатан бундай ёндашуви натижасида Италия (98,4%), Испания, Жанубий Корея (98%) ва Исроил (97,1%) каби иқтисодий юқори ривожланган мамлакатлардан ўзиб кетмокда.

Охириги йиллар давомида республикада педагогик таркибнинг сони ва таълим олувчилар контингенти ошиб бормокда, таълим муассасаларининг моддий-техник базаси кучайиб бормокда, буларнинг барчаси энг аввало кўп сонли мактаблар, коллежлар, лицейларнинг қурилатганлиги ва уларнинг замонавий асбоб ва усқуналар билан жихозланаётганлиги ҳисобига бўлмокда. Сезиларли даражадаги ривожланиш ва юксалишни 2000-2006 йиллардаги олий мактаблар намоён қилмокда. Бакалаврият ва магистратура мутахассисликларига қабул қилиш мос тарзда 1,3 ва 2 бараварга ошди, бунда илдам суръатларда – 1,6 баравардан кўпроқ ҳолда ОТМ ларига қабул қилинаётган аёллар сони ҳам ўсиб бормокда. Фақатгина 2005-2006 йилларнинг ўзида кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва мактаб таълимини ривожлантириш Дастурини бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар (фондлар) ҳисобига амалга оширишга ярим миллиарддан ортиқроқ АҚШ доллари ажратилди⁷.

Ўзбекистонда ўтказилган ислохотлар натижасида ўқишнинг ўртача давомийлиги 2004 йилда 12 йилни ташкил қилди, буни мисол тариқасида Озарбайжон, Арманистон, Туркия ва инсон таракқиёти индекси ўртача бўлган бошқа мамлакатлардагидан кўп эканлигини кўриш мумкин.

Бирок фақатгина миқдорий кўрсаткичлар билангина таълимнинг инсон таракқиётига таъсирини тўла қонли ўлчаб бўлмайди.

Сифат жиҳатдан эса таълим инсоният жамиятини ривожлантиришнинг асосий омили ва ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. У камбағаллик, маҳрум бўлиш, ижтимоий тенгсизликларга қурашишда амалий восита сифатида майдонга чиқади. Таълим инсондаги дунёқарашни шакллантириш ва инсон ўз ҳаёт тарзининг танловини кенгайтириш қуроли, инсон ва жамият ҳаёт фаолиятининг турли хил томонларига таъсир қила олиш механизми бўлиб хизмат қилади.

7. ЎЗР Давстатқўм маълумотлари бўйича. Инсон таракқиёти тўғрисидаги докладда, 2006 й. 0,92 кўрсаткич келтирилган.

Таълим ва жамиятнинг юксалиши. Таълимнинг юкори даражадаги ривожланиши ва одатда унга ҳамроҳлик қилувчи фаннинг юкори даражада тараққий этиши бутун инсон цивилизацияси давомида жамиятнинг, техника ва иқтисодий юксалишнинг муҳим ҳаракатга келтирувчи қучлари бўлиб келган.

Қадимги мамлакатлар ва цивилизацияларнинг эришган юкори даражадаги ютуқлари бутун дунёга маълум, уларнинг ҳукмдорлари фаннинг, санъат ва маданиятнинг тараққий этишига муҳим эътибор қаратишган. Қадимги Миср, Қадимги Хитой, Қадимги Юнонистон ва Рим, Марказий Осиё давлатларининг тарихи эрта ўрта асрларда цивилизация пойдеворининг асос солинишида нафақат буюк даврлар ҳисобланган ва балки бугунги кунда андаза ва ўхшатишлар қилишда кўпинча эталон бўлиб қолмоқда. Инсоният тараққиётидаги энг янги тарих, хусусан Япония, Европа давлатлари, АҚШ, Сингапур, Тайвань (Кит) ва қатор бошқа давлатлар мисолида илмий кашфиётларнинг юқоридаги санаб ўтилган мамлакатларнинг гуллаб-яшнаши ва ривожланишида катта таъсир кўрсатганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ажойиб сабоқлар бериб келмоқда. Бу ютуқлар – жамиятнинг таълим ва фан қадриятларига, шунингдек улар асосида шаклланувчи маданият ва санъатга нисбатан юқори муносабат натижасидир.

XIX асрларда бошланган умумжаҳон саноат инкилоби фақатгина ўз таълим тизимида оммавий ислохотларни амалга оширган мамлакатлардагина мумкин бўлди ва жадал тусга кира бошлади.

Ва аксинча, кўпгина африка давлатларининг деярли бутун тарихида, зулматли эрта европа ўрта асрлари тарихида, Жанубий ва Марказий Осиё давлатларидаги кеч ўрта асрлари тарихида у ёки бу сабабларга кўра таълимнинг кадр-қиммати паст эди ва бу турғунлик сифатида характерланади. Бу даврда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши секинлашади, кўпгина инсон қадриятлари девальвацияланади (кадр-қийматнинг тушиши ёки бекор қилиниши) ва натижада аҳоли каттамининг каттагина қисмида паст даражали ҳаёт тарзи кузатилади.

XXI аср арафасида жаҳон ҳамжамияти инсон цивилизациясининг шаклланишида, мамлакатлар ва алоҳида шахсларнинг ривожланишида таълимнинг роли ва функцияларини тубдан қайта кўриб чиқишга ҳаракат қилиб кўрди. Таълимнинг тубдан ислох қилиниши аввало илмий-техник инкилобнинг “ижтимоий оқибатлари” дан бири сифатида қаралди. Дастлаб бу шундай ҳам эди, бироқ кейинчалик бориб натижа сабабдан кўра илгарилаб кетди. Таълим иқтисодий ва илмий-техник тараққиётнинг ҳал қилувчи омили ва шарти бўлиб қолди, жамиятнинг

ижтимоий тузилмасини шакллантирувчи, ундаги ижтимоий ҳукукий маком ва нуфузларни тақсимловчи механизмга айланди.

Марказий Осиё давлатларининг ривожланишида таълимнинг таъсир кўрсатишидаги тарихий мисоллар

Таълим ва фан кучсизланишининг ижтимоий-иктисодий тараккиётга салбий таъсир кўрсатишига очик-ойдин мисоллардан бирини Марказий Осиёнинг кеч ўрта асрлардаги ривожланиш даври намён этади. Агарки VIII-XIII асрларнинг ўрта асрлар Ренессанси ва кейинги икки асрлар атрофда жойлашган давлатларда мадрасаларнинг кўпайиши, уларда диний-этик фанлар қаторида дунёвий фанлар ҳам ўқитилиши, йирик кутубхоналарнинг ташкиллаштирилиши, фан, маданият ва маънавий ҳаёт тарзининг шиддатли ривожланиши билан характерланидиган бўлса, XVI асрдан бошлаб ўлканинг таълим ва илмий марказлари бора-бора таназзулга юз тутди бошладди. Феодал ўзаро ички низолар, Буюк ипак йўлининг заифлаша бошлаши, Темурийларнинг қачонлардир бўлган ягона ҳукмрон давлатининг алоҳида хонликларга бўлиниб кетиши, тоталитар клерикал режимнинг (*клерикал* - мамлакатнинг сиёсий ва маданий ҳаётида черковнинг таъсирини кучайтириш) ҳукмронлиги таълим ва фан масалаларига нисбатан эътиборни бирданига сусайтириб юборди, уларни зарурий қўллаб-қувватлаш кучидан маҳрум этди. Бу эса ўз навбатида ўлкани иктисодий, техник ва ҳарбий ишларда узок муддатли турғунликка мубтало қилди, ва охир-оқибат XIX асрнинг 60 йилларига келиб унинг забот этилишига олиб келди. Вазият факатгина XX асрнинг бошларига келиб ўзгара бошладди, Туркистонда жадидлар – ўлкани феодаллик қолоқликдан, ҳурофот ва бидъатдан, консерватизмдан (*консерватизм* – эскиликни ёклаш) озод қилиш тарафдорларининг фаолияти фаоллаша бошладди. Улар томонидан илгариги россия маъмурияти томонидан маҳаллий халқ учун яратилган таълим муассасаларининг фаолияти билан ўзаро мужассамлашиб кетувчи янгича методли мактаблар ва наشريётларни барпо этишлари аҳолининг саводсизлигига барҳам берилишини, илғор билимларнинг жорий этилишини бошлаб берди. Бу эса ижтимоий-иктисодий ривожланишда ижобий таъсир кўрсатди.

Таълимни ривожлантириш, унинг тубдан ислох қилинишида *аниқ йўналиш ва тенденциялар белгилаб олинди.*

Биринчи – таълимнинг тубдан (радикал тарзда) демократлашуви. Бу, сўзсиз, илғор, тараккийпарвар тенденция бўлиб, янги индустриал ва маълум даражада ривожланаётган мамлакатларни камраб олди.

Ривожланган давлатларда олий таълимнинг кенгайиб боровчи очиклиги энди унинг умумбашарийликка, оммавийликка ўтилиши

тўғрисида масала ва вазифа қўйилди. Баъзи бир мамлакатларда умумий бошланғич касб-хунар таълим ғоялари амалга оширилди.

Иккинчи – узлуксиз таълим ғояси. 60-чи йилларнинг бошларида пайдо бўлди, сўнгра фавқуллода тез куч йиға бошлади. Аста-секин жаҳон ҳамжамияти эски парадигмаларни янгисига алмаштира бошлади – “*умрбоқий таълим*” дан “*таълим бутун умр давомида*” га ёки “*таълим бутун умр орқали*”. Бунда гап таълимнинг ўз кадр-киммати тўғрисида, унинг давлат микёсидаги, ижтимоийлик, шахслик кадр-кимматга эгаллиги ва аҳамиятлилигининг тан олиниши тўғрисида бормокда.

Ва, асосийси, **учинчиси** – жамоатчилик онгига ва давлат сиёсатига янги, ҳақиқий илғор тамойилнинг жорий этилиши: таълим – нафақат мутахассисларни тайёрлаш воситасидир, у жамиятнинг умумий интеллектуал, технологик ва маданият даражасини ошириш, унинг инновация ва тараққиётга бўлган лаёқатини қўллаб-қувватлаш, жамиятда замонавий ҳаёт тарзини шакллантириш воситаси ҳамдир⁸.

2.1.2. Жамоатчилик ишлаб чиқаришида таълим тизимининг роли

Бошқарилаётган тизимнинг мавжуд аниқ ҳолатини моделлаштиришда қайтувчи алоқани таъминлаш учун унинг ҳақиқатдан ҳам муҳим жиҳат ва қирралари ишга тушиши зарур. Ҳар қандай реал тизимнинг ҳолати унинг алоҳида элементларининг ҳолатини характерлаб берувчи кўпгина турли хил кўрсаткичлар билан аниқланади, уларни микдорий (сон) жиҳатдан ўлчаш мумкин ва қандайдир муайян сонлар кўринишида бериш мумкин бўлади.

Бироқ амалиётда, ҳар бир муайян вазиятдаги тадқиқот жараёнида одатда бундай кўрсаткичларнинг фақатгина бир мунчагина қисми қаралади. Аксинча энг муҳимроқ ҳисобланган ва тизимнинг энг муҳимроқ томонларини акс эттирувчи кўрсаткичлари танлаб олиниши зарур. Мазкур талабни бажариш учун, энг аввало, объектнинг реал хусусиятларини, тузилмасини, ишлаш механизмларини, ҳаёт фаолиятининг ташқи ва ички шарт-шароитларини акс эттирувчи унинг ягона концептуал моделини қабул қилиб олиш зарур.

Мазкур муаммони ҳал қилишга тизимли ёндашиш ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий тизимнинг энг аввало мақсадли тизимли тарз-

8. Доклад о человеческом развитии. Образование: баланс спроса и предложения. Т.: ПРООН, 2008.

да ифодалаб берилишини кўзда тутди. Тизимли таҳлил қилишнинг фундаментал принципи – мақсаднинг принципи – бўлиб, у ҳар қандай мураккаб объект фақатгина тадқиқотчининг олдида турган маълум бир вазифани ҳал қилиш нуктаи назаридангина қаралмоғи зарурлигини тасдиқлайди. Мақсад объектни ифодалашнинг услуби ва шаклини, шунингдек умумлаштириш даражасининг танлаб олинишини белгилаб беради, булар асосида эса тизим ифодаланади [Шеннон К., 21 б.]. Бирок, тадқиқотнинг вазифалари билан аниқланувчи, мазкур ифодалашнинг мақсадли характерга эгаллигига қарамасдан, унинг мазмуни – тадқиқотчининг ихтиёрига кўра белгиланмайди (аниқланмайди), балки объектни мазкур тадқиқот мақсадлари учун қулай бўлган шаклда реал қурилишини акс эттиради.

Бошқарувнинг янги ахборот технологияларининг яратилишини олдиндан хабардор қилувчи, ўрганилаётган тизим таҳлилининг мақсадга мувофиқлиги ва чуқурлиги муаммоси тез-тез мунозара ва баҳсларга олиб келмоқда. Бунда иккита муҳим вазият акс этиши мумкин: – “ба-тафсил ва мукамал таҳлилсиз бошқарувнинг ахборот таъминланиши тизимида ўзгаришлар таклиф қилиш ва бошқарув фаолиятини автоматлаштиришга ўтилиш мумкин эмас”; иккинчиси, – “бошқарув тизимларининг фавқулодда сермашаққатли ва носамарадор таҳлилий тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд бошқарув тизимини фақатгина унинг ўзимиз хоҳлаган ҳолати тўғрисидаги умумий тасаввурларимиз ва унинг ишчилари тажрибаларидан фойдаланиш асосидагина қайта лойиҳалаштириш мумкин” [бошқарув тизимларини таъминлаш; 76 б.].

Автоматлаштириш тажрибалари кўрсатмоқдаки, бошқарув тизимига ўзгартиришларни унинг таҳлили асосидагина киритилиши зарур, бироқ бу шундай бўлиши зарурки, бунда унинг мақсади аниқ берилган бўлиши ва у бир нечта турли хил даражаларда итерацион шаклда бўлиб ўтиши зарур.

Тадқиқот объектнинг ифодаланишига нисбатан тизимли ёндашув асосида, энг аввало, таълим тизимининг замонавий индустриал жамиятдаги ўрни ва ролини, у бажарадиган функцияларнинг хусусиятларини қараб чиқиш зарур.

Жамиятнинг ижтимоий тузилмасини қайта ишлаб чиқиш (қайта тиклаш) таълим тизимининг асосий вазифаси сифати. Таълим тизими томонидан бажарилаётган жамиятдаги ижтимоий функцияларнинг ғоятда муҳимлигининг тан олиниши унинг аниқланиши ва ўрганилишига нисбатан социологик ва ижтимоий-психологик ёндашувнинг танланишини аниқ белгилаб берди. Танланган ёндашув унинг яна

ҳам кенгрок тизимдаги ўрнининг кўринишини, мақсадини, шунингдек ишлаш механизми тўғрисидаги асосий гипотезани юзага келтирди.

Замонавий жамиятда таълим тизими маданий ва ижтимоий ўзгаришларнинг энг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. XX асрнинг иккинчи ярмини маданий ва таълим инқилоби даври деб бежизга аташмайди, бунинг ягона сабаби ҳам шундаки, таълим тизими жамият ва жамоатчилик тараққиётининг асосий калит бўлувчи омили бўлиб колмокда [Комаров М.С.. 275 б.]. Таълимни ўрганишга нисбатан социологик ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, таълим бир катор ўзига хос (специфик) функцияларни бажарувчи жамиятнинг энг муҳим ижтимоий институтларидан бири сифатида қаралади, бу функциялар нафақат жамиятнинг қайта тикланишига, унинг ижтимоий барқарорлиги ва интеграциясига кўмаклашади, ва балки, шу билан бирга унинг ижтимоий ўзгариши ва ривожланишини ҳам таъминлайди.

Бошқа ижтимоий институтлар каби, таълим институти ҳам жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги ва интеграциясини таъминлашга қаратилган, унинг жамият нуктаи назаридан қаратувчи энг муҳим вазифаси жамият аъзоларини ижтимоийлаштириш, умумлаштириш (социаллаштириш) ва уларни ҳар хил ижтимоий (социал) ролларга тайёрлаш, жамиятда маълум бир ижтимоий ўринларни эгаллашга тайёрлашдан иборатдир.

Таълим тизимининг қуйидаги ижтимоий функциялари ажратиб кўрсатилади (белгиланади) [Комаров М.С. 277-279 б.]:

1) Жамиятда маданиятни синдириш ва оммавийлаштириш. Таълим институтининг воситаси сифатида ўта кенг маънодаги, яъни маданият кадриятларининг авлоддан авлодга узатилишининг юз бериши тушунилади (илмий билимлар, санъат соҳасидаги эришилган ютуқлар, маънавий кадриятлар ва меъёрлар, одоб-ахлоқ қоидалари ва ҳ.к.).

2) Ёшларни ижтимоийлаштириш ва уни социал тизимга интеграциялаш, бунинг авлодда мазкур жамиятдаги ҳукмронлик қилувчи дастурлар, тартиб ва йўл-йўриқлар, кадриятларга оид қарашлар, ҳаётий ғояларни шакллантириш воситасида амалга ошириш.

3) Қобилиятлироқ таълим олувчиларни ижтимоий танлаш замонавий таълим тизими томонидан ҳудди автомат тарзда амалга оширилади, негаки, таълим тизимининг ички микротузилмасининг ўзининг асосий вазифаси ҳам айнан ёшларни қобилияти ва таланти бўйича ҳам, уларнинг индивидуал қизиқишлари, имкониятлари, кадриятларга оид қарашларига кўра ҳам танлаб олиш ва дифференциаллаш.

4) Олий ва ўрта махсус таълим тизимининг иқтисодиёт, фан ва ма-

даният ўртасидаги чамбарчас алоқаси билан шартланган ижтимоий ва маданий ўзгаришлар функцияси.

2.1.3. Таълим тизими бошқарувининг ишлаш кўрсаткичлари ва тизимли фойдаланиши

Таълим жараёни натижаларини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг (ёки ҳисоботининг) мавжуд шакллари қуйидаги билан шартланган бўлиб, бу таълим олувчиларнинг ўзлаштириш ва ҳулқини баҳолашнинг қабул қилинган беш балли баҳолаш тизимининг мавжудлигидир. Ўзлаштириш ва ҳулқини баҳолаш вақт ўтган сари таълим олувчиларнинг ўқиганлиги ва билимларини баҳолаш сифатида тушиниладиган бўлиб қолди, бу эса мавжуд баҳолаш тизимини ноадекват тарзда фойдаланилишга олиб келди. Бугунги кунга келиб “ўзлаштириш” ва “ўқиганлик” тушунчаларининг аста-секинлик билан бўлиниши юз бермоқда.


Таълим минимуми стандартларининг қабул қилиниши ўқиганлик (ёки ўқиб ўрганганлик) даражасини ўлчаш инструментларини ишлаб чиқиш зарурлигини келтириб чиқарди, шунинг учун ҳозирги кунда Россиянинг турли ҳудудларида таълим олувчиларнинг билимлари, уқув ва кўникмаларини тестлашнинг турли хил тизимлари жадал суръатларда жорий этилмоқда. ўқиганликнинг объектив кўрсаткичлари ишлаб чиқилмоқда. Тестлаш натижаларининг кўпқиррали таҳлиллари эса математик статистика методларидан фаввал тарзда фойдаланишни талаб этувчи мураккаб вазифани ўзида намоён этмоқда. Тестлаш, тестлаш методикасини қўлланиш натижасида олинган маълумотларнинг статистик таҳлили натижаси бўйича бажарилган иш тажрибалари билан таълимиш дастлабки маълумотларни таҳлил қилишнинг математик-статистик жиҳатдан таъминланишини ва олинган тестлаш натижаларининг тақдим этилишини такомиллаштириш бўйича бажарилувчи ишларнинг долзарб эканлиги тўғрисида ҳам, таълим жараёнининг ҳолати ва самардорлигини аниқлаш учун фақатгина бу кўрсаткичларнинг ўзи етарли эмас эканлиги тўғрисида ҳам ҳулоса қилиш имкон бермоқда.

Таълим дейилганда “таълим олувчи давлат томонидан ўрнатилган таълим даражаларига эришганлигини қайд этилиши (тасдиқланиши) билан қайд этилувчи, инсон, жамият, давлат манфаатларини кўзловчи мақсадга йўналтирилган тарбия ва ўқув жараёни тушунилади” [Б.Ю.Ходиев таҳрири остида нашр қилинган Педагогик луғат-маълумотнома].

Таълим тизими куйидаги ўзаро (алока) таъсирлашувчилар йиғиндисини ўзида намоён этади:

- турли хил даража ва йўналишлардаги узвий таълим дастурлари ва давлат таълим стандартлари;
- уларни амалга оширувчи турли хил ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги, тип ва турдаги таълим муассасаларининг тармоклари;
- таълим бошқарув органлари ва уларнинг тасарруфидаги муассаса ва ташкилотлар.

Таълим тизими мақсадининг амалга оширилишида юқорида санаб ўтилган элементлари ўртасидаги ўзаро (алока) таъсирларини (ўзаро биргаликдаги ҳатти-ҳаракатларини) куйидаги схема ёрдамида тақдим этиш мумкин.



Расм 2.1. Таълим тизими асосий объектларининг ўзаро муносабатлари

Таълим тизимининг ишлаш натижавийлиги ва самарадорлик кўрсаткичлари доимо кўпроқ ташкилий-педагогик ёндашув доирасида аниқланиб келинган. Бироқ, унинг мақсадини аниқлашга нисбатан биз танлаб олган ёндашувга кўра “таълим тизими ижтимоий институт сифатида турли хил ижтимоий позициялар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни қайта тиклайди (йўлга солади), ... таълим тизими маҳсулоти маълум бир даражагача шакллантирилган жамиятнинг ижтимоий тузилмаси ҳисобланади” [Морено Дж.Л., 233 б.]. Бундан келиб чиқадики, таълим соҳасидаги бошқарувчилик фаолиятининг информацион асоси

нафакат ва факатгина ташкилий-педагогик, ва балки, энг аввало ижтимоий бўлиши зарур. Бу тасдиққа мазкур ишнинг биринчи бобида килинган таълим тизими ишлашининг натижавийлик кўрсаткичларини аниқлашда таълим жараёнлари субъектларининг ижтимоий ўзаро муносабатларини баҳолаш зарурлиги тўғрисидаги ҳулоса ҳам мос келади. Ижтимоий ўзаро муносабатларнинг боришида “муайян вазиятдаги маълум бир ахлокий, ҳулк-атвор коидалари тўплами ва маълум бир вазиятда ҳаракатланувчи индивидга ёки гуруҳга буюрилувчи ҳатти-ҳаракатларнинг типик намунаси, ахлокий, ҳулк-атвор эталони” каби *ижтимоий меъёр* (норма) шаклланади [Комаров М.С., 296 б.]. Таълим жараёни иштирокчиларини ижтимоий меъёрлаш уларнинг жамиятнинг ижтимоий тузилмасига социаллашуви ва интеграциясини таъминлайди. Шундай қилиб, таълим жараёнининг айнан ижтимоий тарзда ташкиллаштирилган ижтимоий ўзаро муносабатлари таълим тизимининг ўз максадларининг бажарилишини таъминлайди, ва бу унинг ишлашидаги натижавийликнинг баҳолалишида таълим жараёнининг бошқарилувчи объект сифатидаги ҳолатини етарлича тўлиқ характерлаб берувчи ижтимоий-психологик кўрсаткичларнинг киритилиши орқали ҳисобга олиниши зарур.

Таълим бошқаруви тизимининг тизимли ифозаланиши

Бошқарув муаммоларининг кейинги тадқиқ этилишида яна ҳам умумийроқ бўлган таълим тизимининг тизимостиси сифатида келувчи ҳудудий ва маҳаллий таълим тизимининг аниқланиб (таърифланиб) олиниши муҳимдир.

Таълимнинг ҳудудий тизимостиси (тизими) – бу республикамиз вилоятларидан бирининг ҳудудидаги таълим ёки бошқа бир институтлари томонидан амалга оширилувчи, ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган таълимий, инновацион ва бошқарувчиликни таъминловчи жараёнларнинг нисбатан бошқаларидан ажралиб турувчи йиғиндисидир.

Таълимнинг маҳаллий тизимости шакли – бу ҳудудий ажралиб турувчи ва нисбатан мустақил бўлган ҳудудий таълим тизимининг бир қисми бўлиб, институтлар таркибидаги айнан ўхшаш (аналогик) қисмлари ва институтлари билан бир-бири билан ўзаро боғлиқдир.

Иқтисодий, молиявий тизим объектлари каторидаги таълим тизимини ажратиб беради ва таълим тизими чегараларида ёйилиб ётган (жойлашган) таълим институтларининг *ичида* амалга оширилади. Илмий-услубий қўлланмада асосан таълим жараёни қаралади.

Таълим жараёни — бу ижтимоӣ-маданий таҷрибани узатиш ва ўзлаштириш, шунингдек уни бойитишга бўлган қобилиятни шакллантиришдир. Мазкур тушунча ўқув ёки педагогик жараёнга нисбатан анча кенг маъноли; таълим зинапоясининг кўтарилиб боровчи поғоналаридан (даражаларидан) ўтилиши билан у ёки бу тарзда туташ бўлган расмий ва норасмий таълимга тааллуқли бўлган реалликлар йиғиндисини акс эттиради. Узлуксиз таълим концепцияси инсонни унинг ҳаёт даврининг турли хил босқичларида кузатиб боровчи таълим муассасаларининг бир бутун тизими тўғрисида савол қўймоқда [Б.Ю.Ходиев таҳрири остида нашр қилинган пед. луғат-маълумотнома].

Таълим жараёни педагогик фаолият тизимини ўзида намоён этади, унинг натижаси эса, таълим олувчи ва тарбияланувчиларнинг, ва ниҳоят — таълим муассасаси битирувчиларининг билимидаги, қобилиятларидаги, муносабатларидаги, кадрият қарашларидаги, уларнинг жисмоний ҳолатларидаги ўзгаришлар билан белгиланади (аниқланади). Маҳаллий тизимдаги таълим жараёнлари қуйидагиларга бўлинади: мактабгача таълим, умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-хунари таълими; олий таълим; олий таълим муассасасидан кейинги таълим ва касбий маҳоратни такомиллаштириш; кўшимча таълим; кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касбий малакасини ошириш.

Таълим тизимининг асосий иш режимлари *иш юритиши*дан иборат бўлиб, унда ўзида мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш амалга оширилади, ва *ривожланиш*, унда мазкур имкониятларни ўстириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш юз беради. Ишлаш ва ривожланиш жараёнлари маълум маънода бир-бирига зид, ва уларнинг уйғунлашуви учун бошқарувнинг аралашуви зарур бўлади.

Таълим тизими доирасида амалга оширилувчи барча жараёнлар ўзаро мос (мувофик) келиши, бир вақтнинг ўзида ҳар бир жараённинг ички мувозанати ва мустаҳкамлиги, барқарорлиги таъминланган бўлиши зарур. Таълим тизими ўз мақсадини бажариши учун умумий мақсадларни, яъни уларни ягона бир бутунликка интеграцияловчи умумий мақсадларни ҳам, ва шунингдек алоҳида тизимостиларининг умумий мақсадга эришишга қўмаклашувчи хусусий мақсадларини ҳам илгари суриш зарур. Барча мазкур функцияларни *бошқарув* бажаради, у ташкиллаштирувчи тизимда асосий тизим пайдо қилувчи омил ролини ўйнайди. Бошқарув ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва қайта тақсимлашни кўзда тутаяди, ва турли хил инстанциялар доирасидаги институтланган ва тузилмавийлаштирилган (бошқарув институтлари) раҳбар ва мутахассисларнинг алоҳида, ўзига хос фаолиятлари туфайли

амалга оширилади.

Бошқарув тегишли даражадаги таълим тизимининг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Бу бошқарувнинг иерархик қурилиш шартини юзага келтиради. “Иерархия – бу табиатан турли хил бўлган мураккаб объектларни табиий бошқариш шакли бўлиб, умумий мақсадга эришиш учун мазкур объектларни ташкил қилувчи турли хил элементларнинг ҳамкорликда (биргаликда) ишлашини ташкиллаштириш имконини беради” [Акофф Р., Амери Ф., 12 б.]. Иерархик ташкилот – элементлари қарор (ечим) қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган, ўзаро боғлиқ тизимостиларидан ташкил топган, кўп қўғонали (кўп даражали) тузилмани ўзида намоён этади [Шеннон К., 43 б.]. Буни бошқарувни ахборот таъминлаш тизимларини лойиҳалаштиришда ҳисобга олиш зарур: бошқарув иерархиясининг ҳар бир босқичида (даражасида) бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнлари амалга оширилади, шунинг учун бошқарув субъекти томонидан тақдим этилувчи ахборот бошқарилаётган объектнинг ҳолатини ўзи ташкиллаштирилган босқичга (даражага) мос тарзда акс эттириши зарур.

Бошқарув жараёнлари, уларнинг объектлари тўғрисидаги ахборотлар, шарт-шароитлари ва натижалари – уларнинг ташкилий расмийлаштирилган амалга оширилувчи идора ва ходимлари билан биргаликда ҳар бир босқичда (даражада) тегишли *бошқарув тизимостиларини*, ҳудудий, маҳаллий тизимостиларини ва таълим муассасасининг ичидаги бошқарув тизимостиларини (ўзини-ўзи бошқариш тизимостиларини) ҳосил қилади. Ўзаро боғлиқ бўлган турли босқичли (даражали) бошқарув тизимостиларининг йиғиндиси ҳудудий таълим тизими доирасидаги умумий бошқарув тизимини ҳосил қилади.

Маҳаллий бошқарув тизими ҳудуддаги таълим бошқаруви тизимининг нисбатан бошқалардан ажралиб турувчи қисми бўлиб ҳисобланади. Ҳудудий ва маҳаллий бошқарув босқичлари (даражалари) ўртасидаги объектлар ва функцияларнинг ваколати ва масъулиятларини чегаралаш амалдаги қонунийлик асосида амалга оширилади ва ҳудудий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва икки томонлама шартномалар билан аниқланади (белгиланади). Таълим соҳасидаги республика ва ҳудудий босқичлардаги (даражадаги ёки миқёсдаги) қабул қилинувчи қарорлар маҳаллий таълим бошқарув тизимининг чегараланиши ҳисобланади. Шу қабил, соҳа таълим бошқаруви қарорлари бўйича ҳудудий компонентларни (маслан, экология, тил бўйича ўқув қўрсаткичлари) ўқув режасига киритиш маҳаллий таълим муассасалари тармоғининг барча таълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади.

Маҳаллий даражадан ҳудудий даражага бериладиган умумий жамлама ҳисоботлар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича тақдим этилади:

- таълим жараёнларининг ресурсли таъминланиши: педагогик кадрлар, моддий-техник база, молиявий таъминот, таълим муассасаларининг ўқув ва методий адабиётлар билан, лаборатория ва ахборот-компьютер техникаси ва ҳ.к. лар билан таъминланиши;

- таълим жараёнларини ташкиллаштириш: таълим муассасаларининг иш режимлари, таълим муассасасининг ичида ўқув жараёнини ташкиллаштиришдаги ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар (предметларни алоҳида синфларда чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш, ихтисослаштириш ва ҳ.к.), хорижий тилларни ўқитиш тўғрисидаги маълумотлар ва ҳ.к., таълим жараёнларининг натижэлари: таълим олувчиларнинг якуний аттестацияси, олимпиадалар тўғрисида маълумотлар, талабалик сафидан четлаштириш тўғрисидаги маълумотлар ва ҳ.к.; педагогик ва маъмурий ишчи-ходимлар аттестацияси натижэлари ва ҳ.к.

Таълим тизимининг иккита турли хил иш режимининг мавжудлиги туфайли – ишлаши ва ривожланиши – иккита нисбатан мустақил вазифалар гуруҳига бўлинади:

- **ишлашнинг вазифалари:** ишлашни бошқаришдаги умумий вазифа шундан иборатки, бу маҳаллий таълим тизимининг мавжуд ички имкониятларидан самарали тарзда фойдаланилишини таъминлашдир;

- **ривожланишнинг вазифаси:** ривожланишни бошқаришнинг умумий вазифаси маҳаллий таълим тизими имкониятларининг максимал юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ва маҳаллий таълимни сифат жиҳатдан янги даражаларга кўтариш учун улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Ривожланишни бошқаришнинг хусусий вазифалари – маҳаллий таълим тизимининг ичида таълим ва бошқа институтларнинг янгиликларга нисбатан сезгирлик ва берилувчанлигини оширувчи максимал қулай шарт-шароитни яратиш, шунингдек ҳудудий таълимни ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш, маҳаллий таълим тизимини ривожлантиришнинг хусусий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир. Мазкур ишда асосий эътибор маҳаллий таълим тизимидаги бошқарув объекти сифатида таълим жараёнларига жамланган, негаки таълим жараёнлари таълим тизимида асосийси ҳисобланади ва унинг ўзига хос хусусиятларини (спецификасини) беради. Шунинг учун объектнинг аниқ реал ҳолати бўйича бошқарувни таъминловчи ахборот технологиясини лойиҳалаштиришда, қайта

алока каналларида энг аввало, айнан таълим жараёнларининг ҳолати тўғрисидаги ахборот такдим этилган бўлиши зарур. Бироқ, бугунги кунда таъминловчи жараёнларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар асосий ўринни эгалламоқда.

Бошқарув объектини бошқарувнинг ахборот таъминланиш тизими-ни лойihalаштириш нуктаи назаридан ўзаро боғлиқ тизимостиларидан ташкил толувчи қандайдир тизим сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлиб, улар ҳам ўз навбатида, яна бошқа тизимости ва абстракциянинг энг қуйи даражаларигача бўлиниши мумкин [Hartley H.O., 133 б.].

Маҳаллий таълим тизимидаги (МТТ) таълим жараёнлари бошқарувининг таҳлили, яъни унинг ахборот таъминланиш тизимини яратиш мақсадида ўтказилган таҳлил маҳаллий бошқарув объектининг "Таълим тўғрисидаги" Қонун билан белгиланган асосий таълим турларига мос келувчи қуйидаги тизимостиларини белгилаб олишга имкон яратди.

Таълим тизими ўқитиш, ижтимоийлаштириш, ижтимоий селекция ва таълим олувчилар соғлиғини таъминлашдаги асосий функцияларни мувоффақиятли бажаришида зарурий шарт-шароитларни таъминлаш бўйича ишлар ва уларнинг назорати вазифасидан иборат бўлган бола-лик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимостиси ҳам белгилаб олинади. Мазкур тизимостидаги инспекторлик фаолияти васийликни расмийлашти-ришни, уй-жой айрбошлаш назоратини, нотинч оила муҳитини ҳисобга олиш ва ҳ.к. ларни кўзда тутати.

Мазкур тизимостиларини бошқариш ҳудудий ва республика даража-сида амалга оширилади.

Бошқарув ташкилий тузилмасининг муайян кўриниши (тури) бошқарилаётган тизим элементларининг таркиби билан, уларнинг иерархик тартиби, расмий қайд этилган ўзаро муносабатлар ва тенг ҳуқуқли бўйсунуш қондалари билан аниқланади.

Бошқарув тизимининг иерархик қурилиши барча турдаги мураккаб динамик тизимлар учун характерлидир. Ижтимоий-иктисодий тизим-лардаги элементларнинг ишлаш жараёнларининг мураккаблиги, бир-бирлари ва ташки муҳит билан ўзаро муносабатлар шакллариининг турли хиллиги, функциялар ихтисосликлари заҳирасининг ўта кўплиги, шунга олиб келадики, тизимнинг дастлабки (бирламчи) элементлари хусусият-ларига асосланувчи биринчи (дастлабки) ташкилот ва бошқарув усти-дан факатгина ўз ахлокий феъл-атвориға, ўзаро муносабат ва бошқарув шакллариғагина хос бўлган яна ҳам мураккаброк ташкилий тузилма иерархияси аста-секинлик билан қурилиб боради [Бошқарув тизимлари

таъминланиши:, 15 б.]

Таълимнинг маҳаллий бошқарув тизимининг ташкилий тузилмаси бир-бири билан субординация (бўйсунуш) муносабатлари ёки бошқарув функцияларини амалга оширишда мувофиқлаштириш (координация) муносабатларлари билан боғлиқ бўлган бошқарув институтлари йиғиндисини ўзида намоён этади.

Маҳаллий таълим тизимидаги узок муддатлар давомида шаклланиб келаётган мавжуд бошқарув амалиётининг ўзига хос хусусиятлари, мазкур тизимни ташкил этувчиларини ўраб турган ташки муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари олий таълим муассасалари бошқаруви функцияларининг кенг қўламли таъсирини ва ўз навбатида, раҳбарларнинг бошқарув қарорларини қабул қилишда етарлича юқори даражада мустақил бўла олиш заруратини талаб этади. Таълим муассасаси даражасидаги ташкилий бошқарув тузилмаси унинг типига боғлиқ бўлади.

Ташкилий бошқарув механизми – бу бошқарувнинг у ёки бу мураккаб функциясини самарали тарзда амалга оширилишини таъминловчи бошқарув институтлари, уларнинг бўлинмалари ва мансабдор шахслари томонидан маълум бир технология бўйича бажарилувчи, нисбатан бошқалардан фарқ қилувчи ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган бошқарув хатти-ҳаракатлар йиғиндисидир.

Бошқарувни амалга оширувчи бошқарув хатти-ҳаракатларини таҳлил этишда, бизнинг тадқиқотимиз вазифаси учун энг муҳими ахборотлар оқимини таҳлил этишдир, негаки, айнан ахборот бошқарув фаолиятининг дастлабки материали ва натижаси сифатида майдонга чиқади. Айтиб ўтилганидек, бошқарув аппарати ходимлари ўз вақтларининг 95% ни ахборот билан ишлашга сарфлашади.

Иерархик бошқарув тузилмасининг иш фаолияти уларнинг элементлари ўртасидаги вертикал ва горизонталлар бўйича ахборот алмашинув ҳисобига амалга оширилади. Пастдан юқорига қараб тизимнинг турли қисмлари ҳолати, атроф-муҳитнинг уларга нисбатан таъсир кўрсатиш характери тўғрисида ахборотлар келиб тушади. энг муҳим қарорларнинг мувофиқлашуви амалга оширилади. Юқоридан пастга қараб эса бошқарув ахборотлари боради: қуйи турувчи элементлар фаолиятининг шарт-шароитлари тўғрисида буйруқлар, кўрсатмалар, фаромойиш ва ахборотлар.

Юқори турувчи элемент яна ҳам юқори даражали элемент томонидан қўйилган мақсадларга эришиш учун ўзига бўйсунувчи қуйи турувчи элементлар фаолиятининг ўзаро муносабатлари, мувофиқлашуви ва назоратини ахборотлар алмашинуви ёрдамида ташкиллаштиради.

Куйи турувчи элемент ўзининг ҳолати ва қабул қилинган қарорларнинг оқибат-натижалари тўғрисида ахборот бериш йўли билан юқори турувчининг қарорларига таъсир кўрсатади. Юқори турувчи элемент қуйидан олинган ахборотлар асосида қуйи даражалар хатти-ҳаракатларини бутун ташкилотнинг мақсадларига мувофиқлаштирган ҳолда ўз қарорларига тузатишлар ва ўзгартиришлар киритади.

Иерархиянинг вертикали бўйича ўзаро ахборот алмашинув жараёни бошқарув тизимида тўғридан-тўғри ва қайтувчи алоқани ҳосил қилади. Таълим тизимининг ўзига ҳос хусусиятларидан бири иерархиянинг горизонтали бўйича унинг ҳолатлари, шарт-шароитлари, фаолият режалари ва бошқарувнинг юқори турувчи звеносининг аралашувисиз ҳал қилинувчи муаммолар тўғрисида ўзаро ахборотлар беришни кўзда тутувчи ахборот алмашинувнинг йўқлигидир (яъни бирор даража бўлинмалари ўртасидаги). Бу, таълим жараёнининг мавжуд услубда ташкиллаштирилиши билан боғлиқ бўлиб, унда таълим муассасаларининг фаолият маҳсулоти билан алмашинув асосидаги фаол ўзаро муносабатлар (хатти-ҳаракатлар) кўзда тутилмайди.

Бугунгикунда таълим тизимостилари фаолиятини лойиҳалаштиришда таълим муассасаларининг фаол тарздаги ахборот алмашинув ўзаро муносабатларини таъминлашга қаратилган маҳсулотли ёндашувни ривожлантириш ва ахборотли таъминлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг боришида касб-ҳунар коллежидаги ахборот оқимлари ўзига ҳос чуқур таҳлил қилинишга қаратилди, негаки улар асосида маҳаллий таълим тизимида айланувчи барча ҳисоботлар тизими шакллантирилади. Ўтказилган таҳлиллار кўрсатдики, таълим муассасасида ўзининг амалда тутган ўринлари бўйича ўзаро кесишувчи, бироқ, шунга қарамай, турли хилдаги иккита ахборотлар оқими тизимостилари мавжуд бўлмоқда.

Ўқув жараёнини бошқариш билан боғлиқ, иккинчиси эса тарбиявий иш жараёнини бошқариш билан боғлиқ. Бу аниқ далиллар таълим жараёни воситасида таълим олувчиларнинг маданияти ва социал селекциясини намоён этиш функциялари ва социаллаштириш (социализация – умумлаштириш, ёки умумий мулкка айлантириш) функциясини бажарувчи таълим тизимининг социологик концептуал модели билан яхши келишади.

Таълим тизимида айланувчи деярли барча ахборотлар, бугунги кунда кўп қисми асосан коғоз ташувчиларда мавжуд. Бошқарув субъектларига улар ҳар хил нукталардан, тизимнинг турли даражаларидан ва турли вақтларда қелиб тушади. Уларнинг тақдим этилиш шакллари эса

бошқарув объекти ҳақидаги унинг фаолиятидаги турли жиҳатлар, томонлари ва қирралари бўйича кўп маълумотларни таққослаш имкониятини чегаралаб қўяди. Бунга яна шу вазият ҳам тўсқинлик қиладики, турли мутахассисларга турли жиҳатлар (аспектлар) тўғрисидаги ахборотлар тақдим этилади. Оқибат-натижада бошқарув объектининг жорий ҳолати тўғрисидаги бир бутун ахборотга ҳеч қим, ҳаттоки биринчи шаслар ҳам эга бўлмай чиқади. Шунинг учун бошқарувчилик ўзаро муносабатлар тизимини ишлаб чиқишнинг боришида мазмундор ва катта ҳажмдаги аналитик фаолият олиб бориш деярли мумкин эмас.

Таълим тизими бошқарувининг барча даражаларида айланувчи ахборотлар мазмунининг таҳлили кўрсатмокдаки, ахборот кўпроқ ташкилий-педагогик ҳисобланади ва бошқарилаётган объектнинг муҳим ижтимоий-психологик характеристикаларини акс эттира олмайди.

2.1.4. Таълим тизимидаги бошқарилаётган объектлар ҳолатининг ижтимоий-психологик кўрсаткичлари

Ахборотлар оқимида таълим тизимида ўз мақсадини бажариш аспектидаги муҳим жараёнларни акс эттирувчи социологик ва ижтимоий-психологик маълумотларнинг йўқлиги умуман таълим тизимининг носамарали бошқарилуви ва ишлашига олиб келади.

Бизнинг тасаввуримизда, ҳолат кўрсаткичлари тизими, масалан, шаҳар таълим муҳити бўйича, учта блокдан ташкил топиши зарур:

I. Ташкилий-педагогик кўрсаткичлар.

1. Материалнинг ўзлаштирилишни тематик (блокли) назорат қилиш технологияси ва якуний тестлаш бўйича таълим олувчиларнинг билимлари, ўқув ва кўникмалари (БУК) даражасини баҳолаш (тестлаш) натижалари.

2. Умумтаълим муассасалари тармоғида таълим хизматларини тақсимлаш (турли синфларда таълим жараёнини ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар бўйича).

3. Таълим муҳитининг ҳолати ва таркиби (ўқув режалари ва дастурларидан олинган маълумотлар бўйича).

II. Ижтимоий-демографик кўрсаткичлар.

1. Ўқувчилик контингентининг ижтимоий-демографик маълумотлари.

2. Педагогик контингентнинг ижтимоий-демографик маълумотлари.

III. Ижтимоий-психологик кўрсаткичлар.

1. Таълим жараёнининг боришида турли ижтимоий позициялар ўртасидаги ижтимоий ўзаро муносабатлар ҳолатининг кўрсаткичлари.

2. Педагогик жамоадаги психологик иқлим ҳолатининг кўрсаткичлари.

Бизнинг ҳолатимизда кўрсаткичларнинг учинчи блоки бўйича ахборотлар олишига йўналтирилган методлар қаралади.

Таълим тизимида ижтимоий ташкиллаштириш (тузилма) модели учта асосий ижтимоий позициялар: раҳбарлар ва таълимни ташкиллаштирувчилар, педагоглар ва таълим олувчилардан ташкил толувчилар каби берилиши мумкин. Таълим тизимида марказий ўринни педагог-ўқитувчи позицияси эгаллайди. Таълим олувчилар эришган билимларни ўқитувчилар томонидан баҳоланиши таълим олувчилар гуруҳидаги “ижтимоий катлам” нинг ўзига хос меъёрий шкаласи бўлиб ҳисобланади. Унинг воситасида барча таълим олувчилар маълум бир гуруҳостиларига (гуруҳчаларга) тизилади: аълочилар, яхшилар, ўзлаштирувчилар ва ўзлаштиролмайдиганлар [Комаров М.С.]. Шундай қилиб, ўзлаштрувчанликни баҳолаш – бу айнан ўша катлам механизмидир, у таълим тизимининг таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини ташкиллаштиришнинг айнан туб моҳиятига киритилган. Бу таълим олувчилар ва педагогларнинг таълим жараёни субъектлари сифатидаги ўзаро муносабатларининг ўзига хос муҳим аҳамиятга эга эканлигини келтириб чиқаради.

Ижтимоий позицияларнинг жуфтли бирикмалари таълим тизимида олти турдаги асосий ижтимоий ўзаро муносабатларни (интеракцияларни) белгилаб беради: ўқувчи-ўқувчи; ўқувчи-педагог; ўқувчи-раҳбар; педагог-педагог; педагог-раҳбар; раҳбар-раҳбар. Тўғри чизикли тарзда бўлиши учун (ва шунинг учун ҳам бевосита ўлчамга олинувчилар) юқорида санаб ўтилган олтитадан учта турдаги интеракцияни белгилаб олишимиз зарур: ўқувчи-ўқувчи, ўқувчи-педагог, педагог-раҳбар.

Уларнинг диагностика воситасини яратишда иккита ёндашувдан фойдаланилади:

- ўзаро муносабат асосини акс эттирувчи асосий социометрик критерия бўйича диад (жуфтликлаги) ўзаро муносабатларга эга бўлиш ва қарши (встречная оценка) (муқобил) баҳолашларни қиёслаш; бу ёндашувдан фойдаланиб “Социометрия: мониторинг” ва “П-метрия: мониторинг” методлари яратилди (қуйида методлар ифодаланиши келтирилган);

- гуруҳ аъзоларига кўрсатилган (тақдим этилган) кўрсаткичлар

катори бўйича бир субъектнинг гуруҳ билан ўзаро муносабатининг кўп киррали (ҳар томонлама) аналитик баҳоланишига эга бўлиш ва шунинг натижасида, субъектнинг гуруҳга нисбатан индивидуал фаолият моделини аниқлаб олиш; бу ёндашувдан фойдаланиб “Бошқарув фаолиятини таҳлил қилиш” методи яратилди.

Икки ёндашувнинг борлиги икки шаклдаги субъектлар аро муносабатнинг мавжудлиги билан шартланган – диадли ва гуруҳли, булар ўз навбатида ахборот алоқаларни амалга оширишнинг иккита асосий шакллариға мос келади: “биттага-битта” ва “битта-кўпчилиққа”.

Ажратиб олинган уч турдаги ижтимоий ўзаро муносабатларға уларни ўрганиш бўйича иккита ёндашувни қўллаш таълим муассасаси жамоасининг ижтимоий-психологик ҳолатини диагностика қилишнинг олтиға усулини беради:





ўқувчилар-ўқувчилар – синфдаги ўқувчиларнинг диад ўзаро муносабатларининг муқобил баҳолашларини қиёслаш; ҳар бир ўқувчининг синф билан ўзаро муносабатини таҳлил қилиш;

ўқувчилар-педагоглар – ўқув предмети билан воситаланган ўқувчилар ва педагогларнинг диад ўзаро муносабатларининг муқобил баҳолашларини қиёслаш; ҳар бир педагогнинг ўзи дарс бераётган синфлар билан ўзаро муносабатларини таҳлил этиш;

педагоглар-раҳбарлар – таълим муассасасидаги ўқув жараёни билан воситаланган раҳбарлар ва педагогларнинг диад ўзаро муносабатларининг муқобил баҳолашларини қиёслаш; ҳар бир раҳбарнинг умуман педагогик жамоа билан ўзаро муносабатларини таҳлил этиш.

Юқорида санаб ўтилган вариантлар ва уларға мос келувчи ишлаб чиқилган диагностика воситаларининг нисбатлари 1-жадвал ёрдамида мазмунан намоён (ёки такдим) этиган бўлиши мумкин.

Ижтимоий-педагогик мониторингини (ИПМ) таъминлаш учун таълим жараёни асосий иштирокчиларининг ижтимоий ўзаро муносабатларини диагностика қилиш воситалари мажмуаси (комплекс)

Интеракциялар: субъект-субъект Метод: социометрия Таълим олувчи-Таълим олувчи «ГО-метрия»  Ишлаб чиқилган метод – Социометрия: мониторинг <i>S: журнал+ўқувчиларни анкеталаш</i>	Интеракции: субъект-группа Метод: гуруҳли баҳолаш Таълим олувчи-гуруҳ «Ў-таҳлил» Мазкур ахборот мавжуд ўқитиш услубида долзарб эмас <i>S: ўқувчиларни анкеталаштириш</i>
Педагог-ўқувчи «П-метрия»  Ишлаб чиқилган метод – «П-метрия: мониторинг» <i>S: журнал+ўқувчиларни анкеталаш</i>	**Педагог-синф «П – таҳлил»  <i>S: ўқувчиларни тестлаш</i>
*Раҳбар-педагог «Р-метрия»  <i>:тарификация+педагогларни анкеталаштириш</i>	Раҳбар – Педагоглар «Р – таҳлил»  Ишлаб чиқилган метод – «Бошқарувчилик фаолияти таҳлили» <i>S: педагогларни анкеталаштириш</i> <i>S(Source)–ахборот манбаи</i>

Жалвалда юлдузча билан белгиланган вариантларга тўхталиб ўтамыз.

* **Раҳбар-Педагог.** Жамоатчилик ишлаб чиқаришларининг барча

тармокларида меҳнатни кучайтиришни моддий рағбатлантириш тамойили инсон меҳнатининг кучайтирилишини асослаш воситалари ичида асосий ўринни эгаллаган бир пайтда – таълимда – энг кадр-қимматга эга бўлган жамоатчилик маҳсулоти, яъни – жамоатчилик муносабатлари тизими ишлаб чиқиладиган таълимда эса ҳар қайси меҳнат ташкилотининг ушбу марказий масаласи ханузгача ўз ечимини топмаган.

Таълимдаги шатат-маош тизими азалдан шундай тузилганки, лавозим, расмий тасдиқланган малака, муассасанинг тоифаси ва тегишли лавозими, касбий фаолият стажи, барчаси маошнинг миқдорини тўлиқ белгилаб келган. Қўшимча устама ҳақ эса иш ҳажмининг ошиши ва мажбурият доирасининг кенгайиши (дафтар текшириш, хона мудирлиги, синф раҳбарлик, таълим муассасаси бўйича навбатчилик ва ҳ.к.) муносабати билангина тўлаб келинган. Мазкур тизим бугунги кунга қадар деярли ўзгаришсиз сақланиб келинмоқда. Таълим тизимидаги асосий лавозимлар учун ўрнатилган маошлар “вилка” тизими қўшилган (тарифли-лавозим маълумотномаси). Бугунги кунда педагогнинг меҳнатига ҳақ тўлаш кўпроқ даражада иккита омилга боғлиқ бўлади: эгалланган (ёки берилган) разрядга мос, тариф бўйича белгиланган маошга, ва ўқув соатларининг (юкломанинг) миқдорига. Таълим тизимининг муайян ишчисининг (ходимнинг) разрядини ким ва қайси критериялар бўйича белгилаши тўғрисидаги масалани ҳал қилиш (ечиш) учун баъзи бир ҳудудларда таълим тизимининг педагогик ва маъмурий кадрларини малака ошириш институтлари орқали аттестациядан ўтказиш тизими киритилди.

Аттестация тизими моҳиятан разрядлар “вилкасини” ифода этувчи, меҳнатга ҳақ тўлаш категорияларини белгиловчи (аниқловчи) восита сифатида у ҳам камчиликлардан мустасно эмас. Биринчидан, аттестация қилишда, энг аввало, ўзгармас (бир хил) миқдорий ифодаланиш ва ҳужжатли (расмий) тасдиққа ётувчи кўрсаткичлар ҳисобга олинади, бу эса лавозимдаги ва илгариги олинган (эгалланган ёки берилган) тоифалардаги (ёки категориялардаги) стаж кўрсаткичлари аҳамиятининг кучайтириб, ошириб юборилишида ўз ифодасини топади. Иккинчидан, юқорироқ тоифаларни (категорияларни) эгаллаш ҳам шу категория бериладиган (ёки берилган) ходимнинг педагогик меҳнатининг сифатига тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган қатор омилларга ҳам боғлиқ бўлади (педагогнинг шахсий сифатларига оид хусусиятларига ва унинг раҳбарият билан муносабатларига; ўзининг ижодий ишлар матнини туза олиш, расмийлаштира олиш ва аттестация комиссиясига тақдим эта олишига ва ҳ.к.).

Бирок, ўта аҳамиятсиз (ёки сезиларсиз) даражада натижага ориентирланган мавжуд аттестация тизимида ҳам эгалланган тоифалар (категориялар) чегарасида разрядлар интервали мавжуд бўлиб, у раҳбар учун муайян ишчининг (ходимнинг) маош миқдорини ўзгартириш имконини беради. Иш ҳақининг миқдори тўғридан-тўғри ўқув машғулоти соати ҳажмига ҳам ва ўқитиш (дарс бериш) қайси звено синфларида (бошланғич, ўрта ёки катта синфларда) олиб борилишига ҳам боғлиқ бўлади. Раҳбар доимо энг самарадор меҳнатга эга деб ҳисобловчи ўқитувчига имкони борица кўпроқ ўқув соатларини беришга манфаатдор бўлади. Шунингдек у айнан шу ўқитувчини кўпинча катта синфларни ўқитишга, яъни кўпроқ касб маҳоратини талаб этувчи ва юқориқ, кўпроқ ҳақ тўланувчи синфларга қўйишга ҳам манфаатдор бўлади. Шунингдек бирор бир қўшимча иш ёки мажбуриятларни бажарганлик учун раҳбарнинг ихтиёрига кўра миқдори бўйича турли хилдаги қўшимча ҳақ тайинлаш имконияти ҳам мавжуд. Охириги беш йиллар давомида таълим муассасалари ўқитувчиларига қўшимча мукофот пули тўлаш имконияти деярли бўлмапти, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш имкониятининг мана шу манбайини назардан қолдириш мумкин эмас.

Мазкур унчалик катта бўлмаган том маънодаги “тўсинни” педагоглар меҳнатига ҳақ тўлашда фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш режалаштирилмоқда, бу албатта унинг натижасига йўналтирилади ва бу раҳбар ва педагогнинг тутган ўринлари учун қарши баҳолашларни таққослаш усули билан ахборот ва маълумотларга эга бўлиш методини яратиш учун амалга оширилмоқда.

**** Педагог-таълим олувчилар гуруҳи.** Ўзаро муносабатнинг бундай муҳимроқ кўриниши тўғрисидаги ахборот ва маълумотлар олиш методини яратишда ишлаб чиқувчилар қатор жиддий қийинчиликлар билан тўкнаш келдилар. Биринчидан, фаолият таҳлили ҳар бир педагог учун ўтказилган бўлиши зарур, демакки, ҳар бир ўқувчига, у қанча ўқув предметини ўрганаётган (ўқиётган) бўлса шунча анкета бериш зарур. Бошқарувчилик фаолиятини таҳлил этишда бундай турдаги битта анкетани тўлдиришга педагог учун ўртача 10-15 дақиқа талаб этилади (“Бошқарувчилик фаолиятини таҳлил этиш” методининг ифодаланишига қараган). Таълим олувчиларга барча педагогларга бундай анкетани тўлдириш учун икки соатдан кўпроқ вақт талаб этилади. Биргина қабулда бундай анкеталаштиришни ўтказишнинг иложи йўқ. Буни босқичларга ажратиб чиқиш – ташкилий нуқтаи назаридан қараганда ўта мураккаб, ва, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқув жараёнининг сезиларли даражада бузилишига олиб келади. Шунинг учун бундай анкеталашти-

риш таълим муассасаларидаги таълим муҳитининг ҳолатини амалий мақсадлар учун мониторинг қилинишида фойдаланилиши мумкин эмас.

Иккинчидан, ахборот чиқариб олишнинг бундай усулини қўллаш пастки томондан респондентлар ёши билан чегараланган: катта ёшлилар билан – педагог билан ўзаро муносабатнинг баҳоланишига ўхшаш (адекват) бўлади (ҳаттоки анкеталаштиришнинг аноним кўринишида ҳам ва берилаётган саволлар ёшга оид хусусиятларга адаптацияланган бўлса ҳам).

Шунингдек бир қатор психологик сабаблар ҳам мавжудки, улар бўйича ахборотлар олишнинг бундай усулини қўллаш мониторинг режимида мақсадга мувофиқ эмас. Бироқ, “Педагог-Таълим олувчилар”нинг ўзаро муносабатлари ҳолатини ифодалаб берувчи кўрсаткичларнинг соинини, ахборотларнинг йўқотилишига имкон қадар йўл қўймаган ҳолда – максимал даражада камайтириш мақсадида биз томонимиздан бу йўналишда таълим муассасалари қаторида тажриба-синов тадқиқотлари ўтказилди. Олинган натижалар фикр ва мулоҳазалар юритишни талаб этмокда, лекин дастлабки таҳлил шуни кўрсатмокдаки, мазкур методни педагог фаолиятини бир маротабалик мақсадли тадқиқ этишларда қўллаш истиқболли эканлигини кўрсатмокда (масалан, аттестацияларда; касбий фаолиятга тааллуқли бўлган можаролар юзага келганда; бошқа звенога ўтказиш (ёки алмаштириш) тўғрисидаги масалаларни ҳал қилишда ва ҳ.к.).

Бугунги кунда мониторинг режимида бавосита (ёки билвосита) П-таҳлил ўтказиш имконини берувчи метод сифатида биз ўқувчиларнинг билими, ўқув ва кўникмаларини (БУК ларини) блокли назорат қилиш технологиясини танлаб олдик. Мазкур технология давлат таълим минимумларининг киритилиши муносабати билан ҳамма жойларда таълим жараёнига жорий этилмокда, шунинг учун ўзаро муносабатларни тестлаш натижаларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ этиш ўқув жараёнининг бузилишига олиб келмайди. Биз томонимиздан тестлаш натижаларини киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш дастурий таъминоти яратилди, бошқарув ахборот таъминотининг автоматлашган тизимига ўрнатилди, ва шундай қилиб, тестлашнинг боришида, шунингдек биз томонимиздан ишлаб чиқилган методлардан фойдаланган ҳолда олинган маълумотларни таққослаш ва таҳлил қилиш имкониятига эга бўлинди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган ва жалб қилинган методлар мажмуаси таълим тизимида муҳим ижтимоий ўринларни эгалловчи, таълим жараёни субъектларининг ўзаро муносабатларидаги асосий кўриниш ва турларини ўрганишнинг принципиал имкониятини таъминлаб берди.

Таълим мухитини қайта лойихалаштириш бўйича бошқарувчилик фаолиятининг қўллаб-қувватланишини таъминлаш учун унинг ҳолати тўғрисидаги ахборот мониторингли режимда чиқариб олинishi зарур, шунинг учун диагностика методларини математик ва дастурий таъминланишини ишлаб чиқишда биринчи навбатда айнан мана шу талаб ҳисобга олинган. Бу нарса дастлабки маълумотларни чиқариб олиш ва киритилишини ташкиллаштириш тадбир ва тартибларига, маълумотлар базасининг тузилмасига, ахборотларни қайта ишлаш ва тақдим этиш, мониторинг натижаларининг таҳлиллари бўйича бошқарувчилар билан ишлашни ташкиллаштириш хусусиятларига, барчасига барабар дахлдор бўлди.

2.2. Ижтимоий-педагогик мониторинг ўтказишда ташкилий ва инфор­мацион асоси

Таълим жараёнинг ташкилотчилари ва педагоглари ҳамда раҳбарлари ўзаро ҳаракатининг тизими ва характери­ни ўрганиш методи қуйидагиларга йўналтирилган: олий ўқув юртларининг таълим жараёнида раҳбарларнинг фаолиятини баъзи бир аспектларини баҳолаш объектив ва субъектив характерга эга.

Раҳбарият ўзининг фаолиятини унинг раҳбари баҳолаш сифатида қарайди. Жараёни такомиллаштириш учун ўзининг ходимларига тескари каналлар ёрдамида раҳбарга вазиятни етказишга имкон бериш керак.

Натижа сифатида шуни қайд қилиш керакки, олий таълим муассасасининг раҳбарияти ҳар бир фаолияти субъектини шахсий бошқариш модели билан билан аникланади. Чунки таълим жараёнида олий таълим муассасаси раҳбарияти ва педагогик жамоанинг ўзаро алоқасида тизим ва фаолиятнинг хусусиятлари намоиш бўлади.

Олий ўқув юрти раҳбариятининг бошқарув фаолиятини баҳолаш катта аҳамиятга эгадир. Бунинг учун қуйидаги ҳужжатлар жумладан, олий таълим муассасасининг ректори, ўқув ишлари проректори ва маънавият маърифат бўйича проректори учун ишлаб чиқилган услубий ишланмалар уларнинг фаолиятини баҳолаш учун фойдаланилади.

Олий ўқув юртининг барча раҳбарларига уларни ишини баҳолаш учун таъхис карталар ишлаб чиқилиши лозим. Бошқарув фаолиятининг математик моделини тузиш учун турли таҳлил қўринишдаги ва дастурий мажмуаси яратилиши керак.. Уни “Бошқарув фаолиятининг

тахлили” деб аталади ва қикача (Дм “БФТ”) деб белгиланади.

Дм “БФТ” нинг созлаш алгоритмининг кўриб чиқайлик:

1) Бир вақтда педагогик жамоа билан олий таълим муассасаларининг тармоғи ёрдамида сўровнома ўтказиш;

2) ахборотни Дм “БФТ” базасига киритиш;

3) Дм “БФТ” ёрдамида дастлабки математик ишлов бериш;

4) ҳар бир бошқарув ўрни учун бошқариш умумий кўрсаткичларнинг ҳисоблаш ва уларни Дм “БФТ” базасига киритиш ва шахсий профилларни киёслаш учун фойдаланиш;

5) ҳар бир бошқарув ўрни учун корреляцион ва факториал матрицани ҳисоблаш;

6) олинган материалларни таҳлил қилиш учун бошқарув аппаратурининг мутахассисларига мазмуний интерпретация учун бериш ;

7) факториал матрица ва уларнинг номлари Дм “БФТ” базасига киритиш ёрдамида интеграл кўрсаткичларни мос фазога ўтишини таъминлаш ;

8) Интеграллашган кўрсаткичларни кичик ўлчовдаги фазода бошқариш фаолиятнинг барча шахсий моделларини олиш.

1. Педагогик жамоа билан сўровнома ўтказиш

Олий ўқув юртлиари раҳбариятининг лавозим вазибалари “Раҳбар-педагог” ўзаро муносабатини уҳта саволнома орқали бир вақтда ўрганилади (“ташҳис картаси”). Ҳамма жамоани саволнома ёрдамида ўрганиш учун, унинг мураккаблигига қараб 45 минутдан 3 соатгача ўтказилади.

Сўровнома ўтказиш учун психологнинг бошқа таълим муассасасидан таклиф қилинади.

Олий таълим муассасасининг раҳбарияти саволнома ўтказилаётган бинода бўлмаслиги лозим.

Олинган натижаларни оператив равишда ишлов бериш ва қоғозни тежаш мақсадида сўровнома анкетаси учун жавоблар бланкасини аввалдан тайёрлаб қўйиш керак.

Олинган жавоблар бланкаси конвертга солиниб муҳрланиб мониторинг группасига топширилади. Улар эса маълумотларни махсус базага киритадилар.

2. Берилганларни Дм “БФТ” га киритиш ва саклаш

Сўровномадан олинган маълумотларни Дм “БФТ” текст кўринишида қуйидаги файлга (ASCII) исталган текст редакторида киритилади. Кири-

тиш шакли куйидагича:

Ўтказиш санаси _____

Худуд номи _____

Таълим муассасаси коди _____

Фамилия, исми, шарифи _____

Жавоб вариантнинг тартиб раками _____

Масалан:

21.10.2102 худуд 001 Директор ФИШ 3121123 ва б.

Дм “БФТ” воситасида текст файлдан маълумотлар базасига киритилади.

Маълумотлар ҳар бир респондент учун матрица шаклида сакланади:

$C_{1,1}$ $C_{1,2}$ $C_{1,m}$

$C_{2,1}$ $C_{2,2}$ $C_{2,m}$

$C_{3,1}$ $C_{3,2}$ $C_{3,m}$

.....

$C_{k,1}$ $C_{k,2}$ $C_{k,m}$

Бунда $cg - i$ - респондентни параметри;

m – модель параметрларини сони; k – респондентлар сони.

Текст ахборотини берилган базага бир вақтда киритиш билан автоматик равишда навбатдаги ёзув маълумотлар базасида сакланиб, матрицани барча вариантлари учун ҳар бир модель параметрини кийматлари сакланади.

Шу базанинг ҳар бир ёзуви куйидаги матрицани ўз ичига олади:

$a_{1,1}$ $a_{1,2}$ $a_{1,n1}$

$a_{2,1}$ $a_{2,2}$ $a_{2,n2}$

$a_{3,1}$ $a_{3,2}$ $a_{3,n3}$

.....

$a_{m,1}$ $a_{m,2}$ $a_{m,nm}$

Бунда: a_{ij} - i - параметрнинг j - вариантнинг танланган киймати; $i=1..m$ – параметрнинг тартиб раками; $j=1..r_{ij}$ – баҳолаш вариантнинг тартиб раками i - параметри; m – социометрик моделнинг параметри;

ni - i- параметрнинг қийматларини танлаш вариантнинг сони.

3. Берилганларни Дм “БФТ” ёрдамида математик ишлов бериш

Сўровномаларни тузиш жараёнида кўрсаткичларни микдорий баҳолаш кўзда тутилади.

Хар бир анкета саволига балл берилган бўлиб у сўровнома вариантга мос.

Вариантлар сони баҳолаш турли бўлганлиги учун, параметрларнинг балли қийматини ягона масштабга келтириш лозим.

Параметрларни қийматларини процент кўринишида ифодалаш учун қуйидаги махсус формуладан фойдаланилди:

$$R_{ij} = 100 \times S_j - \max_j$$

Бу ерда: K_{ij} - j- параметрнинг олган баҳолар сони; S_j - j- параметрнинг баҳолаш балларини йиғиндиси; $\max_j$ - j- параметрнинг баҳолаш балларининг йиғиндисининг максимуми.

Мутахассислар билан маслахатлашиб бошқарув фаолиятни тахлилини кўрсатувчи гистаграмма учун [-2:2] интервали танланди. Бу интервал микдорларни ҳисоблашда ва математикада ишлатилади.

ХУЛОСА

Ахборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш, ҳар қандай кўринишдаги инсон фаолиятининг муҳим бўлаги ҳисобланган бошқарув жамият тизимларини оптимал ҳаракатланиши ва ривожланишини таъминлашда муҳим вазифани бажаради. Бошқарувда ахборот тўплаш технологияси уни амалга ошириш ва технологиясидан тубдан фарқ қилади. Бу борада маълумотлар ҳаракатланишидаги тезкорлик, ахборот оқимларининг юқоридан пастга, пастдан юқorigа ва х.к. кўринишда ҳааракатланиш индикаторларини белгилаб олинishi муҳимдир.

Жамият ҳаётини ахборотлаштиришнинг ҳозирги кунда бекиёс ўсиши шароитларида бошқарув жараёнидаги ахборот тўплаш кўп жиҳатдан ҳажмининг жуда катталиги, тезкорликка қараб такомиллашиб боровчи ахборот оқимлари, электрон воситалар ёрдамида ахборот тўплаш методологияси ва х.к. янги сифат ва сон индикаторларига эга бўлади.

Жамият тизимлари бошқарувида ахборот тўплаш мустақил жараён эмас, балки бошқарув жараёнида бошдан охиригача иштирок этувчи таркибий бўлак ҳисобланади.

Бир - бирига ўхшаш ходисаларни бошқариш мазкур ходисаларни доимий равишда кузатишни талаб қилади. Кутилмаган хатоларга йўл қўймаслик учун ташхисий тадқиқотларни олиб бориш, ходисалар орасидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш бошқарув жараёни учун ўта муҳим бўлган назарий – амалий асосини белгилашга ёрдам беради.

Хар қандай мониторинг бошқарув мақсадларига хизмат қилмайди, аммо жараён бошқарув хусусиятига эга бўлса, мониторинг энг муҳим, энг самарали восита сифатида унга хизмат қилади ва самарасини таъминлайди.

Жамият ҳаётида мониторинг объекти сифатида турли соҳаларга оид тизимлар юзага чиқади, шу сабабли ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа турдаги мониторингларни белгилаш мумкин. Шу маънода узлуксиз таълим тизимидаги ислохотларнинг мониторингини ижтимоий соҳадаги тадқиқотлардан иборатлиги ва уларни омма онгига таъсир қилишини мисол келтириш мумкин. Шу билан бирга тўпланаётган ахборотни қабул қилишдаги услубларга қараб мониторинг турлари белгиланади. Масалан, ижтимоий сўровга асосланган мониторинг ижтимоий мониторинг сифатида тавсифланиши ўринли.

Бошқарув фаолиятининг мониторинги бу борадаги энг муҳим тадқиқот объектидир. Ижтимоий мониторинг натижалари эса узлуксиз таълим тизимини бошқаришда муҳим ахборот таъминотини амалга оширади.

Агар мониторинг маълумотларидан факат жамият жараёнларини ўсиш динамикасини акс эттирувчи кўрсаткичлар сифатида фойдаланилмаса, натижаларни таълил қилишда бошқариш жараёни учун маълумотлар таҳлилини амалга ошириш мақсадида яратилган алгоритмлашган жадваллардан фойдаланган маъқул. Бу эса анъанавий таққорланишлар асосида қайси бошқарув турларидан оптималлаштириш мақсадида фойдаланиш мумкинлигини белгилаш имконини беради.

Тавсия қилинаётган адабиётлар

1. Агабабян Э.М. Экономические основы воспроизводства нематериальных благ при социализме. - М.: Наука, 1983, - 272с.
2. Акофф Р., Амери Ф. О целеустремленных системах. - М.: Сов. радио, 1974, -271с.
3. Алдохин И.П., Кулиш С.А. Экономическая кибернетика. - Харьков: Вища школа. Изд-во при Харьк. ун-те, 1983, - 222с.
4. Беспалько В. Мониторинг качества обучения - средство управления образованием. /Мир образования N2, 1996. - с.31-36.
5. Бируни. Минералогия. Т.: 1968
6. Винер Н. Кибернетика и общество. - М.: Изд.иностр.лит., 1958, - 200с.
7. Влейминк И. Интерфейс «человек-компьютер»: Пер. с англ — М.: Мир, 2000
8. Войшвилло Е. К. Логика. М., - 2001
9. Громыко Ю.В., Дмитриев Д. Б. Управление в образовании как программирование развития образования. Проблемы развития управленческого мышления: Коллективная монография. - М., 1992, - 215с.
10. Дайитбергов Д. М. Экономико-математические методы и прикладные модели. М., ЮНИТИ, 1999
11. Доклад о развитии человека, 2005 г
12. Закон «Об образовании. - Т.: «Шарк», 1997.
13. Захидов В. Ю.. Мир идей и образов Алишера Навои, Ташкент, 1961.
14. Зенкин А.А. Когнитивная компьютерная графика / Под ред. Д.А. Пospelова. М.: Наука, Гл.ред.физ.-мат. лит., 1991 -192 с.
15. Иноятлов У.И. Теоретические и организационно-методические основы управления и контроля качества образования в профессиональном колледже. Дисс. докт. пед. наук. Т.: 2004, 578 с.
16. Ионин Л.Г. Социология культуры. - М.: Логос, 1996, - 280с.
17. Карнап, Р. Значение и необходимость. Исследование по семантике и модальной логике. М.: ЛКИ, 2007
18. Карпов А.В. Психология принятия управленческих решений. - М.: Юрист, 1998, - 435с.
19. Козак В.Е. Непроизводственная сфера: вопросы теории. Киев: Наукова думка, 1979,-312с.
20. Комаров М.С. Введение в социологию. - М.: «Наука», 1994, - 318с.

21. Коутс Р., Влейминк И. Интерфейс «человек - компьютер»: Пер. с англ. - М.: Мир, 1990. - 501 с.
22. Кулиш С.А. Современные проблемы управления силами и средствами. М.: Политехника, 2006.
23. Курбанов Ш.Э., Сейтхалилов Э.А. Управление качеством образования. Т.: 2004. 675 с.
24. Майоров А.Н. Мониторинг в образовании. - СПб.: Изд-во «Образование - Культура», 1998, - 344 с.
25. Педагогический словарь-справочник. Т.: \Под общей редакцией проф. Б.Ю. Ходиева. 2011. - 718 с.
26. Перре-Клермон А.-Н. Роль социальных взаимодействий в развитии интеллекта детей. - М.: Педагогика, 1991, - 249 с.
27. Пригожий А.Н. Нововведения: стимулы и препятствия (Социальные проблемы инноватики). - М.: Политиздат, 1989, - 271 с.
28. Проблемы развития управленческого мышления и деятельности. / Коллективная монография под ред. Громыко Ю.В. - М.: АПН СССР, 1991, - 215 с.
29. Управление по результатам: Пер. с финск. / Общ. ред. и предисл. Я.А. Лейманна. - М.: Издательская группа «Прогресс», 1993. - 320 с.
30. Управление системой образования. Проблемы и решения. / Под ред. федерального Министра образования Е.В. Ткаченко. - М.: 1996, - 174 с.
31. Управление. Информация. Интеллект/ Берг А.И., Бирюков Б.В., Геллер Е. и др. - М.: Мысль, 1976, - 383 с.
32. Шеннон К. Работы по теории информации и кибернетике. - М.: Изд. иностр. лит., 1963, - 830 с.
33. Штофф В.А. Моделирование и философия. - М.: Наука, 1966, - 301 с.
34. Шураков В.В., Дайитбергов Д.М., Мизрохи С.В., Ясеновский С.В. Автоматизированное рабочее место для статистической обработки данных. - М.: Финансы и статистика, 1990, - 190 с.
35. Grady Booch. Object-Oriented Design with Applications, Benjamin / Cummings Publishing Company, Redwood City, Calif 1990, - 519 p.
36. Hartley H.O. Testing of homogeneity of a set of variances. Biometrika, 1940, - 540 p.
37. Mosteller F., Tukey J.W. Data Analysis and Regression: A Second Course in Statistics. Reading, MA: Addison-Wesley, 1977, - 21 Op.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МОНИТОРИНГ РОЛИ

Илмий-услубий қўлланма

Litsenziya AI № 190, 10.05.2011y

Босишга 2014-йил 10-ноябрда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16.

Офсет қоғози. "Times New Roman" гарнитураси.

Шарҳли босма табоғи. 7,0. Адади 500 нусха. Буюртма № 46-1

«Tafakkur Bo'stoni» МЧЖ нашриёти босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Чилонзор кучаси, 1 уй.

